

496
382/7

Васильев




26
7
УЛИСТОН
7-1



ТЕРМИЗ—ХАЙРАТОН КЎПРИГИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ

Минбарда: КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидов, Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал, АХДП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Советининг Раиси Султон Али Кештманд, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Нормухаммади Худойбердиев ўртоқлар.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сийёсий,
адабий-бадний журнали

№ 7 (389)

Июль

1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Кутлуг айём — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги арафасида Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикасининг дўстона муносабатлари тарихида ажойиб воқеа рўй берди: Амударёнинг икки соҳили — Совет — Афғонистон соҳиларини бирлаштирган автомобиль-темир йўл кўпригининг ишга туширилиши билан мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустақкамроқ туташди.

Муддатидан деярли икки йил аввал фойдаланишга топширилган бу ноёб иншоот ишга тушиши туфайли Советлар мамлакати билан Афғонистоннинг дўстона алоқалари ва самарали ҳамкорлигини янада мустақкамлаш йўлида яна бир шонли босқич бошланди. Бу — мамлакатларимиз меҳнаткашлари ўртасидаги чинакам қардошларча дўстлик ва ўртоқликнинг аниқ-равшан намунасидир.

Жаҳон меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин совет ва афғон халқлари ўртасидаги мустақкам дўстликнинг ташаббускори бўлган эди. Совет давлатининг Афғонистон билан тенг ҳуқуқли муносабатларини ўрнатish ва ривожлантиришнинг бутун тарихи улуғ Ленин номи билан чамбарчас боғланган. Бундан олтинчи йил муқаддам Владимир Ильич Ленин бундай деб ёзган эди: «...Афғон халқининг дўстлик ҳақидаги биринчи шартномани Россия билан тузганлигини қайд этиб ўтишдан бахтиёрмиз. Имонимиз комилки, бизнинг энг салимий истакларимиз амалга ошади ва Россия микала халқининг бахт-саодати учун Буюк Афғон давлатининг доимо содиқ дўсти бўлиб қолади».

Доҳиймиз Лениннинг башорати рўёбга чиқди — бугунги кунда дўстлигимизнинг енгилмас кучи ва

самарадорлиги кўзга аниқ-равшан ташланиб турибди. Совет мутахассислари ёрдами билан Афғонистонда қурилган завод ва фабрикалар, газ конлари ва иссиқлик электр станциялари, электр линиялари ва қишлоқ ҳўжалик фермалари, мактаблар ва калсалхоналар бунинг ёрқин тимсолидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ўтган йили декабрь ойиде ўртоқ Бабрак Кармал билан Кремлда бўлиб ўтган учрашув чоғида бундай деган эди: «Совет Иттифоқи революция ғалабаларини ҳимоя қилишда афғон халқига қандай ёрдам берган бўлса, бизнинг мамлакатимиз одилона сийёсий бартараф этишни таъминлашда халқаро тинчлик ва барқарорлик манфаатларини қўлаб, бундан буён ҳам Афғонистонга ёрдам беришга тайёр эканлигини илова қилмоқчиман». Дўстлик кўпригининг ишга туширилиши афғон халқига дўстона ёрдамнинг амалий ифодаси бўлиб қолади.

Термиз — Хайратон кўпригининг очилишига бағишланган тантаналарда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов Рашидов бошчилигидаги СССР партия-ҳўкумат делегацияси ва Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал бошчилигидаги АДР партия-ҳўкумат делегацияси иштирок этишди. Дунёда энг ўнар дарёлардан бири бўлган Амударё устидаги жуда мураккаб қурилиши амалга оширган инженерлар, мас



Шароф Рашидов ва Бабрак Кармал ўртоқлар дўстлик боғига кўчат ўтқазимшоқда.

[ЎЗАТАГ фотозхроникаси]

на тўлатиш қолмай, у бизнинг қалбларимизни, халқларимизнинг қалбларини яна ҳам бақувват ришталар билан боғлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев яқинда Тошкентга келганлиги, айниқса Шарқ халқлари учун КПСС ва Совет ҳукумати барча қардош Совет Социалистик Республикаларини ривожлантиришга доимо зўр эътибор бераётганликларини кўрсатувчи ёрқин ва ишонтирарли далил бўлди. Жумладан, СССРнинг Ўрта Осиё республикалари эришган муваффақиятлар социал тараққиёт ҳамда одам одамни эксплуатация қилишдан холи бўлган жамиятни барпо этиш йўлига ўтиб олган барча мамлакатлар учун ажойиб намунадир.

Ўртоқ Шароф Рашидов Совет-Афғонистон муносабатларининг чуқур илдизлари, мустақдам ва пухта пойдевори мавжуд эканлигини таъкидлади ва бундай деди:

— Амударё устига қўрилган кўприк мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт алоқаларини янада кенгайтириш учун қўлай имкониятлар яратибгина қолмайди. Бу объект чинакам интернационал аҳамиятга эга бўлади, чунки у СССРнинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Осиё мана шу региони билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришнинг янги омилли бўлади.

...Митинг тугайди. Шароф Рашидов билан Бабрак Кармал ўртоқлар аъъанавий алвон лентани қирқадилар — Амударё устидаги темир йўл ва автомобиль йўли шу дақиқалардан бошлаб доимий очки!

Пўлат излардан биринчи поезд ўтади. СССР ва АДР давлат байроқлари билан безатилган дастлабки эшелонга автомобиллар ва тракторлар, экскаваторлар ва йўл техникаси ҳамда қурувчилар учун мўлжалланган вагончалар ортилган. Поезд вагонларида Совет Иттифоқидан Афғонистонга етказиб берилган халқ истеъмол моллари ҳам бор. Кўприк орқали автомобилларнинг ilk колоннаси — «Совтрансавто»нинг 10 та машинаси ҳам ўтди. Бу машиналарда Совет соҳилдан Хайратонга халқ тўхалик юклари етказиб берилди.

Тантани қатнашчилари Афғонистон соҳилига ўтиб, совет қурувчилари ёрдамида бунёд этилган катта иншоотлар комплексини кўрдилар. Хайратон ёнида қад кўтарадиган ҳамда афғон ишчилари билан мутахассислари яшайдиган навқирон шаҳарга ҳам тантанали вазиятда пойдевор қўйилди. Бўлажак шаҳар ўрнига эсдалик обидаси ўрнатилди — сайқал берилган қопқора гранитда чўлнинг қайноқ офтоби акс этиб яққираб турибди. Икки дўст мамлакат делегацияларининг раҳбарлари — Бабрак Кармал билан Шароф Рашидов ўртоқлар эсдалик обидаси пойдеворига металл капсулани жойладилар. Капсула ичида 1982 йил 12 май куни бу ерда бўлиб ўтган тарихий воқеалар тўғрисидаги эсдалик ёзуви бор.

Тинчлик ва ҳамкорлик трассаси — Амударё соҳилларини бирлаштирган Термиз — Хайратон кўприги бундан буён ҳар тарафлама алоқаларининг мустақамланишига хизмат этаверади.

13 май куни Термиз шаҳри марказидаги кенг, кўркам майдонда революциянинг улғу йўлбошчиси, жаҳон халқларининг буюк раҳнамоси Владимир Ильич Ленин ҳайкали тантанали вазиятда очилди. Ҳозир бўлган кишиларнинг кўз ўнгига Коммунистик партия ва Совет давлати асосчисининг гранит супага ўрнатилган улғувор бронза ҳайкали намоён бўлади.

Митингда АДР ва СССР партия-ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари — Бабрак Кармал билан Шароф Рашидов ўртоқлар нутқ сўзладилар. Улар таъкидлаб ўтишганидек, В. И. Ленин ҳайкалининг очилиши геннал мутафаккир, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ва устози, дунёда биринчи кўп миллатли социалистик давлат бунёдқорига умумхалқ меҳр-муҳаббати ва унинг ўлмас ишига садоқат белгисидир. Совет мамлакати, тараққиқпарвар инсоният ана шу кўп миллатли социалистик давлатнинг 60 йиллигини муносиб кўтиб олишга ҳозирлик кўраётир.

Дохий ҳайкалининг Термизда, СССР билан Афғонистон чегараси яқинида ўрнатилганлигининг чуқур рамзий маъносига бор. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликка Ленин асос солганлигини, совет мамлакати ўзи бунёдга келган дастлабки кунлардан бошлаб мазлум халқларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидаги иштишларини Ленин ташаббуси билан қўллаб-қувватлаб келаётганлигини афғон халқи ҳеч қачон унутмайди. Амударё устига қўрилган кўприк ҳам халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб ишга хизмат қилади. Ана шу ишга Ленин Улғу Октябрь тоғидаёқ пойдевор қўрган эди. Нутқларда ер юзюда тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлаш тўғрисида тинимсиз галмурий қилаётганликлари учун улғу Ленин партиясига, Совет Иттифоқи ҳукуматига, содиқ ленинчи, замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежневга астойдил миннатдорчилик тўғуларини ихдор этилди.

Термиз гаризонининг жангчилари саф тортиб, тантанали марш билан майдондан ўтадилар. Шароф Рашидов билан Бабрак Кармал ўртоқлар икки дўст мамлакат делегациялари номидан В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

рлар ва ишчилар, совет дўстлари билан ёнма-ён, пкама-елка ишлаган афғон меҳнатчилари ана шу ғрихий воқеанинг қаҳрамонларидирлар. Митингнинг ўрхондарё область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Абдухалиқ Каримов очди. Майдон эра, янги қурилишлар комплекси узра, дарё узра АДР, СССР ва Узбекистон СССР давлат гимналарининг улғувор садолари янграйди.

Митингда сўзга чиққан Хайратон портининг бош меҳаниги Муҳаммад Зоҳир янги ҳаёт барпо этишда Афғонистонга ҳар томонлама ёрдам бераётганлиги учун совет халқига чуқур миннатдорчилик ихдор тди. 32-Кўприк отрядининг монтажчиси М. Жали-

лов Термиз меҳнаткашлари Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги қардошларча ҳамкорлигини ривожлантиришда, дўст давлат миллий экономикасини мустақамлашда бундан буён илмий ҳам муносиб ҳисса кўшаверадилар, деди.

Тантанали митинг қатнашчилари Бабрак Кармал ва Шароф Рашидов ўртоқларининг нутқларини зўр савимият билан қарши олдилар.

— Амударё устида қўрилган темир йўл ва автомобиль транспорти учун мўлжалланган кўприк дўстлигимизнинг, қилигимизнинг, ўртоқлик ва қардошлигимизнинг раъзи бўлиб қолади, — деди ўртоқ Бабрак Кармал. — Бу кўприк Амударё соҳилларининг-

ЛЕНИН ОҒТОБИ

Кишиликнинг умиди нимани қилса орау, Бахтлар-хуқуқлар билан текисликда тарозу; Ҳаётининг мазмун билан мағзи тўла қонун бу Биз яшаган замоннинг энг муқаддас китоби.

Фалсафий чигилларни ҳал қилувчи ақллар Инсоний эрк жумбоғин ечиб беролмадилар, Ягона бир таълимот оламга берди хабар: Бу — Маркс фалсафаси, Лениннинг оғтоби.

Қонун асосий деб номланган улғу иқод Кишининг инқилобий фикридай доим озод. Нур томон интиларкан жафодийда одамозод. Йўлига йўлбошчидир қонуннинг боби-боби.

«Советлар Ватанида мунчалик юксак камол, Қадам-қадам ободлик, маърифат, ҳусну жамол, Шу қисқа мuddат ичра, қайдан!»— деб бўлса савол, «Эркимизнинг амри!»— деб, берилади жавоби.

Ватандошнинг, шухратинг жаҳон-жаҳон ёйлсин, Катта истиқболнинг зарг қопқаси очилсин, Муборак йўлнинг усти манзил-манзил сочилсин, Гулғунасин гулоби, гулбаргининг шароби.

Биз яшаган замоннинг энг муқаддас китоби, Инқилобий идрокнинг мuddаси, хитоби, Халқларга раҳнамодир бу қонун боби-боби, Бу — Маркс фалсафаси, Лениннинг оғтоби.

ҚУДРАТЛИ ТИЛ

Г. Н. ШЧЕГЛОВА,

Республика давлат Рус тили ва адабиёти институти ректори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби

Тилин эъозлаш — элни эъозлаш демакдир. Бутун жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, улғу доҳий Владимир Ильич Ленин ҳар бир миллат ва элатни унинг ўз она тилисини юксак қадрлашни алоҳида таъкидлаб, бундай деган эди: «Марксизтларнинг миллий программаси миллатларнинг ва тилларнинг тенг ҳуқуқчилигини, бу жиҳатдан ҳеч қандай имтиёзларга йўл қўймагликини ҳимоя қилади... Кимки миллатларнинг ва тилларнинг тенг ҳуқуқчилигини эътироф этмас ва ҳимоя қилмас, ҳар қандай миллий зулмга ёки тенг ҳуқуқсизликка қарши курашмас, ундай киши марксизм эмас, ундай киши ҳатто демократ ҳам эмас» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 24-том, 144-бет).

Дарҳақиқат, мамлакатимизда, ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин, ҳар бир халқ ўз миллий тилида сўзлашиш, бадиий асарлар яратиш, ўз миллий маданияти билан жаҳон маданияти тараққиётига ҳисса қўшиш ҳуқуқига эга. Бироқ турли миллат ва элатларнинг ривожланиши ҳамда яқинлашувида, тили ва маданиятнинг раванқ топишида, дўстлик ва маданий алоқанинг мустаҳкамланишида миллатларро алоқа тилининг аҳамияти бениҳоя катта. Кўпмиллатли совет халқлари учун рус тили ана шундай буюк восита вазифасини ўтайди. Бу қудратли тил СССРда яшовчи барча халқларнинг ўз миллий тилларида ёзилган асарлари билан бир-бирини таништиришда, миллий тилларнинг ҳар томонлама ривожланишида бебаҳо восита бўлиб хизмат қилаётди.

Барча совет кишилари каби ўзбек халқи ҳам рус тилини зўр меҳр-муҳаббат билан ўрганишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати томонидан белгиланган қатор тадбирлар, 1979 йили Тошкентда ўтказилган «Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» мавзусидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференция фикрини далиллади. Мазкур конференцияда КПСС Марказий Комитети Сибсий бюроси аъзолигини кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов ўз докладыда бундай деган эди: «Миллатларро алоқа тили миллий тилларни камситмайди ва чеклаб қўймайди. Аинсича, у ўз келомотида янги чўққиларга кўтарилишда ҳамма миллий тилларга ёрдам беради... Рус сўзи — улғу кўпмиллатли давлатимизни планетадаги кишилар билан боғловчи халқандир».

Дарҳақиқат, улғу рус тили тўғриси Совет Иттифоқи халқлари жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд бўлаётирлар. Айни пайтда рус тили орқали барча совет миллатлари ва элатлари миллий маданиятлари ютуқларини жаҳонга танитмоқда ва жаҳон маданиятини бойитмоқда. Рус тилининг миллатларро алоқа воситаси

тилига айланиши — ривожланган социалистик жамият қурилишининг объектив заруратидир. Чунки социализм мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг биргаликдаги меҳнати, баҳамжиҳатлик ҳаракатлари билан барпо этилади. Ривожланган социализм шароитида эса рус тилининг роли ортиши сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади. Бу босқични миллий муносабатларнинг янада ривожланиши, миллатларро алоқаларнинг жадаллашиши, фан-техника революцияси таъсирининг кенгайиши, барча миллат ва элатлар маънавий эҳтиёжларининг ўсиши тақозо этади.

Рус тили — совет кишилари янги тарихий бирлиги алоқасининг асосий воситаси. Шунингдек, бу тил барча миллат ва элатлар алоқасининг, уларнинг ўзаро яқинлашувини жадаллаштиришнинг энг муҳим омилдир. Кейинги йилларда айниқса рус тилини ўзининг иккинчи она тили деб ҳисобловчи бошқа миллат ва элат кишилари сонин кескин кўпаймоқда. Чунки, чет эллар билан илмий, илмий-техник ва маданий алоқалар бениҳоя кенгайиб бораётганлиги муносабати билан СССР халқларининг рус тилини яхши ва мукаммал билиш зарурати ва эҳтиёжи кундан-кунга ортаётир. Шунинг учун ҳам рус тили БМТнинг, кўпгина халқро конгресслар, конференциялар ва симпозиумларнинг расмий тилларида биридир.

СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги воситаси миллатларро алоқа тили шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёш авлодин интернационализм, совет ватанпарварлиги ҳамда халқларнинг бузиммас қардошлиги руҳида тарбиялашининг муҳим омили бўлган — рус тилининг социал аҳамияти тобора ўсиб бораётир. Шу сабабли рус тилини ўрганиш масаласи бугунги кун тартибидagi муҳим вазифадир. Республикаимизда бу соҳада жуда катта ишлар амалга ошириляётир, муҳим тадбирлар белгиланяётир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети ва УзССР Маориф министрлиги томонидан мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртрларида рус тили ўқитишни йўлга қўйишни яхшилашга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Айниқса, рус тили ва адабиёти фани бўйича юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хозирги кунда республикаимизда рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлаш иши учта университетда, 14 та педагогика институти ва 18 та билим юртида рўйбга чиқарилмоқда. Уқувчилар ўқитувчилардан рус тили ва адабиётини шунчалик ўқитишни эмас, балки ўқув жараёнини мукаммал ташкил этишни талаб этмоқда. Бугунги кунда давримиз тараққиёти ўрта маълумот олаётган

ўшарининг рус тилини бемалол эгаллашларини сиёсий, бадиий адабиётни ва ўзларига тушунали техника адабиётларини ўқидиган, озгаки нутқини тушунадиган, ўз фикрларини рус тилида ўифодалайдиган бўлишларини талаб этмоқда. Мана шу талабга мувофиқ рус тили ва адабиёти учун I синфдан то X синфгача ҳафтасига 50 сатта яқин вақт ажратилган. Мактабларнинг I синфдан бошлаб то X синфинг битиргунга қадар рус тилидан имтиҳон олинмоқда. Республикани ҳар бир мактабда рус тили ва адабиёти кабинетлари мавжуд. Бундай кабинетларнинг энг яшилари учун мунтазам суратда курик-конкурлар ўтказилиб турилибди. «Рус сўзи» фестивалари, рус тили адабиёти ҳафталиклари ўтказяляётир.

Рус тилини ўқитиш, ўртоқ Ш. Р. Рашидов айтганидек, «комплекслигинистик ва педагогик сиёсий ва идеологик проблемадир». Бизнинг Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтига эса бўлғуси малакали рус тили ва адабиёти ўқитувчиларини кўпроқ маҳаллий миллат вакилларидан тайёрлашга алоҳида эътибор бераётир ва ўз иштини юқоридagi кўрсатмалар асосида олиб бораётир.

Ўқитувчи ҳар бир тилнинг социал-иқтисомоҳиятини, мазмуний функцияларини таъкидлажан, фақат билим бериш мақсадини кўзда тумайди, балки жуда муҳим идеологик вазифа ҳам ўтайди.

Ахир бизнинг давримизда фақат мутахассислик таълимигина эмас, балки билимлар билан дунёқарашининг бирлашуви одамларни чинака маълумотли қилади. Рус тилини ўқитиш соҳасидаги барча ишларимиз ҳам худди ана шунинг асосланган бўлиши керак.

Ўқитувчи ҳар бир ўқув машғулотида талабаларнинг гоъвий эҳтиқодини шакллантириш учун, буюқларимизнинг амалга ошиши учун зарур бўлган барча фазилатларни тарбиялашга интилиши зарур. Тилшунослик, адабиётшунослик фанларини, иқтисомий ва психологик-педагогик билимларни ўрганиш жараёнида ватанпарварлик ва интернационализмни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш шу куннинг талабидир.

Институтиимизда рус тили ва адабиёти ўқитиш комплекс программасининг лингвистик ва педагогик жиҳатлари профессор-ўқитувчилар составининг илмий-назарий ва методик маҳоратини нуттасил ошира боришни тақозо этади. Бэса, ўз навабатида, лекция ва амалий машғулотларнинг методик механизмга чинакам ижодий муносабатда бўлиши, ҳар қандай сийқакли расмийатчиликдан қатъиян воз кечини талаб этади. Умуман, бизнинг лингво-дидактикамиз хусусан, олий ўқув юртрларида рус тилини ўқитиш методикаси бой айнанага эга. Унинг арсеналида синовдан ўтган методик восита ва ечимлар жуда кўп: таҳлил ва синтез, қиёслаш ва чоғиштириш, умумлаштириш ва абстракциялаш, муаммоли вазиятни вужудга келтириш, алгоритмлаштириш, программалаш ва ҳоказо. Шунга эришиш керакики, институтиимизнинг ҳар бир ўқитувчиси ўзининг қудалик ишида мазкур методик ечимлардан ягона умумий мақсад — рус тили ва адабиёти мутахассисларини сифатли тайёрлаш йўлида гоъят оқилона ва самарали фойдаланадиган бўлсин.

Маҳаллий миллат вакиллари орасидан рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлашга ўзига хос хусусиятлари рус тилининг грамматик тузилишини фақат грамматик ҳодисалар системаси сифатида эмас, балки нутқ ҳосил қилиш механизми сифатида, аввало нутқини унинг турл формалари ва услублари хусусиятларига мувофиқ тузиш имконини берадиган восита сифатиди ўрганишни талаб этади. Худди шундай лингво-дидактик ёндашиш тўғрйли рус лингвистикас соҳасидаги назарий билимлар билан қуролланган ҳамда рус адабий тилини озгаки ва ёзма формаларда мукаммал эгаллаган мутахассислар тайёрлашни таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг сўнгги йилларда қарор ва кўрсатмаларида мактабларда, мактабча ва мактабдан ташқари муассасаларда, хунар техника билим юртрлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртрларида рус тили ва адабиётини ўрганиш янада яхшилаш алоҳида таъкидлаб кўрсатилди.

Мана, 19 йилдирки, институт бағрида таълим тарбия олаётган маҳаллий миллат ва элат вакиллари юксак малакали рус тили ва адабиёти ўқитувчилари бўлиб етишмоқдалар. Институтиимизнинг 300 га яқин профессор-ўқитувчилар партия ва ҳукуматимиз қарорларини сифатидан дан бажара бориб, улғу Ленин тили — қудратли алоқа воситаси — рус тили ва адабиёти бўйича етуқ кадрлар тайёрлаш борасида ҳормай-толме меҳнат қиляверадилар.

Дарҳақиқат, ўртоқ Шароф Рашидов айтганидек, рус тилини ўрганиш ва ўқитишни янада такомиллаштириш катта сиёсий, умумсоветий интернационал аҳамиятга моликдир.

БУ ИЙЛ — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганга 60 йил тўлади. Бу — азият Ватанимизнинг катта байрами, халқлар дўстлигининг байрамидир.

Бу — ленинча миллий сўбатнинг тантанасидир. Шу билан бирга, бу байрам иш якунларини чиқариш, келажак вазифаларини белгилаш ва аниқлаш учун яхши мавриддир».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР қасаба союзлари XVII съездидаги ёрқин ва илҳомбахш нутқда худди шундай деди. Шонли юбилей йилда — яхши маврида Узбекистон СССРда янги — Навоий области ташкил этилдики, бу республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада оқилонга ривожлантириш, резервлардан самарали фойдаланиш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимиз фахри

ЯНГИ область маркази — Навоий шаҳри бўйлаб кезганда, улуғ устоднинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги шу байт хаёлга келади:

Деди: «Ҳар ишчи қилмиш одамизод,
Тафаникур бирла билмиш одамизод».

Дарҳақиқат, Навоий шаҳри совет воқелигига хос меҳнат қаҳрамонлиги ва буюк мурод-мақсадларни рўёбга чиқариш ишига масъул халқ тафаккурининг амалдаги мужассами сифатида бунёд этилди.

Навоий шаҳри Ленин замонасида, барча совет халқлари каби, ўзининг тинчлик, дўстлик, адолат тантанаси, ер, сув ҳақидаги асрий орзулари ушлаган ўзбек халқи маънавий гўзаллигини ёрқин тинчлик сифатида бунёд этилди.

Навоий шаҳрига, Маданият саройи олдидаги «Фарҳод» ҳайкал-фаввораси ва Узбекистон дарёлари: Сирдарё, Амударё, Зарафшоннинг мажозий тасвири, бойлик ва ҳосилдорлик тимсоли — кўза кўтарган уч қиз скульптура композициясига самолётдан қарасангиз, Қизилқум бағрида, Малик чўлининг қоқ ўртасида ёзнинг ҳаддан ташқари иссиғи, қуруқ иқлим, қум бўронлари, ёнғингарчиликнинг нисбатан камлигини меъморчилик нуқтаи назаридан ҳисобга олган ҳолда бу қадар замонавий ва гўзал, яшил шаҳар қуриш чинакам жасорат намунаси эканлигини ҳис қиласиз. Аммо бу ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланган, амалга ошириш мутлақо таъминланган жасорат. Зеро, Ватан, халқ манфаатлари рўйи учун хизмат қиладиган жасоратлар совет воқелиги иқтисодий-маънавий эҳтиёжларининг амалий ифодалари-дир.

Навоий — мамлакатимиздаги энг ёш шаҳарлардан бири. Унинг лойиҳасини ленинградлик меъморлар яратганлар. Улар Навоий шаҳри лойиҳаси учун СССР Давлат мукофоти, шунингдек, СССР Архитекторлар союзининг П. Аберкромби номидаги Халқаро мукофоти лауреати бўдилар. Фарҳод ҳайкали автори В. Савинин эса СССР Бадий академиясининг Ўлтин Медали билан тақдирланди. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладыда ленинча дўстлигининг порлоқ самараси сифатида қад кўтарган Навоий шаҳрини тилга олди, «Навоий ва бошқа шаҳарлардаги янги қурилишлар — булар бизнинг фахримиздир», деди, шу тариха атрофимиздаги ҳамма нарсалар гўзал, яхши дид билан ишланган бўлиши, шаҳар қурилишида зўр жозиба-

Бу йил совет халқи Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини ва СССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини тантанали нишонлайди. Бу, — гарчи баъзан жуда қийин бўлса ҳам, аммо шонли ўн йилликлар бўлди. Биз оғирликлар ва маҳрумликлар оша ўтдик, йўл-йўлакай ўргандик, хато ва янгилишларни бартараф этиб, дунёни қойил қолдирган муваффақиятларга эришдик.

Л. И. БРЕЖНЕВнинг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзининг XIX съездидаги нутқидан

дорлик ва хилма-хиллик қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини бевосита ўқитиб ўтди. Эндикликда Тошкент, Бухоро, Ғазли ва бошқа шаҳарларда Навоий кварталлари бор. Бу улуғ шоир номидаги навоирон шаҳарга, меҳнатда буюк муваффақиятлар қозонаётган навоийликларга бўлган фахрият эҳтиром тимсолидир.

Биринчи йнгилиш: кучлар кўриги

ШУ ИЙЛНИНГ 27 апрель кунин Навоий шаҳрида Навоий область партия ҳўжалик активининг биринчи йнгилиши бўлди. Актив йнгилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

— Навоий области саноат, айниқса, қончилик ва кимё саноатининг ўсиш суратлари жиҳатидан, капитал қурилиш кўлами ва сифати жиҳатидан, пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш даражаси, аҳолининг турмуш маданияти жиҳатидан илгорлар қаторида бўлиш учун барча зарур имкониятларга эга, — деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов. — Озиқ-овқат программасини амалга оширишга иложи борича кўпроқ ҳисса қўшиш учун ҳозир энг муҳими — пахтачиликни, чорвачиликни янада ҳар томонлама юксалтиришни таъминлаш, дон, сабзавот ва мева ҳамда бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш керак. Биринчи навбатда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга янги омил бағишлаш зарур. Область индустрияси база тармоқлари орасида кимё саноати жуда катта салмоқни эгаллаб турибди. Бу ерда минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, синтетик маҳсулотлар ва бошқа куч маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга куч-ғайратни сафарбар этиш лозим. Бунинг учун резервлар мавжуд ва бу резервлар анчагинадир. Капитал қурилиш — экономиканинг энг муҳим бўгинларидан бири. Бу йил область қурувчилари 260 миллион сўмликдан зиёд капитал маблағларни ўлаштиришлари, 180 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари керак. Умумий майдони салкам 100 минг квадрат метр бўлган уй-жой, 2 минг ўрилли мактаблар, кўпгина мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, савдо ва маиший хизмат объек-

еклари қурилади... Қишлоқ ҳўжалигида жуда катта тадбирларни амалга ошириш лозим. Навоий областининг пахтакорлари бу йил камида 240 минг тонна, беш йиллик давомида эса бир миллион тоннадан ортиқ пахта етиштиришлари зарур. Донли экинларни парварши қилиш арготехникасини қатъият билан такомиллаштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш керак. Маккажўҳори ҳосилдорлигини ошириш дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервидир. Навоий области чорвачиликни ва авалло кўйчиликни ривожлантириш учун ҳам катта имкониятларга эга. Бутун республикаимиз каби Навоий области ҳам аҳолининг состави, ўз иқтисодий алоқаларини хилма-хиллиги жиҳатидан интернационалдир. Навоийда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғит, цемент, катаран, электр энергия, қимматбаҳо металллар, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва бошқа хил маҳсулотлар мамлакат халқ ҳўжалигига жуда зарурдир. Саноат, шунингдек, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини областлар, республикалар миқёсида етказиб беришининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш навоийликларнинг ватанпарварлик, интернационал бурчидир.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг сержамзун нутқида Навоий областининг бугунги ва истиқболги тўла-тўқис ва ёрқин намоён бўлди. Йнгилиш иштирокчилари — партия-ҳўжалик ходимлари, ишчилар, деҳқонлар, чорвадорлар — янги область фаоллари улуғ мақсадлар билан иш бошига — ўз жойларига тарқалдилар.

Навоий нурхонаси

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1981 йил ноябрь Пленумида халқ ҳўжалигини тараққий эттиришининг марказий вазифалари қаторида ёқил-энергетика комплексидан фойдаланишни ривожлантириш соҳаси алоҳида таъкидлаб кўрсатилди. Бу эса Навоий ГРЭСи энергетикалари зиммасига ҳам янада улугворроқ масъулиятлар юкляди.

Навоий ГРЭСининг дастлабки блоклари ишга туширилганидан бери ўн саккиз йил ўтди. Бу даврда Зарафшон водийси саноати тез ривожланиб борди, Қизилқумда янги канал ва насос станциялари қурилиши тобора кўпроқ энергия талаб қилаверди. Ана шунда Навоий ГРЭСи қувватини кўпайтиришга — яна иккита блокни монтаж этишга қарор қилинди. Бу вазифа муваффақиятли ҳал этилди, станциянинг қуввати 1,5 баравар оширилди — 1 миллион 25 минг киловаттга етказилди.

Маҳаллий газ-ёқилги билан ишлайдиган бу катта



Бу кўза кўтарган қизлар — Узбекистон дарёлари: Сирдарё, Амударё, Зарафшоннинг мажозий тасвиридир

НОМИДА ОБЛАСТЬ

иссиқлик электр станцияси мураккаб табиий иқлим шароитларида қурилди. Унинг тўла қувват билан ишга туширилиши ўлкамизнинггина эмас, балки барча Урта Осиё республикаларининг энергетика потенциалини кучайтиришга, саноат ва ҳўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

Энергетика агрегатларининг лойиҳадаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлариға жадал эришилши натижасида электр станцияни қуриш учун сарфланган маблағ ҳозиргача халқ ҳўжалигиға бир неча баваравор ортиги билан қайтариб берилганлиги жуға муҳимдир,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев Навоий ГРЭСи ишчиларига, инженерларига, барча қурилиш қатнашчиларига йўллаган табриқномасида.— Бу капитал маблағдан юксак самарали фойдаланишининг яхши намунасиғидир.

Навоий ГРЭСи Урта Осиё ва Қозғистон яғона энергосистемасига қўшилди ва Самарқанд, Бухоро қаби қадимий шаҳарларни ҳам нур билан таъминлай бошлади.

Навоий ГРЭСи ҳар бир блокнинг ишга туширилиши ўзига хос иқодий тарихға эға. Масалан, 11-блокни қуриб битказиш жараёнида лойиҳада ҳисобға олинмаган бир ҳолат туғайли металл ҳарорати кўзда тутилган даражадагидан ошиб кетди. Мутахассислар бунинг сабабини аниқладилар ва шу тажрибадан 12-блокни монтаж қилиш пайтида моҳирона фойдаландилар.



СССРнинг 60 йиллиги ОЛДИДАН

Навоий ГРЭСида станциянинг белгиланган қувватдан фойдаланиш коэффициентни Ўзбекистон энергосистемаси микёсида энг юксаги ҳисобланади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев табриқномаси Навоий энергетикларини янги меҳнат зафарлари сари рўҳлантириб юборди. СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадига бошланган социалистик мусобақа кундан-кунға кизгин тус олаётгани шундан далолат беради. Жумладан, қозон турбина цехининг машинисти А. Алимов, турбина ускуналари ишини кузатиб турувчи машинист Е. Қозина, газ-электр пайвандчиси В. Мок, слесарь А. Аҳмедов ўртоқлар социалистик мусобақада пешқадам бўлмоқдалар. Навоий энергетиклари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида, юбилей йилда яғона зўр муваффақиятларға эришадилар ва йиллик пландан ташқари, 28 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилдилар, 800 тонна шартли ёқилгини тежаб қоладилар, деб қатъий ишонамиз.

Ишчи эътиқоди

НАВОИЙ кимёгарлари ҳар тонг бир янглик иштиёқи билан уйғонадилар. Чунончи, куни кеча Навоий Электр кимё комбинатининг иккинчи навбати — акрекс ишлаб чиқарувчи қурилмалар комплекси ишга туширилди. Акрекс — ҳосилни зараркунданлардан асраб қолувчи восита, табиий мўъжиза. Эндиликда Навоий кимёгарлари ҳар йили 4 минг тонна акрекс ишлаб чиқарадилар.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса, кейинги йилларда катта ўзгаришлар содир бўлди, жуға кўп техник масалалар ҳал этилди, ишчи-хизматчилар орасида олиб бориладиган гоъвий-сиёсий, ташкилий ишлар савяиси яғона кўтарилди, меҳнатқашларнинг иш ва дам олиш шароитлари яхшиланди. Натижада бирлашма кўрсаткичларида силжиш рўй бердики, буни «Навоийазот» меҳнат аҳли юбилей йили марраларидан ҳам кўриш мумкин:

«Ялли маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани 25 декабрғача бажарилди. Пландан ташқари 4,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, пландан ташқари 75 минг тонна минерал ўғит, 20 минг тонна аммиак, 750 тонна нитрон толеси тайёрланади ва меҳнат унундорлигини ўстириш топшириқлари 0,5 процент ошириб бажарилади.

Тежамкорлик режимини яғона кучайтириш, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига 550 минг сўмлик хом ашё материал, энергия ресурслари, шу жумладан, 20 миллион киловатт-соат электр энергияси, 50 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежалди.

Маҳсулот сифатини ошириш ишлари давом эттирилади, нитрон тола сортлиги 20 процент оширилади, маҳсулотнинг бир тури давлат Сифат белгисини олишға қўйилади...»

«Навоийазот»нинг меҳнатсевар ходимлари кўп. Цех бошлиғи К. Оймирзаев, катта аппаратчи О. Эшонқулов, цех бошлиғи ўринбосари Р. Қаримов, смена бошлиғи Н. Пирманова... Булар — бирлашма донгини таратган пешқадамлар. Улар сафини тўлдириб, кундан-кунға камол топа бораётган ёшлар ҳам аниқгина. Бирлашмадаги 17-цех 4-смена бошлиғи Ҳалима Суннатова ана шуларнинг бири.

— 1973 йили Тошкент политехника институти кимё-технология факультетини тугаллаб, мастер бўлиб ишға келдим,— деб ҳикоя қилади Ҳалима.— Етти йилдан бери смена бошлиғиман. Сменамиз ҳар доим планин ошириб бажариб келмоқда. СССРнинг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада қўшилиб, пландан ташқари 50 тонна сунъий тола — нитрон беришға аҳд қилганмиз. Рустам Азизов, Сабоҳат Қурбонова, Наташа Мелехова, Иван Торкин, ВЛКСМ XIX съезди делегати Роза Ҳамидова, Олижон Қурбонов кабилар социалистик мусобақада биринчи бўлмоқдалар.

Ҳамсуҳбатимиз сўзнда давом этади: — «Ишлаб чиқаришни тезроқ ривожлантирмай туриб, фаровонлигининг ўсшини таъминлаб бўлмайди,— дейди ўртоқ Л. И. Брежнев.— Айни вақтда меҳнат ва турмуш шароитлари нақадар яхшироқ бўлса, ишлаб чиқаришининг ривожини ҳам шу қадар

муваффақиятлроқ бўла боради». Дарҳақиқат, турни Бирлашмамизда кейинги йилларда ишлаб чиқариш яхши ўсмоқда. Сунъий тола ва III аммиак ишлаб чиқариши, синил кислота цехи лойиҳада белланган қувватға эришди. Уч маҳсулотға давлат Сифат белгиси берилди. Шу билан бирға, меҳнатқашларнинг кундалик эҳтиёжларига — уй-жойға, овқатланишға, маиший эҳтиёжларига, солиқни сақлашға маорифға кўпроқ эътибор берилмоқда. Чунон «Навоийазот» ишчиси тушлик қилиши учун 15 миң кифоя. 200 уринли санаторий-профилакторий — бунинг хизматимида. Ҳашар қилиб, спорт комплекси қурдик. Бирлашмамиз «Мовий Иссиққўй» ҳам «Чимёй» санаторийлари қурилишға ҳисса қўшмида. Биз бу йил меҳнатқашлар учун қўшимча тарз 420 та санаторий йўланмаси оламиз. Инсонни фаровонлигини ҳам, кайфиятини ҳам белгилаб берадиган шу омиллар сабаб бўлиб, 1976 йили 20 процентини ташкил этган кадрлар қўнимсизлиги 19 йилға келиб 14,7 процент даражасида қамайди. Абатта, бу ҳамма ишимиз аъло деганимиз эм. Сунъий тола иккинчи навбати утган йили ишга туширилиш керак эди, бу йилға қолди. Лекин бунинг ишончимиз қомил: қийинчиликларни енгами Юбилей йилин муваффақиятли яқунлаймиз. Гални шунинг учун давил айтаётганими, иш эътиқоди — зўр маънавий куч. Барча ишчиларини коммунистлар етакчилигида СССРнинг 60 йилли шарафига бошланган мусобақада кизгин иштир этмоқдалар.

Ишчи эътиқоди, ҳақиқатан ҳам, синалган зўр маънавий куч. Ҳалиманинг айтигани албатта бўлади.


Чўпонлар хузурида

ОҚТОҒ билан Қоратог оралиғида — Навоий область чорвадорлари хузуридамиз.

— 1969 йили тўксон кундан кўпроқ қизил билан олишдик,— деб ҳикоя қилади Нурота райондаги Ленин номили совхоз 3-бўлими бош чўпон Ҳомид Боқулов.— Ушанда десангиз, фақат осми билан ер қолган. Самолётлар, танклар ердағи келди. Лекин энг оғир вақтларда ҳам қўйларни оч қолдирмадик. Қўй оч бўлса, 15 даража совуққа чидамайди. Ваҳоланки, олпмин тўққизинчи йили қисовуғи 40—42 даражага етди.


Ҳомид Боқуловнинг ҳикоясига қулоқ солами Унинг содда, лекин доно сўзлари заммиридаги инсоний матонатни тўла ҳис қилишға интиламиз. Ул Ватан уруши ветерани, II группа инвалиди Ҳомид ака меҳнатда ҳам ўзини кўрсатди. У 20—25 йилдан бери қишдан туёқ сонини тўла сақлаган ҳолда чўпақди, ҳар 100 совлиқдан олиннадиган қўзи сонини 150 ден туширмайди. Октябрь революцияси, Хумат белгиси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари бир қарашда оддийдек кўринадиган рақамлар аслда қаҳармонлик эканлигини англайиб,— Боқулов кўксини безаб турибди.

— Ез кунлари майда молнинг икки туёғи сувди икки туёғи ўтда бўлсин,— деб давом этади Ҳамсуҳбатимиз.— Қўйинға қараб чўпонинға баҳо бериш мумкин. Чунки жониворлар, худди гўдақдай, меҳри ҳикояға муҳтож: унға совуқ ҳам, иссиқ ҳам тилсиз. Қишда қоракўл қўйларни қанча ёпиқ қўраға кимасангиз, уларни шунча қийнаган бўлсиз. Бу ким талафотларға сабаб бўлади: қўй димқида, терлади, кейин ташқарига ҳайдалганда, шамоллайди, ки сал бўлади, бола тешлайди. Хуллас, данғаса чўпонинға қўйини ёпиқ қўраға қамайди. Қўй очик ҳаво



Навоий шаҳрининг бир кўрinishи.

Н. Мухаммаджонов фотоси.



Илгор паррандабозар Нодира Бегимқуллова ўрдак жўжаларини меҳр билан парварши қилади.

лекда ишлайдиган кишилар — ишчи кучи хусусида ҳам бош қотириши лозим эди. Район раҳбарлари унга Ульянов номли колхоздаги ўрта мактабларни тамомлаётган ёшларни ишга жалб этишни, бунинг учун эса район комсомол комитети билан баҳамжиҳат иш кўришни маслаҳат бердилар.

Тожи Султонов шу маслаҳатга кўра, комсомол комитетининг ёрдами ва ота-оналарнинг розилиги билан Амин Умарий номли ва Шевченко номли ўрта мактаблар битирувчиларининг олтинчи-етмишини ўз ортидан эргаштира олди. Ешлар Қашқадарё областида ишга тушган тўнғич Ўрдакчилик комплексига йўлланма олдилар.

Мана, орадан икки йил ўтди. Кечаги мактаб ўқувчилари энди муайян иш тажрибасига эга бўлган муҳим кадрлардан бўлиб қолдилар. Кечаги тенгқур мактабдошлардан Гулсум Бахриддинова, Раъно Ҳамроева, Рўзигул Темировалар эндиликда комплекс коллективи ўртасида моҳир сараловчилар бўлиб танилдилар, Зебо Пардаева, Ойруша Назарова сингалари қизлар эса ишчан паррандабозар

сифатида эътибор қозонмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ойига 130—140 сўмдан маош олади.

Биз Ўрдакчилик комплексининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан қизиқдик.

— Ҳўжалигимиз ҳали янги, — деди Тожи Султонов бизни комплекс фаолияти билан таништиради. — Лекин биз ҳозирда ноқ ишлаб чиқаришда дурут кўрсаткичларга эришмоқдамиз. Утган йили давлатга 200 тонна парранда гўшти, 1 миллион 215 минг дона тухум топширдик. Шу йилнинг биринчи кварталда ҳам 70 тонна гўшт, 500 минг тухум тайёрлашга эришдик. Ҳозир паррандалар сони 117 мингга етди. Беш йиллик охиригача комплексимизнинг ишлаб чиқариш қуввати кескин ошадди. Яна йигирмата корпус қурилиб ишга туширилади. Асраладиган паррандалар сони 1 миллиондан ошадди.

Ҳа, Косон районидagi Ўрдакчилик комплексининг ёш ва ишчан ходимлари СССРнинг шонли 60 йиллик шарафига зўр уюшқоқлик билан ишлаб, аъойиб меҳнат ютуқларига эришмоқдалар.



Сараловчилар Гулсум Бахриддинова [чапдан ўнганга] Раъно Ҳамроева, оператор Шамсиддин Нарзуллаев, ўрдакчилик комплекси директори Тожи Султонов ва инкубаторий мудири Уткир Ботиров очирилган жўжаларни текшириб кўрмоқдалар.

Ш. Шаропов фотолари

Тожи Султонов янги Ўрдакчилик комплексига директор этиб тайинланди. Ҳўжалик қурилиши объекти ҳали қоғозда — чизма ва схема-шаклида эди.

Слида комплекс учун ажратилмайдонлар бўлиб қамишзор эди. Кўчайиб, ер ости сувлари тупроқсига уриб турарди. Ҳамма тоғ билчиллаган лой эди. Қурувчилар Ҳўжалик ходимларининг ҳараси — ташаббуси билан аввалги қадар ўрнида тез кунда иш жон-бонди кетди. Вагонеткалар ортлган ёр юк машиналари, скреперлар, экскаваторлар ва бошқа хил машиналар кетма-кет келтирилди. Улар-алпқомат, жануб офтобда тойдан пурлаган йигитлар бошқар-

ди. Вагонеткаларни ўрнатish учун локда жойлар тайёрланди, тўртта механизмлашган кўчма колонна учун ётоқхоналар ва кўчма оҳона ташкил этилди. Дастлаб кучли экскаваторлар қамишзор этагидан зовур қазийга тушди. Қурувчи-бунёдкорлар бригада-бригада бўлиб, бирданига саккизта корпус учун пойдевор ётқишига тушдилар. Қарабизки, қадимий Ерқўтон бағри улкан қурилиш майдонига айланди. Паррандачилик корпуслари билан бирга маъмурий бино, турар жойлар ҳам тез суръатда қад кўтара бошлади. Биринчи йилнинг ўзигада қурилиши лозим бўлган 38 корпуснинг 13 таси фойдаланишга топширилди.

Директор Тожи Султонов комп-

аб юрса, жунни ҳам яхши ўсади. Кўй димиқса, илса, жунни ҳам кўйиб кетади.

Офтобда бўриқиб ётан чўл бўйлаб серка кўн-роғи жаранглайди, чўл доғишмандининг тирик юси — чўпон сузларига кўйдек чирмашади.

— Гарм-чарм пайти — ҳавонинг энг иссиқ пайти — ўн бирдан тўртгача мол ётмаслиги — майдонда иш керак, бўлмаса, иссиқ олади, — дейди яна чўпон. — Соат тўртдан олтигача қўйларга дам илади. Сурув туни билан яйловда бўлиб, тўқда сувага келади. Тўққиздан ўн биргача қўйлар олдирилади. Бориники, сурув йор кечаю кунда йиғирма соат яйловда юради. Шунга қаттиқ п қилган чўпон ютади.

Омид Боқулов ёғмир кутиб, саргайиб ётган яйга қарайди ва:

— Бу йил чорвага оғир келди, — дейди. — Чўлде бўлмади. Давлатимиз омон бўлсин, ўзи қарашиб олади. Биз ҳам қараб ўтирганимиз йўқ. Тўлни созда биринчи бўлиб ёлдиқ. Ҳар юз совлиқдан тадан кўзи бердик. Тўлгача 686 бош қўй билан тан эдик, биронтасини ҳам дардага чалинтирамай, өзга урлаган қандаек қилиб асраб келялимиз.

Доктор билан Қоратоғ оралигини шалоалайди бо-серка кўнғирогои жаранглайди... Донгдор чўпон, СССР XXVI съезди делегати Чўли Ҳўжақулов кўй иб юрган яйловдамиз. Чўли Ҳўжақулов — республикамизда таниқли одам. Меҳнат Қизил Байроқ эни, Ленин ордени, Октябрь революцияси орде-кавалери. У 1970—1975 йиллар мобайнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига индиат, 1975—1980 йиллар давомида Ўзбекистон партияси Марказий Комитети аъзоси бўлди.

— Меҳнатимиз завзига кўп ҳурмат кўрмоқда, — дейди Чўли Ҳўжақулов. — Уч йилдан бунди комп-те бригада бошлиғиман. Бригадамиздаги йирки-тирилган 31 ўтарни, яъни 2 мингдан кўпроқ қўй-

кўзини 9 киши ўрнига 6 киши боқайтирмиз. Бу йил ҳар 100 бош совлиқдан ўтган йилдагига нисбатан 100 тадан кўп — 190 тадан кўзи олдиқ.

Мана шу — бир зийштанда жуда ҳам оддий, қуруқ туюладиган рақамлар замирида Чўли Ҳўжақулов ўшаган юзлаб чўпонларнинг машҳур қилган катта меҳнат бор.

Оқтоғ билан Қоратоғ оралигини шалоалайди бо-сиб, серка кўнғирогои жаранглайди... «Ҳозгон» совхоз-и яйловларидамиз. Меҳнатимиз — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати, Ленин, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари кавалери, Улуғ Ватан уруши ветерани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор Норбой Эргашев. Бу машҳур чўпон номидида область соврини ҳам таъсис этилган. У Бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 200 тадан кўзи олди.

— Чорва деганингиз нозикликда шишадан ҳам нозик, қаттиқликда тошдан ҳам қаттиқ. Фақат унинг тилини — қачон ётиб-туриши кераклигини билиш керак, — дейди бош чўпон. — Бу йил чорвага оғир келди. Лекин табиат ўзиникини бузмайди: шувоқ ёмон эмас. Албатта, табиатга қарамликдан чиқиб керак — осмонга қараб, ёғмир кутиш билан иш бит-майди. Яйловни ҳам кенгайтириб бўлмайди. Эндиликда фақат ерни бойитиш — изензор қилиш керак.

Норбой Эргашев тажриба мактаби шоғирдлари давраси йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирда Гаффор Обидов, Шабоб Очилова, Тўхта Шеров, Узоқ Бомуллаев, Зумрад Курбонова каби шоғирдларини эл оқлигини олган, орденли чўпонлардир. Уларнинг баъзилари ўз устодлари номидида соврини ҳам қўлга киритдилар. Шунинг учун Норбой Эргашев илмий-техник революцияси даври афзал-ликлари ва халқ асрлар давомида тўплаган тажри-

ба уйғунлашиб, яхши натижалар бераётгани билан фахрланади.

Норбой Эргашев, Чўли Ҳўжақулов, Ҳомид Боқулов каби чўпонлари бор экан, Навоий области чорвачиликда илғорликин қўлдан бой бермайди.

Далолат

НАВОИЙ — Ўзбекистонда амалга оширилган социалистик янгилик яққол ва ёрқин кўзга ташланадиган область.

Навоий — ер ости бойликларини қазиб олишда бир неча бор рекорд қўйган Зарафшон, Учқудуқ меҳнаткашлари шон-шухрат ва зўр обрў-эътибор қозонаётган область.

Навоий — шаҳар қурилиши санъатини, архитектура ечимларининг ўзаро комплекслигини, ўзаро уйғунлигини ва мақсадга мувофиқлигини ўрганиш учун мамлакатнинг ҳамма томонларидан мутахассислар келаятган область. Бу ҳақда Навоий области партия-хўжалик активининг биринчи йиғилишида ўртоқ Ш. Р. Рашидов фолт ҳаққоний сузларини айтди.

СССРнинг қутлуг юбилейи нишонланадиган йилда ташкил топган Навоий областининг келажак ниҳоятда порлоқ. Бу янги область бутун зўр-армонлари Ленин замонасида рўёбга чиққан улуғ шоиримиз номи билан аталishi айни муудоадир. Навоий ўзи айтганидек, «кўкта тилганини ерда топти». Яъни, биродарлар орасида биродар бўлган ўзбек халқи, барча қардошлари каби ўз камолининг юксак қўнқилари сари тинмай кўтарилиб бормоқда. Навоий областининг ташкил топгани ва дастлабки катта муваффақиятларини қўлга киритаётгани бунинг яна бир далолатидир.

Муҳаммадала ҚўШМОҚОВ
Навоий — Нурута — Тошкент

КОМПОЗИТОР МУХТОР АШРАФИЙ

таваллудининг
70 йиллигига



Биз улуғ Шовиёна арафасида турибмиз: бу йил СССРнинг 60 йиллиги нишонланади. Шонли олтмиш йил ичида, бутун мамлакатимизда, жумладан, республикамизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Агар маданият соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлайдиган бўлсак, совет маданияти, унинг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет маданияти жонажон Коммунистик партиямиз ва она халқимизга хос маънавий баркамоллик тимсолига айланди, ҳаётбахш социалистик воқеликни тараннум этди, ажойиб санъаткорларни камолга етказди. СССР халқ артисти, икки марта СССР Давлат мукофоти лауреати, Хамза мукофоти лауреати,

Ленин орденли Мухтор Ашрафий ана шундай ажойиб санъаткорлар авлодига мансуб эди.

Ўзбек совет музикаси тарихининг жуда кўп ёрқин саҳифалари Мухтор Ашрафий номи билан боғлиқдир. Ашрафий ижодининг илк намуналари — кўшиқ ва кўп овозли хорлар музика ҳазинамига қўшилган сезиларли улуш бўлди. Ўзбек музикали драмаси тараққиёт йўлини — «Ичкарида» (1933) ва «Дилором» (1962) музикали драмалари орасида кечган салкам ўттиз йиллик даврни эса бу атоқли санъаткор ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Шу ўринда таъкидлаш жонани, ўзбек музикали драмасига симфоник оркестрни би-

ринчи бўлиб Мухтор Ашрафий жорий этган эди.

Ўзбек операси ҳақида сўз кетганда биринчи бўлиб Мухтор Ашрафийнинг номи халғга келади. Зеро, у тўнғич ўзбек операси «Буронни яратган композитордир.

Улуғ Ватан уруши йилларида Мухтор Ашрафий музикаси совет халқи фашизмга қарши олиб борган адолатли курашнинг бадийи солномасига айланди. Унинг «Қаҳрамонлик симфонияси» (1942) ва «Ғолибларга шон-шарафлар бўлсин!» симфонияси бу фикрининг далили бўла олади.

Атоқли композитор урушдан кейинги йилларда ҳам баракали ижод қилди. «Дилором», «Шоҳнама» ва

операларини, «Севги тумори», «мур-Малик» балетларини яратди, бу асарлар ўзбек музика маданияти янада бойитди.

Мухтор Ашрафий Иттифоқимизнинг яхши дирижёрларининг бири, фатида ҳам зўр шухрат қозонди.

М. Ашрафий халқ депутати, Ч.К.К. кам давлат кишиси эди. У ўз халқ маданиятини коммунизм юксакликлари даражасига кўтариш ишлари билан ёнар, шунинг учун ҳам унинг миқёсида фикр юритар, фасл кўрсатар эди, совет замонасида шилган муваффақиятлар — она ки тақдирида рўй берган буюк гаришлардан сийқидилдан гуруҳлар эди.

Биз Мухтор Ашрафович билан кўшни эдик ва деярли ҳар куни ишга бориш ёки қайтишда учрашардик. Ана шундай учрашувдан бирида гапдан гап чиқиб, — зикачи, актёр, рассом бўлиш қатъий назар, — ҳар бир маданий эрбоби ўз шахсий тажрибалар кузатишларини қайтадан мушоҳида қилган ва умумлаштирган ҳақиқатларни иштирок этиши савобига қанчалар наф етказиб, мумкинлиги ҳақида суҳбатлашибдик.

— Умуман, «ортиқча» ишлардан ҳам шугулланиб турилса, чўлмасди, — деди у. — Худди шу қилиш керак! Ешлар айрим ҳолда камўйлик қиладилар. Биз қандайдан қачча уқубат ва пешана эвазига муваффақият қозонганини улар яхши билмайдилар, масалан етарли маълумотга эга эмас, гимни илк бор ҳис этганимда, ўдан ўзим ниҳоятда уялганман, кечалик сиёсий саводимни ошири кераклигини тушундим...

Орага чўккан бир неча лаҳза сукут ҳамон ёдимда. Сўнг у сўзлана давом этди:

— Яқинда мен барча эълон қилган мақолаларимни тўплаб, қайта кўчиришга бердим, уларни ёзи йилларига қараган ҳолда — батабароз тарзда жойлаштирдим ва ҳатто қовалаб ҳам қўйдим.

— У ҳолда мақолалар ичидан қизиқарлиларини ажратиб, алоҳид тўплам тарзида эълон қилса бўлмасмикин! — деб қизикдим мен.

— Яхши, агар сиз тўпловчи ва ҳаррир бўлишга хоҳиш билдингиз, шундай қиламан.

Бу сўзлар қувнок оҳангда, у дар ҳиждий тус берилмасдан, ч.К.К. ҳазил аралаш айтилгандай. Лекин орадан бир неча кун ўйяна учрашиб қолдик ва у мен шундай деди:

— Нашриётда ҳамма нарса ҳиссида гаплашиб олдим. Мақола тўпламини эълон қилиш ҳақида фикр уларга маъқул тушди ва ҳаррирлик тавшишларини зимманга олиш ҳақида улар сизга расмурожаат этадиган бўдилар...

Қўлёзмини нашрга тайёрлашдан боғлиқ ҳамкорликдаги ишларимиз бошланиб кетди. Ҳамкорликда иш дейишимнинг боиси шундайки ёки бу текстини қисқарттириш ҳақидаги мулоҳазаларини рад этма ҳолда Мухтор Ашрафович бадалларим ва шўбхаларимни тўлашга интилиб, ҳар бир мақолани ёзилми тарихига оид сабаблар қида батафсил сўзлаб берар. Ишонинг бориш тўғрисида доим раб-суриштириб турарди.

Телефондаги сўнги уч суҳбатимиз...

ДОЛҒАЛИ АСРГА

ГУРКИРАБ КИРДИК

МАЪМУРЛИК



БУ САФЛАР...

Уларни кўрганда ўйлайман шодон:
Қандай одамлар-а! Бошлари тошми?
Табиат бутунлай этганим инъом
Уларга курашни, сабот, бардошни!

Тарих китобларин чангини ютиб,
Титаман асрининг қати-қатларин.
...Улар жангга кирар ол байроқ тутиб,
Бир нафас кўрмайман ҳаловатларин!

Улар ўйлашиб ҳам кўрмас лоқал
Бир бор берилшин ҳаёт кишига.
Билган кўшиқлари: «Интернационал»!
Боқишмас қирчинда қирқилишга!

Тошқин дилларидан қонлар гупуриб
Узларин уришган ўтга, оловга.
Олтин, дабдабага ошкор тупуриб
Фақат топинишган қирмиз яловга!

Улар машаққатга боқар рўйирост,
Пўлатдан қўйилган дейман бу сафлар.
Бу саф тўлқин-тўлқин келадир гуррос,
Салафлар ортидан келар ҳалафлар!

Бу сафлар луғатин муқаддаси
Тенглигу эркинлик, бахту бирдамлик.
Инсон саодати — суҳбату баҳси,
Елқини кўзларда мардлик, ўқтамлик!

Зулмат пардасига нурдан тиз урган,
Туни парчалаган нур оқим улар,
Долғали асрга гулдураб кирган
Буюк гулдурак ҳам зўр чақин улар!

Табиат, муруват кўрсатиб, чоғи
Чўнг берган жасорат, сабот-бардошдан.
Филдак кўтаришар дуч келса тоғин,
Бошлари — тошданор, диллар — қушдан!

Букун киприк қоқмай тинглар сўзларин
Эллару элатлар, жами қитъалар.
Халққа фидо этган улар ўзларин,
Улар — коммунистлар дея аталар!

Бесарҳаду беадад корхонага ўшар у,
Корхонаки, елларда чайқалувчи, мовийранг.
Корхонаки, бағрида ҳаёт мудом серғулу,
Корхонаки, ким кўрса бўлиб қолур хангу манг...

Бу шундай корхонаки, лол қолдирур ақлни,
На устуну тўсини, на бошида томи бор.
Аммоки аталиши оламаро ёқимли:
Пахтазор деб аталган оддийгина номи бор!

Йўк, йўк, бесарҳад дея андак қилибман хато,
Унинг аниқ сарҳади — Сир ҳам Аму ораси,
Қалби тинмай гурсиллар, тинмаган бир зум ҳатто,
Етти иқлимга етар бу корхона назраси!

Наврўздан пардаланур ушбу назърининг боши,
Аажини тинглағайсиз аини саратон пайти,
Теласидан қуюлур офтобнинг бор оташи,
У «оқ олтин» аталган нақ олтинни димлайди!

Унинг оташ бағрида деҳқон бунёд этур зар,
Саратон сариғида, офтоб оташгоҳида.
Ҳар дақиқа келтирур қуту барақа, самар,
Чўнг хирмонлар кўринур гўзаларнинг шоҳида!

Ҳе, жўнгина ишмиди димлаб олтин пиширмоқ,
Шу кезларда деҳқоннинг қад-бастига бир қаранг.
Уғит дейди, сув дейди, ўт юлади демай «воҳ»
Қомати пўлат арқон янглиғ тортилиб таранг...

Оппоқ тонготарлардан шабнам тушган шомгача
Ҳаёт қайнайди унда жўшиб мисоли булоқ.
Деҳқон хонадонидан тортиб Марказкомгача
Шу корхона қалбига тутиб туради кулоқ!

Кўсақлар оппоқ дурга тўлиб борар кунба-кун,
Баргларнинг шивирда оқ ёмбилар садоси.
Шу эгаланган кўсақдан элу юрт бўлур тўқин,
Шу зотдан бошланур маъмурлик ибтидоси.

Қаттиққўл муаллимдек синов қилар табиат,
Хўп элақлаб кўрилар ҳар фаслда саботи.
Дўллар, селлар, довуллар...

...яна қанчалар офат,
Томи йўк корхонанинг беадад мушкулоти!..

Дала узра муаллақ жимирлайди саратон
Шундай кечар бу мовий корхонанинг кунлари.
Пайкаларига ўйчан тикилиб турар деҳқон,
Шеваси садоқату, фидонийлик — ҳунари!

ИСТЕЪДОДГА

Сени мадҳ этмоққа бўлса гар ҳаддим,
Илоҳий хислат деб қилардим таъриф.
Сенсиз алиф эмас, дол бўлиб қадди,
Бу олам бўларди жоҳилу ғариб...

Сенинг бармоқларинг шунчалар жонбахш,
Бир ширин титратар дилларнинг торин.
Юзларга хандалар муҳрин этиб нақш,
Ювиб кетгусидир кўнгли ғуборин.

Сенинг бармоқларинг... ежал панжасин
Қайириб ташлайди навқорин жондан,

Космик кема бўлиб, ўқдай учасан,
Олимлар баҳс қўриб сирли макондан!

Сен қалбдай урасан тоғу тош кезган
Заҳматқаш геолог чизмаларида.
Уфуриб турасан уйқудан кечган
Оташдил шоҳринг тизмаларида!

Мен сени ҳаёт деб атардим, чунки,
Ҳаёт олиб бердинг инсонга мордан.
Аммо ҳазир бўлгил, ҳазир бўл фақат
Ҳасаду бўҳтондай мудҳиш чўқмордан!

Фарғона



қдам ўрнашиб қолган. Унинг тўдан вафот этгани ҳақиқда шум арини Москвада зинтанамда, хо-замда қолган уша сўзларининг ҳар ри хаёлинда қайта жонланди. Мақолалар тўплами эндиғина босдан чиққан пайтда—1975 йилнинг декабрида Мухтор Ашрафович шиконадан кўнгирак қилди:

— Мана, кўлимда ғалати бир кич-оҷа,— деди қандайдир сирли, бир-синиқ овозда.—«Музыкадаги ҳаё-» деб аталади у. Сўнгра жиддий танда давом этди:

— Ҳозиргина менга ўн нуسخа тоб келтирдилар. Мен уларнинг имасига дастхатлар ёзиб қўйдим, ага ҳам, албатта. Сизга аталган схани ўз кўлим билан топшира-ли.

Шифохонадан қайтаётганида у яна негирок қилди.

— Энди анча яхшиман, ингаю до-жонимга тегди. «Бир нарса бў-» бунинг учун ўзим жавобгар-» деб шифокорларга тилхат бер-ди. Демак, эрта-индин дийдор кў-шамиз.

(Учинчи кўнгирак 14 декабрда бўл-

ди. Аниқ эсимда, шанба кун, эрта-лаб соат ўнлар эди.

— Ниҳоят, мана, мен уйдаман. Сиз билан бир кўришас.

...У мени ўз хонасида, тик тур-ган ҳолда, тетик кўринишга ҳаракат қилиб кутиб олди. Касаллик чекин-ганига жуда-жуда ишонгим келар, лекин сўлгин чехрасидаги рангпар-лик қордай оппоқ сочларига ўша-ши билан мени ҳайратга соларди.

Саломатлик ҳақиқдаги ҳар қандай суҳбатни у четлаб ўтарди. Маззу иш масаласига кўчди. Унинг моҳияти эса қуйидагилардан иборат эди. Мақолалар тўплами босмадан чиқа бошлаганида, мен унга: «Энди хоти-релар китобини ёсангиз, аини му-дао бўлар эдинг», деб маслаҳат бер-ган эдим. Унинг образли, ўткир қо-чиримларга тўла ҳикояларини бир неча бор тинглаб, Ашрафийнинг но-бё хотирасига қойил қолган ва ёзи-лаёқ эсдаликлар қизиқарли чиқ-шига амин бўлган эдим. Мабодо, қувави ҳофиза оғзалик қилиб қо-са, уни тўлдиришининг имкони ҳам бор эди: Ашрафийнинг бой, етарли даражада тартибга солинган ва

авайлаб сақланаётган шахсий архив мавжуд эди.

Хотиралар китобини яратиш ҳа-қиқдаги фикр Мухтор Ашрафовични қизиқтириб қўйди. Энг муҳими, ана шундай китоб яратиш ниҳоятда за-рур эканлигига ишонч ҳосил қилди. Шифохонада даволанаётган кезла-рида менга китобининг кенгайтирил-ган планини ёзиб жўнатди, вафоти-дан бир неча муддат аввал эса, китобнинг дастлабки бошларини— тахминан икки ярим босма тобоқ-дан иборат болалик йилларида оид хотираларини менга етказди.

Мана, у ҳозир китобининг кейин-ги бошларига оид воқеаларни сўзлаб беради. Унинг ҳикояси шу даража-да драматик, сержило эдики, бу ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисалар-нинг бир сўзи ҳам ёддан кўтари-лмаслиги учун магнитофонга ёзиб олиш фикри менга тинчлик бермас-ди. Лекин: «Хавотирланманг, хоти-рам мустаҳкам», дея мени хотир-жам қилишга интиларди.

Ашрафий халқнинг фаҳрига айлан-ган фарзанд, атоқли санъат арбоби, курашчи эди. Зотан, янги муҳим иш-

ни бошлаб беришдек машаққатли вазифани ўз зиммасига олишга қо-дир шахсин яратган халқ бахтиёр-дир. Унинг музыка асарларини ба-ҳолашга журъат қилмайман. Тарих адолат билан уларга ўз баҳосини беради. Ушанда одамлар биринчи қадам қўйиш осон эмаслигини, ўз халқи маънавий маданияти равнақи учун эндиликда ниҳоятда зарур бўл-ган босқич— янгликни кашф этиб, уни қарор топтириши ҳам фахрли, ҳам қийин бўлиганини англайдилар. Мухтор Ашрафий эса янгликни ҳи-моя қилиш ва қарор топтириш учун туғилган инсон эди. Унинг жуда кўп хизматларидан фақат бири— Узбе-кистонда музыка маданиятининг таш-килотчис сифатидаги фаолиятининг ўзбек Ашрафий номи халқ хотира-сида менга қолиши учун гаров бў-лиши мумкин эди. Ваҳоланки, Мух-тор Ашрафий ҳам ташкилотчи, ҳам ижодкор эди, ҳамма жойда ва ҳар доим биринчи эди.

Александр РИБИК,
профессор. ЎзССРда хизмат
кўрсатган санъат арбоби

ТИНЧЛИК ФЕСТИВАЛИ



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги VII Халқаро кинофестиваль қатнашчиларига йўлаган табрикомасида: «Кино арбобларининг Ўзбекистон пойтахтидаги учрашувлари жамоатчилик ўртасида юксак эътибор қозонди ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади...»

Халқаро вазият империализм ва реакция кучларининг қилмишлари туйфайли кескинлашган ҳозирги шароитда бадий маданият ва оммавий кино санъати тараққийлашарар кучларни жипслаштиришнинг, халқлар

онглигини мустаҳкамлашнинг ва дунёни янги жаҳон уруши хавфидан ҳимоя қилишнинг тобора муҳим вазираси бўлиб қолмоқда», деди.

Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали ана шу юксак баҳони шараф билан оқлади. Тошкент фестивали прогрессив гоялари — «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!», деган муқаддас туйғу-даъват билан, дунёнинг турли бурчакларида эзгу ният йўлида ижод қилаётган санъаткорларни яқинлаштираётганлиги билан, уч қитъа кинематографияси тараққиётга ўзига хос ҳисса қўшаётганлиги билан қимматлидир. Анжуман

шарофати билан уч қитъа санъаткорлари серкўёш Ўзбекистон билан, унинг ажойиб санъаткорлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Тошкент кинофестивали уч қитъа маданият арбобларининг дўстлиги ва ўзаро алоқа, ҳамкорликларини мус-


таҳкамлаётир. VII Тошкент кинофестивали айни СССР 60 йиллиги тўрафасида бўлиб ўтди. Анжун мамлакатимиз халқларининг ўтти олти йил мобайнида эришган буюк ютуқларини, кино соҳаси эришган зафарларини муносиб и мойиш этишга хизмат қилди.



Арман киноактрисаси Алла Туманян.



Мексика кино санъати усталари — Алисия Эсинас (чапда) ва Сусанна Досамантес.



Бразилияли кино юлдуз Кристина Аше.



«Ўзбекфильм» кинорежиссёри Гибат Шермухамедов ҳиндистонлик киноактёрлар билан суҳбатда.

Нигорон Кўзлар

Абдукарим НАБИХУЖАЕВ

ҲИКОЯ

У ХОНАДОН аҳлини жуда яхши танийман. Тахтапулнинг кўпруги яқинидаги ҳовлида яшади. Қирқинчи йилларнинг бошлари эди. Бегубор болалик йиллари. Боқчада тарбияланарди. Улмас, Илҳом ва мен бир маъланинг бир кўчасидан эдик. Шунинг учун ота-оналаримиз бизни абат билан олиб кетишарди. Айниқса, Улмаснинг онаси ё дасиси олиб кетадиган кунни интиқиб тардик. Усмонов амаки ё Мунис аяни ёнгоқ, жийда, мағиз, яна алқандай ширинликлар билан сыйлар, бу нарса одат тусига кириб олганидими, уларни кўришимиздан чўғурашиб, ўз тегишимизни ишга шошилардик.

— Менинг дадам билан оймлар ровой,— деб мақтанарди Улмас ндузи ўйнаб крган пайтларимиз.— Нима десам, йўқ дейишамиз. Унга ҳавасимиз келарди. Базимизда уйимизда: «Нега ҳаммамнинг сиси ва дадаси Улмасниқига ўхшайди», деб ҳархаша қилиб қоларди. Шундай пайтларда дадам кўиб кўярдилар-да: «Барбирин тушунмайсан, ўғлим. Улмаснинг ота-онаси тти фарзанд кўришган. Аммо биз снтаси ҳам турмаган. Ўртоғинг тулганда ирим қилишиб, исминини улмас қўйишган. Шунданми ё умри юқлигиданми, ҳар қалай, ота-онанинг бахтига мана шу ёшга кирди. Улмас уларга кўзларининг оқураасидай гап», деб тушунтирардилар.

Дахшатли уруш бошландию, отаримиз, акаларимиз бирин-кетин ронгта жўнаб кетдилар. Илҳомнинг з менинг онам фабрикага ишга иришди. Эрта тонгда кетиб, ярим нда қайтиб келишарди. «Дадагнам, ўртоқларига ҳам пуфайка тикимиз, уни кийиб олиб, фашистернинг адабини беришэвтагнимиз», ердилар аям ҳаяжонланган.

Негадир Мунис ая ишга кирмади. атталарнинг гапига қараганда, Биттаю-Битта тилаб олганими ўз линга қўйиб қўзманми, деб кўнлаган эмиш.

Урушнинг ташвиши бизнинг болагимизни ҳам ўйирлаганди. Ҳозир бошлангич синф ўқувчиларининг урганида (дарвоқе, энди ўзимнинг фарзандларим ҳам мактабда қишади), уларнинг беташвиш ва ўх, жарангдор кулгусини эшитиб, эмида йўқ қувониб кетаман. Биз ўлмас, оила ташвишини, рўзгор мушмини катталар билан баробар утаришга интилардик.

Улмасларнинг уйидан икки қақими чамаси нарида керосин дўконини уларди. Оналаримиз ишга бораёйиб, бизларни бирга олиб кетишар, еросинига навбатчи қилиб қолдирилар эди. Харсанг тошим, консерван бўшаган тунука идишим, ишқиб...

мизни кутардик. Урушдан ярадор бўлиб қайтиб келган Полвон ака навбатчи тартибга соларди, биз чурвақалар ва хотин-халажлар унинг ҳар бир сўзини гўё командирнинг буйруғидек қулоққа олардик, унга итоат қилардик.

Бир кунни бўлган воқеа сира эсимдан чиқмайди. Кеч чиқиб қолган эканми, ё керосиннинг чўғи озмида, хуллас: «Ун одамга лойиқ қолди», деса бўладими Полвон ака. Жуда алам қилиб кетди. Чироқнинг тағида қолган бир култумгина керосин ҳам кеча ёниб бўлган, кўзи ожиз бувимнинг бир ярим ёшли синглим Холиндага қоронғида каловлаб қарашни кўз олдимдан ўтди. Шунинг учун қандай қилиб Полвон аканинг ёнига келиб қолганимни билмайман:

— Жон амаки, лампага ёқишга ярим литр керосин олай,— дея илтижо қилдим. У ҳеч нима демая, бир хўмрайдию, бошимдан оёғимгача кўздан кечирди. Чамаси, иккиланаётган эди: йўқ деса, шусиз ҳам хуфтон кулбамиз чироқсиз қолади, хўп деса, қараб турган шунча қора кўзлар нима деркин?

Шундай қийин дамларда ҳам одамлардан иссоф, диёнат кетмаганини қарангки: «Ўтказиб юборинг, олсин», деган овозлар эшитилди. Полвон акага ярим литр керосинга пул тўладим. Бироқ керосин қуовачи бола бундан бебахар экан: ҳамма қотери икки литр керосин олдим. Олдимю, қўлга тушиб қолишдан чўчиган ўғри боладай жуфтанин ростладим. Бир ҳафтагача дўконга йўламай юрдим. Наҳора. Уйнинг бошлиғиман. Ахир, дадам хатларига шундай деб ёзадилар-да. Уй бошлиғининг аҳоли эса...

Аям ишга кетишда мени ўйотишини ваъда қилиб, уйқува кетдилар. Ун беш-ун олти соатлаб ишлагандан кейин дам олсинлар-да. Гоҳа аямга дурут ердэмчи бўлолмаётганимдан азобланаман. Иккинчи синф ўқувчисининг қўлидан нима ҳам келарди дейсиз. Устига устак, мен алдамчилик қилиб юрган бўлсам. Уйқум ўчиб кетди. «Полвон аканинг юзига қандай қарайман», деб этим увшарди. Ахир, ундан ҳамма ҳайиқади-да. Нима қилсам экан!

Алламаҳалда кўзим илинибди. Туш кўрибман. Дадам кеча почталов олиб келган хат орасидаги суратларига тушган кийимда эмишлар. Менга сира гапиргилари келмасмиш. Қовоқлари солиқ. «Бошингга қилич келса ҳам ёлгон сузлама, деб айтганларимни унутдингми?» дегандай аралармишлар. «Дада, дадажон, энди алдамчилик қилмайман, агар хўп десангиз, ҳозирқоқ бориб Полвон акадан кечирим сўрайман». Овозимдан чўчиб, уйғониб кетдим. Шурлик аям жон ҳолатда мени бағирларига босдилар. Кейин қўрқув тўла кўзларимга тикилиб, ҳазар қилгандай четлаштирдилар.

Кани ўрнингдан турчи!

Аъзойи баданим қақшаб кетди. Гўё аям эртақлардаги гурзили дев эди-ю, мен унинг қаршисида лол турган қазооб эдим. Бувим қишинг узоқ тунларини бизга эртақлар айтиб бериш билан ўтказарди-да. Шунинг учун мен дахшатга тушдим. Кўзимни чирт юмиб олиб, саволини кутаман:

— Айт, нима иш қилиб қўйдинг?!

Айтмасам, бошимга гурзи тушадию, тариқдай сочилиб кетадигандайман.

— Анови, унақ... керосин...

— Керосин ўйирлагинми?

Боядан бери нима гаплагини англаб етолмаган бувим ёнимга тушди: — Уялмайсизми, келинпошша, шу гапларни айтишга! Бола бечора отасини тушида кўриб, босинқираёвю, сиз бўлсангиз...

— Унгида бир иш қилмаган бўлса, тушига кирармиди, ойжон! Ахир, шу умид билан ўстирялманми уни.

Шундай дедию, ўкраб юборди. Бундай бўлишини сира кутмаган бувим лабини тилшди. Менга имо-ишора қилиб, алланималарни уқтирмакчи бўларди. Чамаси: «Онаизорингни ранжитадиган бирор ножўри иш қилмаганингни исботлаб, уни юпата», демоқчи бўлса керак. Бирдан дадамнинг таниш овози қулоғим остида янграгандек бўлиб кетди: «Қап-қатта йигит онангни хафа қилишга уялмайсанми? Тўрисиини айт, узр сўра. Ота ўғли бўлсанг, шундай қил».

Ялт этиб атрофимга қарадим. Деворда дадамдан келган кечаги сурат пайдо бўлиб қолибди. Бунга аям қачон осиб улгурди экан? Қандайдир журутэб жўшиб кетди танамда. Айбимга иқроор бўлдим; бор гапни айтиб бердим. Аямнинг юзи ёришиб, ҳатто қулиб юборди. Лекин табассуни қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тез сўнди. Боягидай қовоқлари уюлди:

— Жазоламоқчи эдимю, аямим. Ростини айтганинг учун аямим. Ҳалиям хатони тузатишга вақт бор. Бугун навбатинг келганда Полвон акага бор гапни айт. Ярим литр олиб, «Қолгани ўша алдаганим ўрнига», дегин.

Мен аямнинг айтганини қилдим. Полвон ака қўлимдан ушлади-да, одамларга юзланди:

— Халойиқ, бу бола ўтган ҳафтада шундай иш қилган экан. Ушани қайтариб бермоқчи. Нима дейсизлар? Иш ими-жиммида битаети, деб ўйловдим. Бунақасига айлиниб кетишини сира хаёлимга келтирмаган эканман. Шу кўйга тушгандан кўра ер ёрилсаю, мени ютиб юбора қолса, дейман ўзимга ўзим... Ош— авлиб, ион— пайғамбар бўлган шундай ҳаққатчиликда ҳам одамларда ҳалоплиқ, поклик, меҳр-шафқат йўқолмаганига ҳали ҳам ҳайратланаман.

— Уз оёғи билан юриб келиб,

айбига иқроор бўлган экан, биз ҳам тантилик қилайлик,— деди маҳалламизнинг энг кекса отахони Қўчқор бува ипақдай майин соқолини бармоқлари билан охишта тарашлаб.— Гуноҳини кечириб, эл қатори лампа май берилсин!

Уша дамда қандай енгил торганимни сўз билан тасвирлашга ожизман. Уйга қушдай учиб бордимю, бувимдан суюнчи олдим. Синфда қандай ўтирганимни билмайман. Катта танафусда фабрикага чопқиллаб бориб, хушхабарни аямга ҳам етказишга улгурдим...

Лаънати уруш кунда бўлмаса ҳам, кун оралаб маҳалламиз хонадонларига бош суқиб, бировни оила бошлиғидан, яна бошқа бировни ёлғиз ўғлидан жудо қиларди. Бир кунни ўғлидан қайтсам, бувим аллакким билан дардлашиб ўтирибдилар. Қайси кўз билан кўрайки, бу аёл Мунис ая эди. Кўзларимга ишонмайман. Сочларини оққа бўяб олгандай. Ахир, кечагина тимқора эмасиди? Сара қадди шалвираб қолибди.

— Қўлга келган ташвиш, қизим,— деб юпатардилар бувим уни.— Тан бермай иложимиз қанча. Номинг ўчигун душман не-не йигитларнинг ёстигини қуритмади. Энди ўзингдан қолар гап йўқ. «Чирогини ўчирмайман», десанг ундан қолган зурриётини эҳтиёт қилгин. Улмас ундан ёдгорлик.

«Нима учун ўртоғим ёдгорлик бўлар экан, ахир, у буюм бўлмас!» деб ҳайрон бўладим ўшанда. Лекин отасидан қора хат келганига жуда-жуда юрагим ачишди. Ўртоғимга Улмасга астойдил раҳимини келди. У ҳам ҳеч қанча кун ўтмай туриб ўзини олдириб қўйди. Усмонов аямим жуда бошқача эди-да. «Ҳеч қачон ҳеч кимнинг дадаси унақа бўлолма-са керак», деб ўйлардим.

Бахтсизлик оқибатида онанинг Улмасни қўрғара гою тополмай қолишию, синфдошлари раҳм қилиб, унинг айтганларини беками-кўст тазо келтириши ўртоғимга ёмон таъсир этишини билганимизда, бошқача йўл тутган бўлармидик. Кўз ўнгимизда Улмас худбин ва инжиқ одам бўлиб ўса бошлади. Биз бўлсак, бунга эътибор бермай, ҳамма эркаликларини кўтаравердик. Айниқса, Мунис аяга юрагим ачийди. Онаизор арзанда ўғли деб ишга кирмади. Бозорчада сабзи тўрғаб сотиб, тиркичилик қилди. Узи емай, ўғлига едирди, ўзи киймай ўғлига кийдирди. Гапнинг очиги, Улмаснинг кийинишига ҳаммамиз ҳавас қилардик. Бошқа болалар битта нонни сақизи бўлиб тиркичилик ўтказайтган бир пайтада Улмас саривсиз нонга қиб боқмасди.

Емон кунлар, қийинчиликлар ортда қолиб кетди. Лекин Мунис ая ўрганган касбини ташламади. Қанчон бозорга борсам, қизнинг сонидек тўрғалган сабзи сотиб ўтирганини кўрардим. «Қўйинг, энди ўлгингиз

катта бўлиб қолди, уйда унинг дуо-жонини қилиб ўтиринг», десам ҳам майин жилмайиб: «Э, болагиман, сизлар нимани ҳам тушунасизлар, сабзи тўғраб сотиш бир эрмак бўлиб қолган. Бекорчидан худо безор», деб жавоб берарди.

Урта мактабни битириб, ёшликдан бирга ўқиган уч дўст политехника институтининг тог инженерлари тайёрлаш факультетига кирдик. Қап-катта йигитлар бўлиб қолган эдик, лекин Мунис аянинг назарида Улмас гўдак эди. Ҳамон унинг хархашаларини беминнат кўтариб айтганини муҳайё қиларди. Ижарага кўйган бир хонасини ўғлининг қистови билан бўшатиб, иш хонаси қилиб берди. Улмас тоғдан топиб келган рангбаранг тошларни тўплаб, Бамисоло музей ясади. Гоҳо униқеда дарс тайёрлардик. Ҳамон ўша ёшликдаги хархашею инжиқликлар давом этарди. «Эркакчасига гап-лашиш»лар ҳам унга кор қилмади. Гапира-гапира чарчаганимиздан кейин бу хонадондан оёғимизни уздик. ..Институтни битириб, Муборак

газ конага йўлланма олдим. Ёлғиз онаси туфайли Улмас Фанлар академиясига қарашли институтда қолдирилди. Ҳар йили отпускани Тошкентда ўтказаман. Биз гоҳо Улмас билан кўча-кўйда қўришиб қолардик. Жуда машхур олимга шогирд бўлганини, диссертацияни икки йилдаёқ қотириб ташлаганини (ўзининг яхшигина истеъдоди бор эди) айтиб, муваффақиятини кўз-кўз қиларди. У ҳадемай докторлик диссертациясини ёзишга ҳам киришиб кетди. Гоҳи-гоҳида у илмий иши мавзуи юзасидан газ конамизга ҳам бориб қоларди. Узи ҳам кийинишни жуда ўрнига келтиради-да, шимининг рахи нақ қилич-дай, ёқасига гард юқтирмайди. Лўпи юзларини ҳеч соқол кўрмаган деб ўйлаيسиз, ҳамиша тарашлаб юради. Шяля билан қора кўзойнак заб ярашадик, кўяверасиз. Профессорнинг худди ўзгинаси дейсиз. Ҳаётда ҳар ким ўзининг қобилияти, истеъдодига яраша ўрин эгаллайди. Омади келган экан, қандини урсин. Ахир, бизнинг болаликдан бирга ўсган синфдошимиз, институтда бир-

га тахсил кўрган курсдошимиз деб фахрлиб юраимиз-ку!
Отпускамнинг охириг кунлари эди. Мактабдошлар билан учрашиб, ота-хоналар чойхонасида ўш қилишга келишиб кўйдик. Харажат қилиш менин зиммамга юклатилди. Шошилишни қарангки, ҳамма нарсаи олибману, сабзи эсдан чиқиб қолибди. Эскижўвага бориб юраманми, деб бозорчага бора қолдим. Аксига олиб, тўғралган сабзи йўқ эди. Суриштирсам, Мунис аяниқини айтишди. Қулоқларимга ишонгим келмади. Илгари йўриги бошқа эди. Ҳозир ўғли шундай мартабала бўлсаю, ҳали ҳам онаси сабзи сотиб тирикчилик қилармикини?
Эшқини ийманиб тақиллатдим. Аёл кишининг ҳазин товуши эшитилди. Кейин ўзи кўринди. Дафъатан танил-елмади. Ичкарига тақилб қилди. Кирдим. Кўзига иссиқ кўринардимю, киллигини аниқ билолмасди. Ўзимни танитдим. Фарзандидай бағрига босди. Этларим жимирлашиб кетди. Наҳотки олтмишга бормай туриб саксон ёшли кампирдай мункиллаб қолган бу аёл ўша меҳрибон, мушфиқ Мунис ая бўлса! Афсуски, янглишамаган эдим. Ичи тўлиб турган эканим, кўзимдан унсиз томчилар кўйилиб келаверди. Қайноқ ёш томчилари юзларимга, бўйнимга тушаркан, ўзимни тутолмай қолдим. Бўйиқ овозда сўрадим:
— Улмас қаерда?
— «Каттакон олим бўламан», деб уйдан чиқиб кетди. Тугилиб ўсган уйини ташлаб кетди-я. Худонинг зорини қилдим: «Ҳой болом, ҳар қанака ишинг бўлса, шу ерда қилавер, беш кунлигим борми, йўқми, кўзларим дийдорингга тўйиб қолсин», дедим. Баттолгинам оёғини бир этикка тиқиб олди. Ҳатто ўзларинг бирга йиғган тошларни ҳам олиб кетди! Кўзини шамғалат қилиб, бир жуфтини яшириб кўйган эдим. Соғинганмида: «Улмасконгинанининг қўллари теккан», деб кўзларимга суртаман.

Она кўзларини бир нуқтага қадаганча, узок жим қолди. Кейин бир нима ёдига тушгандай, гап бошлади:
— Айб ўзимда, болом. Уни ҳаммадан, ҳатто сеплардан ҳам қизғардим-а. Унга фарзанд дебмас, бамисоли хонада ўстириладиган гул деб қарардим. Биласанми, тувакдаги гул билан ҳовлидаги гулнинг фарқини? Ҳовлидаги гул ёзининг иссиғига, баҳорнинг инжиқ ҳавосига чидаб, бердос бериб, тобланади. Бу гулнинг атрафга таратадиган ҳиди ҳам ўзгача, муаттар бўлади. Тувакдаги гул-чи! Новча, ингичка, ранглар бўлиб ўсади. Ҳиди ҳам шунга яраша: ранг кўр — ҳол сўр.

— Ишхонасига бориб айтсангиз, — дедим кўнглига қўл солиб.
— Эсинг жойидами, болом! — сапчиб тушди Мунис ая. — Узим тугиб, бир парча этни парваршилаб, шу даражага етказаману фарзандимнинг устидан арз қилиб бораманими? Йў-ўқ, Мунис аянгни билмас экансен.

Она — она-да! Шу топда у фарзандининг ҳамма-хамма қилмишларини кечириб юборишга тайёр эди.
— Ҳали хомсан, пишарсан, бу дамингдан тушарсан, деган экан машойиқлар. Ҳали кўрсан, Улмастинамга шундай ақл кириб кўйилсинки, ўшанда гаплашаман оғзига кучи етмаганлар билан!

Узр сўраб чиқиб кетдим. Ҳатто сабзи олиш ҳам ҳаёлимдан кўтарилибди. Йўлда кетаётганиману, фикру ҳаёлим онада...

Болаларнинг қий-чуви ўйларини бўлиб юборди. Улмас билан қатнаб катта бўлган боғчага келиб қолибман. Уларнинг шўх, жарангли кулгуси ёшлигини эслатди. Мунис ая ва Усмон амакиларнинг бизни олиб кетишга келганлари кўзимга кўришиб кетди. Ушанда: «Нега ҳамманинг ота-онаси Улмасниқига ўхшамайди!», деган саволимга дадамнинг мийғиларида қулиб қўя қолганлари ёдимга тушди.

Наботот оламида

ЧОЙ МАЛҲАМИ

Медицина фанлари доктори Р. Ходанованинг «Чой ҳақида қасида» мақоласи «Наука ва жазна» журналидан олиб журналистнинг ўтган йилги 10-сонига босилган эди. Шундан кейин мақола автори номига журнал хонлардан қўллаб хатлаб келди. Аксарият хатларини эгалари чой малҳамини қандай тайёрлашни ҳақиқий маслаҳат сўраганлар. Шу сабабли Р. Ходанованинг чой малҳамини тайёрлаш ва ис-теънол этиш хусусидаги ма-вобини журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Чой малҳами деганда чой билан шифобахш ўсимликлар аралашмасини тушунаемиз. У турли касалликлар пайтида соғлиқни мустаҳкамлаш во-ситаси сифатида қўлланади.

Мазълумки, майдаланган қуруқ ўтнинг бир ош қошиги 5—6 грамм чиқади. Масалан, шамоллашни тузатиш учун 250 грамм чойга 2 ош қошиқ ялғиз талқони, 2 ош қошиқ сарикчой (ўрмон ва далаларда ўсадиган ўт) талқони, бир ош қошиқ жамбил талқони, бир ош қошиқ ва-лериан ўсимлиги илдиш талқони олинади. Ҳаммасининг оғирлиги тахминан 280 граммга боради.

Чой билан майдаланган ўтлар жуда яхшилаб қориштирилади ва шиша идишга солиниб, шиша қопқоқ ёки заркоғоз билан маҳкамлаб бериктирилади. (Пластмасса идиш ва пласт-масса қопқоқдан фойдаланиш мум-кин эмас.)

Чой малҳами ҳам одатдаги чой-дек дамланади. Илтиқ ва қуруқ чинни ёки сирланган чойнакка бир стакан қайноқ сувга 2 грамм ҳисобида чой аралашмаси (тахминан бир чой қошиқ) солинади. Қайноқ сув (сув ша-қирлаб қайнаши керак) қўйилади. Сўнгра чойнак сочқ билан ўраб қўйилади, 8—10 минутдан кейин малҳам тайёр бўлади.

Бир марта дамланган чой малҳамидан иккинчи марта ҳам фойдаланиш мумкин. Чойнак бўшаши билан-ноқ унга қайноқ сув қўйилади. Ал-батта, дамлашдан олдин чой малҳами аралашмасидан яна озроқ соли-нади.

Чой малҳамининг соф ўзини ичиш жуда фойдалидир. Уни қанд шимиб-ниса ҳам бўлаверади. Лекин ич-чимликка қанд ёки шакар аралаштирил-са, унинг таъми бузилади. Чой малҳамини сут билан ҳам ичиш мумкин. Умуман чой малҳами соғлиқда жуда ҳам фойдали ичимлидир.

Шамоллаган беморга кун бўйи 6—8 стакан ичимлик ичиш тавсия этилади. Чойнинг роҳатбахш исига хушбўй ўсимликлар атра ҳам қўши-либ, тенги йўқ бир ифдор таралади. Ўтлар чойга, чой ўтларга ёрдам бе-ради, чой малҳами эса одамларни дордан халос этади.



Расмини Н. Иброҳимов чизган



ҚАДРДОНЛАР

(Гафур ҒУЛОМ ва Собит МУҚОНОВ).

ЮЛДУЗЛАРНИНГ АНТИКА ОВОЗИ

Виктор ГРЕБЕННИКОВ,

СССР Фанлар академияси Бутунттифоқ астрономия-геодезия
жамаиятининг аъзоси

БУ ВОҚЕА кўп йиллар муқаддам Иртиш бўйидаги чоғроқ Исилькул шаҳарчасида, тахминан Омск билан Петропавловск оралиғида содир бўлган эди. Исилькул кўчаларининг қорамтир-тиш тепаликлари узра, бир қалай уйлар томидаги қор узра ит-минглаб юлдуз шуълалари мил-ларди. Ҳаво совуқ, ҳаммаёқ ёништа ва сокин эди. Усатдан уфқ томонда қардадир янада газмолининг йиртилишига ў-

шаш қуруқ ва кескин овоз тарқалди. Мен бошимни кўтардим. Юлдуз тўла осмон бўйлаб сарғиш-оқиш уч-қулар сочиб ёрқин учар юлдуз шундай тез оқиб борардики, мен уни кўришга аранг улгурдим. Сўнгги учқуларини порлатиб қайдадир юксак-юксак атмосферада сўнган чўғини кўрдим. У сўниши билан «йиртилган газмо» овози ҳам тинди. Шаҳар узра яна майин сукунат кўнди. Метеор ўзи ортида уфқда узун ёруғ эл қозирди. Из жуда тез оқарди, тахминан беш секунддан кейин бутунлай кўздан йўқолди.

Мен бир нарсга ҳайрон эдим: аввал товушини эшитдим, кейин бошимни кўтариб учар юлдузни кўрдим. Шундай бўлиши мумкинми? Метеорларнинг кўпи атмосферада ҳаддан ташқари катта тезликда учиб, ҳавода ишқаланиш туфайли салкам ўша лаҳзанинг ўзидаёқ эриб, 60—130 километр юксалиқда парланиб кетади, камдан-кам ҳодисалар 20—40 километр балангликкача яқинлашиб келади. Товуш эса атмосферада секундига 330 метр тезликда учеди. Демак, товуш тўлқини энг камида бир минут, уч-тўрт минутдан олдин ергача етиб келмайди. Масалан, момақалдиروқини олайлик: агар чақмоқ чақиши билан биринчи гулдурак ўртасидаги секундлар ҳисобланиб, учга бўлинса, чақмоқчача бўлган масофа неча километрига аниқланади. Агар чақмоқнинг учқуни билан унинг товуш «ўқи» салкам Баравар таралса, демак, олов найза қайсидир жуда ақинда юз берган ҳисобланади. Тўғриси, бундай ҳодисанинг рўй бериши яхшиликка олиб бормади.

Учар юлдузга қайтайлик. Коинот элчисининг тариллашини мен осмон бўйлаб учётган лаҳзасида эшитдим. Демак, бундан чиқдики, бу товуш физикларнинг барча қонуниятларига қарама-қарши ўлароқ қандайдир эришиб бўлмайдиган тезликда — секундига уч минг километр ёруғлик тезлигида келдики...

Шунда мен яна бир воқеани эсладим: қирқинчи йилларнинг иссиқ ёз кечаларидан бири. Кўёш уфқ ортига яширинган чоғи қарама-қарши томонда илк юлдузлар порлай бошлади. Мен олис жануби-ғарбда диаметри тахминан Ой палласининг чоррағидек келадиган, бироқ чеккаси нур сочиб турган шарни пайқадим. Бу учар юлдуз эди. У нисбатан тек ёни учарди. Эгри, анча-мунча тик ёни пастга томон қайрилган эди. Гўёки тикка мен томонга учиб келарди. Бироқ бир неча секунддан кейин учар юлдуз бўғлини кетди. Аммо унинг учиш жараёнида ўзарувчан оҳангли антика овоз эшитилди. Аввал кучли, кейин кескин пасайган товуш (худди кўппак улашига ёки табиий бўлмаган мушук мёвләшига ўхшарди) таралди.

Бу ҳам тасодифми ёки ҳаёлим? Ахир учар юлдуз овози минутлар ўтгандан кейин эмас, учиш жараёнида эшитилди-ку. Мен учун бу икки самовий сир ечимлас жумбоқ бўлиб қолди. Астрономик расадхонада учар юлдузларнинг фақат нурли қиёфасини ёзиб, товуши тўғрисида лом-лим демаганлигим сабабли ноқулай аҳволдаман ва бу камчилигини тан оламан.

Бехуда индамаганман. Агар биз аллақачон кашф этилган табиат қонунига бўйсунсак фан юксалариди? Ахир ечимлаган жумбоқлар ҳали кўп-ку. Нисол учун, Зухал ҳалқасига боғлиқ машҳур воқеани олайлик. Сайёраларро автоматик станция ёрдамида Зухал яқиндан кузатилди. Олимларга илгаридан маълум бўлган уч кенг доира яқин масофадан юзлаб бўлакка «бўлиниб» кетди... Биринчи қараганда, буларнинг бари физика қонуниятига тўғри келмайди. Комилл Фламарион: «Зухал — Кўёш системасидаги мўъжиза» деб бежиз айтмаган эди-да.

Гўё ипидан итга ситганча ўрганилган: Ерда қанчадан-қанча жумбоқ бор. Фақат иккитасини эслатиб ўтаман. Масалан, шарсимон чақмоқ ҳақида одамлар ҳали керакли тушунтириш олганлари йўқ. Ёхуд баъзан қутб ёғдуси билан бирга эргашиб борувчи шитирлашга ёки визиллашга ўхшаш овозларни эсланг. Улар ҳатто плёнкага ҳам ёзиб олинган-у, лекин уларнинг сабаби номаълум. Фақат қиёмидатига мазкур товушлар моно-сфера (атмосферанинг 100—400 километр балангликдаги юқори қатлам-лари)ларнинг тебраниши натижасида юзага келиши айтилди.

Учар юлдузларда ҳам шу ҳол рўй беради. Учар юлдузларни бир вақтда кўриш ва эшитиш бутунлай мум-

кин эмас, демишлук қарамасдан дунёнинг турли бурчагида кўплаб тадқиқотчилар шунга ўхшаш кузатишларни йиғдилар. Профессор И. С. Астаповичнинг 1951 йили нашр этилган каталогига учар юлдузларнинг умумий қонуниятидан четга чиққан талай товушлари айтилди. Машҳур географ, астроном ва ўлкашунос, Сибирь Қишлоқ ҳужайли академиясининг профессори П. Л. Дроврет жуда кўп учар юлдуз ва метеоритлар тўғрисида маълумот тўплаб, антика ҳодисага электрофон учар юлдузлар деб таъриф берди. Атама дарҳол олимлар томонидан қабул этилди, ҳозир бутун дунё астрономлари бу терминни кенг қўлламоқда.

И. С. Астапович 163 та электрофон учар юлдуз рўйхатида келтирди. Шундан 23 таси Сибирда содир бўлган. Мана, бир мисол. 1973 йил, 10 август. Омск шабстининг Крутинск районида яшовчи табелчи А. Ф. Грушанов сўзи: «Қоронғи тун худди электр нури билан ёритилгандек ёришиб кетди, бу билан бирга бутун учиш давомида (парвоз 15—18 секундга чўзилди) улкан бургут юксак-юксаклардан пастга тошдек қўйилиб тушәйтгандек шовқин эшитилиб турди».

Жуда кўп ҳолларда электрофон учар юлдузларнинг «сигналлари» ўзларидан олдин рўй беради: кузатувчи аввал унинг товушини эшитиши, бурилиб қараганидан кейингина, осмонда учар юлдуз пайдо бўлади. Учар юлдузларнинг парвози билан узвий боғланган ҳуштагини катталардан фарқли ўлароқ фақат болалар эшитганлиги (1950 йил, 4 октябрда АҚШнинг Миссури штатида шундай ҳодиса рўй берган) ҳақида ҳам маълумотлар бор. Айрим кузатувлар эса, аввал тўсатдан товуқлар ва кучуқларнинг безовта бўлганини, кейин учар юлдуз кўринганлигини тасдиқлайди. Албатта, баъзи бир одамлар эшитиб, баъзиларнинг эшитмаслиги ҳам қизиқ, ҳозирча бунинг сабаблари аниқ эмас. Яқинда австралияликлар қуйдаги ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар: 1979 йил, 7 апрель тонгитарда улкан учар юлдуз кўкда кўринадди. Гувоҳларнинг тахминан учдан бир қисми унинг пайдо бўлиши билан бир вақтда хилма-хил товуш эшитганликларини тасдиқладилар. Қолганларга эса, учар юлдуз овозсиз бўлиб туюлган.

Учар юлдузлар учиниши кузатганларнинг гувоҳлик беришига кўра, рўйхатга олинган овозлар қуйдагича: визиллаш, гижирлаш, чийиллаш, қичқирши, шитирлаш, сувнинг шилдираши ва қайнаши; ўқининг, снаряднинг, ракетанинг, чўчитилган қушларнинг, қушлар галасининг учиши, электросварканинг, ёнаётган порохнинг, чапанинг қарсиллаши; газ оқимининг ёки сувга қуйилган эриган металл оқимининг тизиллаши; қуруқ ёғочнинг синиши, япроққа ёпишган қум шовқини...

Исилькулда мен кўрган учар юлдузларга ўхшашлари аввал ҳам, кейин ҳам бўлган экан. Финляндияда 1898 йили кўринган август учар юлдузи бирон майин нарсанинг, жумладан, қорозинингми ёки матонингми йиртилишига ўхшаш товуш қиларган. Техасда 1928 йил июнда учган учар юлдуздан «пишқирши» овози таралган. 1944 йил май ойида эса, музикачи А. П. Пейч Ашхобод остида «у-у-у-у» деган товуш эшитган ва кейин учар юлдузни кўрган.

Мутахассис астрономлар кузатиб, ипидан итга ситганча тасвирланган учар юлдузлар сони ҳам кўпайиб кетди. Афсуски, электрофон учар юлдузларнинг пайдо бўлишини олимлар бир овоздан қабул этсалар-да, бутунги кунга қадар уларнинг жумбоғи ишонарли фактлар билан объектив равишда ечилган йўқ.

Бироқ умидин узмаслик ҳам керак: шунча олимлар ҳамма ёқдан учар юлдузларнинг антика овозига эътиборларини қаратган экан, бу жумбоқ бир кунмас-бир кун ечилиши, шубҳасиз.

БЕОРОМ ПАНЖ КҮЙЧИСИ

МИРСАИД МИРШАКАР ТУҒИЛГАН КҮНГА 70 ЙИЛ ТҮЛДИ



Тоҷикистон халқ шоири, СССР Давлат мукофоти ҳамда Рудакий номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Мирсаид Миршакар туғилганига 70 йил тўлди. Бу атоқли санъаткорнинг шеърлари, дostonлари, драмалари аллақачон бутуниттифоқ ўқувчиларининг маънавий мулкига айланиб қолган. Зотан, унинг муборак тўйи фақат қардош Тоҷикистондагина эмас, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Миршакарнинг биринчи йирик асари 1934 йилда босилиб чиққан «Зафар байроғи» дostonи бўлиб, унда Вахшдаги қурилишлар акс этган. Мазкур дoston 30-йиллар тожик шеъриятида янги ҳодиса бўлди. Шоир совет халқининг қудрати, иродаси, қаҳрамонона меҳнатчи, бир-бири билан қон-қардошлиги янги ҳаёт қурилишидаги зафарларнинг асосий омилли эканлигини баддий талқин этган эди.

1939 йилда Миршакарнинг биринчи шеърлар тўплами — «Ешлик баҳори» нашр этилди. Илк ижодининг ўзига хос яқуни бўлган бу китобга кирган асарлар тематик ранг-баранглиги ва актуаллиги билан ажралаиб туради.

Ҳар бир улкан санъаткор асарларида халқ озгакни ижодиятнинг кучли тасвирини сезиш мумкин. Мирсаид Миршакар адабиёт майдонига эндигина қадам қўйган пайтларидеҳ тожик халқ озгакни ижодиятнинг таърибларини, унинг ўзига хос жозибаси, услуб рангинлиги ва аънавларини ижодий ўрганди. Кейинчалик у халқ эпосларини нашр этишда қатнашди, «Шамол, қор ва туш» сингари қатор халқ эртакларини қайта ишлади, шунингдек, халқ озгакни ижодияти йўлида болалар учун қўлаб оригинал асарлар яратди. Унинг «Олтин қишлоқ» дostonи — тожик совет адабиётининг энг сара асарларидан бири халқ озгакни ижодияти мотивлари асосида ёзилган.

Одамлар овоз ва бахтиёр яшайдиган олтин қишлоқни қидириб йўлга отланган довуораклар ҳақидаги

халқ афсонаси «Олтин қишлоқнинг асосий гоҳсини ташкил этади. Зотан, Мирсаид Миршакар қадимий Помир афсонасини қайта ишлаш билан кифояланмади. «Эртак қандай қилиб рўбга чиққанини, большевиктик партия, колхоз тузуми Тоҷикистоннинг овоз ерига эркин меҳнат баҳтини, фаровон ҳаёт, маданият нурини қандай олиб келганини кўрсатиш меннинг муддаом эди», дейди шоир.

Афсонавий олтин қишлоқни қидириб ўз орзусига етолмаган эртак қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ, Миршакар қаҳрамони бегона юртларга қилинган узоқ машаққатли сафардан кейин, ниҳоят, афсонадаги олтин қишлоқ — Совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмаган даражада ўзгариб кетган ўз қишлоғи эканлигини англайди.

Шоир қадимий афсонадан ижодий қайта ўзлаштирди, уни янги воқелик мазмунини билан бойитди, халқ бахти, халқ тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи салмоқли асар яратди. «Олтин қишлоқ» ва «Беором Панж» дostonлари учун Мирсаид Миршакар 1950 йилда СССР Давлат мукофоти лауреати бўлди.

Мирсаид Миршакар Улуғ Ватан уруши йилларида, барча совет ёзувчилари каби, халқимизни немис-фашист босқинчиларига қарши ғалабага илҳомлантирувчи жанговар асарлар ёзди. Шоирнинг бу даврдаги шеърларида Ватанимиздаги барча халқларни ягона оилга бирлаштирувчи совет ватанпарварлиги, халқлар дўстлиги, тожик халқи баҳодир ўғлонларининг фронтдаги қаҳрамонлиги тараннум этилган.

Миршакарнинг Улуғ Ватан урушдан кейинги даврдаги ижодида совет кишиларининг тинч, яратувчилик меҳнати зафарлари куйланди, «Бахт калити», «Беором Панж», «Ленин Помирда», «Дунё томидаги одамлар» сингари йирик дostonлари ва болалар учун яратилган бир қатор асарларида тожик халқининг меҳнати ва иродаси билан ўжар табиатни бўйсундирилиши тасвирланади. Гарчи бу асарларнинг сюжет йўналиши,

гоҳяси турлича бўлса-да, уларнинг барчаси учун муштарак бўлган хусусият халқ қаҳрамонлиги, қудратини кўрсатишдан иборатдир.

Мирсаид Миршакар ўз ижодининг биринчи қадамларидан бошлаб ҳозирга қадар ҳаёт билан ҳамнафас шоирдир. Унинг бутун ижоди, барча асарлари бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади. Ҳаётдаги ҳар бир янглик, ўзгариш шоир ижодида ўз аксини топиб келатганлигининг боиси ҳам шунда. Чунки, «Лениннинг кўзи», «Тоғ қизининг ишқи», «Ялқов дашт» дostonлари устод шоирнинг янги поэтик парвозидан дарак беради.

Мирсаид Миршакар тожик драматургиясини, қолаверса, совет драматургиясини қатор ажойиб асарлар билан бойитган атоқли драматурглардан биридир. Унинг «Тошбек ва Гулқурбон», «Мухаббат муаллимини», «Бобосафар хатоси», «Менинг шахрим», «Сўхматшоев», «Усмонов фоҳяси» сингари драма ва комедиялари фақат Тоҷикистондагина эмас, қардош республикаларнинг кўпгина театрларида, жумладан, Ўзбекистон театрларида ҳам муваффақият билан намойиш этилган.

Миршакар — машҳур болалар шоири. Унинг ўнлаб дoston ва китоблари қувноқ болаларимизга бағишланган. Шоирнинг болалар ҳаётидан олиб ёзилган асарлари ёрқин образлари, ғаройиб баддий манзаралари билан ажралаиб туради. «Биз Помирдан келдик», «Яшна, Ватан!», «Қобил ким у ноқобил ким?», «Ҳама вақт аёло ўқингиз!», «Бизнинг болалар», «Неъмат асарларидеҳ, шунингдек, «Урмонда», «Кучукча», «Қулгили маймун», «Октябрятлар», «Қоровулда» сингари китобларида болалар психологияси моҳирона очиб берилган.

Мирсаид Миршакар бир неча марта СССР Олий Совети депутати ҳамда Тоҷикистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланган, 20 йилга яқин Тоҷикистон Ёзувчилар союзининг секретари, кейинчалик Тоҷикистон ССР Олий Советининг Раиси ва-

зифаларида ишлаган. 1962 йилга «Тоҷикистон халқ шоирини» вони берилган.

Унинг шеърлари, дoston, драмалари, илмий-назарий маълумоти тожик халқининг маънавий молотида :атта ўрин тутди. Мирсаид асарлари Иттифоқимиздаги кўп қардош халқлар тилларида жима қилинган. Ўзбек тилида у «Биз Помирдан келдик», «О қишлоқ», «Тоғ қизининг ишқи» тоблари нашр этилган. Шу маъна Мирсаид Миршакар ўзбек халқи ҳам қадри ва ардоқли шоирини Унинг Уйғун, Сарвар Азимов, Фия, Мирмуҳсин, Ҳамид Гулом, роб Тўла, Шукрулло, Назармат гари ўзбек адаблари билан қад дўстлиги, ижодий алоқалари, мрат билан қилинган таржималари бек-тожик халқлари дўстлиги, халқ адабиётининг раванга ажойиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқ олқиши, эъзозига сазибўлган, азиз Ватан, севилиб д она халқига чексиз муҳаббат отини юратига жо этган, ўз ибори билан айтганда, доимо шу «и бо» ошига синанадиган улкан шини — Ленин ордени Мирсаид А шакарни муборак 70 ёши билан бек китобхонари номидан қи кутлаймиз.

Раҳматулла ИНОҒОМ
филология фанлари номиди

УНУТМА, УҒЛИМ

Мумтоз бир устоздир ҳаётининг ўзи,
Унутма, қароғим, Рудакий сўзин!
«Қувонч билан ҳар бир янги кунни кут,
Бошингдан ўтган кун қайтмайди — унут!»

Гоҳ ҳайрон бўлмагани,
Баъзида агар
Юзма-юз ўтириб шоду сарафроз,
Ўтган кунларимга солибон назар,
Ҳикоят айласам айтган каби роз.

Унутма, ўтмиш истикбол мудом,
Ҳаётда пайваста кўрсатар жамол.
Истикбол ўтмишсиз топмагай мақом,
Илдизсиз ўсмайди, ахир, ҳеч ниҳол...

Не асуру замонлар элим қон ютиб,
Бахт юзин кўрмоқни қиларди орзу.
Ешлигин шам каби қўлида тутиб,
Истикбол йўлини излар эди у.

Бахт юзин кўрсатди Ленин даҳоси,
Толе суратида кўринди у тонг.
Ларзага келтирди зулмат дунёсин,
«Аврора» наъраси — энг муқаддас бонг.

Зулматнинг кўксини қилдию пора,
Янги тонг ёритди умидлар юзин.

Октябрь байроғи элга илк бора
Саодат туғидай кўрсатди ўзин.

Бу ҳаёт — гулистон,

Бахтлидир элим,
Эркесвар эларга барқарор паноҳ,
Гуллаган ҳар ниҳол — ранжлар ҳосили,
Бу богда топилмас мевасиз гиёҳ.

Аждодинг йўлига домн назар сол,
Бу йўл башар учун наҳот дастури.
Нур билан йўрилган сен учун иқбол,
Бундан ҳам ёруғроқ янги тонг нури...

Бургутдай ўсгансан тоғ-ла сўзлашиб,
Дарёлар шахдига маҳдия битар.
Узоқни кўзлаб, у
оқади тошиб,

Чўллارнинг доғини ювар, бек этар.

Эй Помир ўғлони!

Дарёдир сабоқ,
Сен ҳам олдга интил, шахдам қадам бос!

Ўтмишини унутма,
фахрлан,
бир оқ
Истикбол йўли оч аждодларга хос!

РУСТАМ РУҲИ

Оқил ота ўғлини
Бир кун чорлаб ёнига.
Уни аста йўллабди,
Панду ҳикмат қонига.

Дебди:
— Кўзим қароғи,
Мардлик инсон

тождидир.
Бахту саодат асли
Мардоналик бождидир.

Мардоналик асрорин
Рустамдан ўрганиб ол...
Ўғли неча кун юриб,
Қайтиб кепти бемақол.

Дебди:
— Рустамни истаб,
Не-не юртларни кездим,
Уни топпомай, қайта
Юрак-бағримни эздим...

Оқил ота лаб тишлаб,
Дебди:
— Рустам йўқ асли,
Аммо бордир ҳар

юртада
Рустами дoston насли.

Рустам руҳи кезмоқда
Пок юраклар кўйида.
Рустам руҳин излагил
Мардлар орзу-ўйида.

Жавлон урмоқда
Рустам,
Менинг замонамга хос.
Бўлгин Рустами замон,
Шудир орзуим, холос...

Тоҷикчадан Жонибек
Қувноқ таржимаси

МЕН ҚҰШИҚМАН

Менга совуқ қарамагил, олислардан сўз отма,
Меҳри күйш онаман мен, қалби оташ аёлман.
Дунё менинг бағримдадир, ваҳи солиб уйғотма,
Дунё тинчин жон пардада асрағувчи хаёлман.
Мен шу куннинг хаёлиман!
Назарингга илмасанг,



ОСМОНИМ

Даҳри даврон аро ўз осмоним бор,
Шу осмон остида күйш, ер, сувим.
Менинг осмонимга тош отманг, зиндор,
Ўзи амал олсин ақл ва туйғум.

Ўз осмоним аро яшаб бедахл
Ер, сувимни боқиб борарман ўзим.
Менинг осмонимга тил теккизмам, тил,
Уни сўйламоққа ярарман ўзим!

Қалтис йўлдан қайтармоққа жон тикиб шайланаман.
Бағримдаги дунё тиңчин билдираман, билмасанг,
Мен қасосга,
мен қўшиқча,
тинчликка айланаман!



Нилуфаргул хаёлидай битилган оқ байтим бор,
Нилуфаргул хаёлидай оқликка ўрай Сизни.
Бугун турфа тилаклардан даста тузар пайтим бор,
Шу тилаклар ардоғида, тахтида кўрай Сизни.

Аламларга, андуҳларга таҳдид солинг шундайин,
Сизни кўрай энг покдомон, энг ошифта онларда.
Сиз — инсонсиз, чин инсонсиз, бўлиб қолинг шундайин,
Сизни кўрай қувончларда эзгу ҳаяжонларда.

Баҳор соғинчлари гул тушларида,
Баҳорни етаклаб келтирар соғинч.
Гул ёнар баҳорнинг оғушларида,
Тўй бўлган ҳовлидай юртимда севинч

Баҳор олиб кетар гул тушларини,
Баҳорни келтирар соғинчлар яна.
Тўлдиран гул баҳор оғушларини,
Тўй бўлган ҳовлидай юрда тантана.

Фаргон

Хаёл бўлиб суринаман деразангда ҳар кеча,
Тамакиннинг тутунидан аччиқ-аччиқ боқасан.
Парвонадай уриламан васли шамингга неча,
Тамакиннинг кулларини алам билан қоқасан.

Хаёл бўлиб суриласан деразмада ҳар кеча,
Кўз ёшларнинг пардасидан аччиқ-аччиқ боқаман.
Парвонадай уриласан васл шамингга неча,
Сен кулларга айланасан, кўз ёш бўлиб оқаман.



Эркин САМАНДАР

ЕРНИНГ ОШИҒИ

(ТУРКУМДАН)

БЎЛМАС

Гулни боғу чаман бағридан,
Камолатдан айриб бўлмас.
Ерни гулдан, лутфу хайрдан,
Шарофатдан айриб бўлмас.

Файз аримас ойдан, күйшдан,
Дарду ташвиш аримас бошдан,
Энди одам замонни ўйлар,
Дилни чидам ила бардошдан,
Қаноатдан айриб бўлмас.
Занглармиди олтин тупроқда,
Сўнармиди вафо фироқда,
Пок кўнгилни ҳақиқат-ҳақдан,

Диёнатдан айриб бўлмас.
Юлдуз иси келар наҳордан,
Илдиз иси келар баҳордан,
Боғни рангдан, тоғни виқордан,
Салобатдан айриб бўлмас.
Қизни номус, ор хаёлидан,
Қишни оппоқ қор хаёлидан,
Самандарни ёр хаёлидан,
Мухаббатдан айриб бўлмас.



Самандар, сен ўзини элга қил ҳамдам,
Меҳринг очиб, яқин айла ётни ҳам,
Елғон сўзинг совутади ўтни ҳам,
Тўғри сўзинг ўт-тулханга айланур.

БАХТНИ ЎЙЛАГАНДА

Мен чин захмат ҳақда
ўйладим,
Рағбат, ғайрат ҳақда ўйладим,
Оғир меҳнат ҳақда ўйладим
Бахт ҳақида ўйлашдан аввал.
Кўп айланди бу чархи даввор,
Хону ҳоқон, аҳли ҳукмдор
Ўйладими юрт ҳақда бир бор
Тахт ҳақида ўйлашдан аввал?
Ишк, юракни ўйладиларми,
Пок тилакни ўйладиларми,
Келажакни ўйладиларми
Наҳд ҳақида ўйлашдан аввал?
Қанча мақтов май, ов ҳақида,
Ўйлашдими дорд, ғов ҳақида,

Ўз-ўзини мақтов ҳақида,
Маҳд ҳақида ўйлашдан аввал.
Энди одам замонни ўйлар,
Пахта, донни, хирмонни ўйлар;
Олдда турган довонни ўйлар
Аҳд ҳақида ўйлашдан аввал.
Кимнинг ўйи-хаёлида лаъл,
Ким ўз нафси ҳукмига маҳтал.
Ким роҳатни ўйлайди, жадал—
Жаҳд ҳақида ўйлашдан аввал.
Самандар, сен шеърингни
ўйла,
Туқдан она ерингни ўйла,
Тўккан манглай терингни ўйла
Вақт ҳақида ўйлашдан аввал.

БИР СЎЗ БИЛАН

Кўзинг қўрқоқ эрур, қўлинг ботирдир,
Икки қўлинг ҳар нарсга қодирдир.
Боқийман, деб мақтанмасин дашту қир
Меҳнат билан чўл гулшанга айланур.

Зулмат қора юраклардан жой олар,
Шуўла оруз-тилаклардан жой олар,
Меҳр ёнган жойда кўрдим ҳар сафар
Қора зулмат нур-равшанга айланур.

Ақлу шуур ҳукмрондир жаҳонга,
Ақлу шуур бахт келтирар инсонга.
Ақл қочган жойда фойда зиёнга,
Гина ўчга, ғавго жангга айланур.

Жангда ботир: «Нетайин», деб ўйланмас,
«Душманга сўз қотайин», деб ўйланмас,
Бир сўз билан душман дўстга айланмас,
Бир сўз билан дўст душманга айланур.

ТУЙДАГИ ИСТАК

Бу оқшом кўнгиллар сурурга тўйсин,
Мухаббат аталамиш оқ нурга тўйсин,
Висол деган ҳазга-ҳузурга тўйсин,
Дийдалар ишваю нозга тўйсинлар.
Шак йўқдир дилларда ёнган офтобга,
Дил ёнса айланмас сеғми саробга,
Шароб истаганлар, майли, шаробга,
Наво истаганлар созга тўйсинлар.
Бу оқшом дўстлар шод, душманлар қарахт,
Шунинг ўзи иқбол, шунинг ўзи бахт.
Сўзласанг, Самандар, оз сўзла ҳар вақт,
Дўстларинг озгина сўзга тўйсинлар.
Урғач

АГАР ЮРАК САНЧСА...

В. ПРОЗОРОВСКИЙ,

СССР Давлат мукофоти лауреати, медицина фанлари доктори

рак касалликлари кўп. Ҳатто таънинг муҳим тармоғи — кардиомаксус мана шу соҳадаги дилларни ўрганишга қаратилган. Бир юрак оғригини ҳар хил лаш мумкин. Бироқ, биз дориларда эркин сотиладиган бириндрдам берувчи айрим дориларда тўхталмоқчимиз.

Батта, касалликнинг дардлари ча. Эски, аввалдан оғриб келан, одат тусига кирган, лекин мунча оғир дардлар ҳам бор. Ҳа қондага кўра, унчалик хавфмас. Тўсатдан хуруж қилаётганлар ҳам бўлади. Жисмоний зўдан ёки қаттиқ ҳаяжонланганда ва чап курак ости ағичи, наололмай қурак қисий ҳоллариди. Худди пичоқ санчилгандек ди. Ёки бутун чап қўл ва жимқ музлаб, кейин кўрқинч ҳисси айди. Гўёки жон узилди дегангаюлади. Лекин, йўқ, 5—10 мин сунг ўтиб кетади, нафас ш тўхтайдди. Мана бу дардан ниш керак. Одатда, бундайлар юракнинг қон билан таъиниши бузилганлигидан дарак ди. Врачлар уни юрак тўтқаноасаллиги дейдилар.

Қанчоқ демак, бунда томрлар-заифлашиши ёки бекилиб қонатикасида ишлаётган юрак и миқдорда қон оқими билан аса кўрқан пайтда) таъминлан-ди. 1979 йили Бутунитифок соғ-сақлаш ташкилоти юрак тут-и касаллиги боسقилари буйича қабул қилди. Хуруж билан кечган оғриқ стенокардия деб диган бўлди. Бундай касаллик сийда хулоса — диагноз чиқа-ҳатто врачларга ҳам қийин. Шу

сабадан қондани қатъий ёдда тут-моқ зарур: агар тўсатдан оғриқ хуруж қилса, агар юракда аввал юз бермаган янги ноҳушлик пайдо бўл-са, уларни хавфли ҳисобламоқ дар-кор ва улардан қутулиш учун дар-ҳол ҳамма чораларни кўриш керак.

Маълумки, соғлом кишиларга нис-батан кексаларда, чекувчиларда, ҳаддан ташқари эҳтиросли кишилар-да, ўтириб иш қилувчиларда, семиз-ликдан қийналганларда, гипертония, диабет ёки бўғинларнинг эҳтироси билан оғриганларда юрак тутқаноғи касаллиги бот-бот бўлиб туради. Шу сабабли, агар ёшингиз 40 дан ўтган бўлса, уй аёқингизда валидол ас-ранг. Эркакларда айниқса 40 билан 50 ёш ўртасида юрак ўзининг ҳолати тез-тез сездириб туради. Бунини ҳисобга олиб юрмоқ лозим.

Айтиялик, тўсатдан оғриқ пайдо бўлди. Қўрқанг. Энг аввало ўти-ринг. Аммо ётманг, чунки тик ҳо-латдан бирданга қалқанча ҳолатга кўчганда, қон таниннг юқориги ярим қисмига интилади ва юракка қўшимча оғирлик тушади. Юракни бўшатиш учун оёқни гориқча (хан-тал татими)ли иссиқ сувага яхшилаб солиб туриш керак. Текис ва чуқур нафас олмақ зарур. Бундай нафас олиш юракнинг ишлашини бирмунча енгиллаштиради.

Дарҳол «Тез ёрдманни чақиринг. Фақат врачина хуружнинг хавфли даражасини аниқлайди ва керакли барча даволаш тадбирларини белги-лайди. Лекин бу врач келгунча ўз-ўзинига ёрдман кўрсатма деган сўз эмас. Биринчи навбатда валидол қа-бул қилинг. Валидол — бутунлай зори-си, бироқ жуда фойдалли дориди. Бир чеқмоқ қандаг 3—4 томчи вали-дол томизилиб, тил тагиде тутиб

турилади. Дорихоналарда валидол кўпроқ таблетка-қулча ҳолида соти-лади. Ҳар донга қулчага 3 томчи вали-дол сингдирилган. Улар ҳам чай-налмайди, ютилмайди. Бутунлай эри-гуна оғизга солиб турилади. Препарат шунчалик безиёнки, агар бит-та қулча дорид ёрдман бермаса, ик-кичисини, учинчисини, ҳатто тўртин-чисини ҳам қабул қилиш мумкин.

Препарат таркибига кирувчи мен-толнинг таъсири муҳим рефлексга — оғиздаги шилимшиқ парда кўзғалиши чоғидеги юрак томрларининг кең-гайишига асосланган. Агар валидол ютилса, фойда бермайди.

Оғиз шилимшиқ пардасини тарки-бида валидол ва ментол бўлган бош-қа дорилар ҳам уйотиши мумкин: барбавал, корвалол (бу дориларнинг чет элча ном — милокордин, вало-кордин), ментолли вариана ва бош-қалар. Бу дориларнинг 30 томчисини шунча сувага қўшиб, дарҳол оғиз-га олинади. Кўзғалиш пайдо бўлиши учун дорини бирмунча вақт оғизда тутиб, кейин ютилади. Агар 3—5 минутдан кейин оғриқ тўхтамаса яна ва яна қабул қилмоқ лозим.

Агар бу дорилар бўлмаса, оғизда бир оз ароқ ёки коньяк (аммо ютиш асло мумкин эмас) солиб ту-риш мумкин. Бундан ташқари бадан кўзғалишидан ҳам қутқарувчи реф-лекс уйғотилади. Оғриган жойга оз-роқ гориқчилик (хантал) қўйилади, оғригса ҳатто юрак остига қўйиш ҳам мумкин. Ёки оғриқ турган жойни қандайдир бошқа кўзғатувчи моллар: эфмакон, бом-бинге, санитас, йўл-барс мойи ва ҳоказолар билан иш-қаш керак. Ёки оғриқни қолдирувчи дорилар қабул қилиш ҳам мумкин. Мақсадга мувофиқи — анальгин. У тезроқ таъсир этади. Кофеинли қул-

лача дориларни ичш асло ярамайди Кофеин юрак фаолиятини кўзғата-ди. Агар врач юрагингиз касаллигини стенокардия деб топса нитро-глицерин доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолади. Уни ҳамма вақт [!] ёнда олиб юриш даркор. Нитроглицерин ҳам томчи ёки таблетка шаклида чиқарилади. Қабул қилинган ютуми — 0,5=1,5 таблетка ёхуд 1—4 томчи. Одатда кичик ютумдан бош-ланади, агар 5 минут ўтгандан кейин оғриқ тўхтамаса, ютуми оширилиб, яна қабул қилинади.

Нитроглицерин ҳам валидол син-гари тил тагига қўйилади. Уни ютса ҳам бўлади. Бироқ таъсир этиши кечроқ бўлади. Тил тагига ташлан-ган нитроглицерин қонга тезроқ сў-рилади. Ошқозондан ҳам препарат қонга сўрилади. Лекин бу нарса анча секин юз беради: 2—3 минут ўрнига 10 минут кутилади.

Нитроглицерин қабул этгандан сўнг мия қон томири кеңгайиши ту-файли бош оғриши ҳам мумкин. Қатъий эсда тутмоқ даркор: 1) бу оғриқ хавфли эмас; 2) бу дорининг таъсир этганлиги ва юрак оғригининг ҳозир ўтиб кетишини билдира-ди; 3) бош оғриғи ўз-ўзидан тезда тўхтайдди; 4) дорини иккинчи марта қабул этишда умуман оғриқ пайдо бўлмайди.

Ҳозир таркибда нитроглицерин бўлган қўллаб дорилар ишлаб чи-қарилаётир. Эринит, нитросорбид, нитронол шулар жумласидандир. Лекин буларнинг бари ичилмаган дорилар. Шу сабабли таъсири 10 ми-нутдан кейин билинади. Хуруж пай-тда улардан фойдаланишнинг жома-ти йўқ. Улардан хуружнинг олдини олиш учун фойдаланилади. Мазкур дорилар жисмоний меҳнат олдидан, совуққа чиқишдан илғари, қандай-дир ҳаяжонли воқеадан аввал қабул қилинади. Баъзан кутилмаганда нит-роглицеринсиз иш юришмай қолади. Чунки, сиз уйингизга келдингиз, лифот ишламайди, уйингиз эса тўқ-қизичи қаватда. Нитроглицерин қа-бул этсангиз — ўз қаватингизга бе-малол чиқиб оласиз.

Пировадиде яна таъкидламоқчи-манки, асосий дориларни даволочини врачлар белгилайди. Бизнинг тасвир-ларимиз эса, тасодифий воқеаларга биринчи ёрдман бўла олади, холос.

ҚЎШИҚ ДАВОМ ЭТАДИ

ус Ражабий дейилганда, халқ а аъналарини давом этти-рунға ўз улушини қўшган алардан бири, ўзбек халқ асининг фидойиси, аъойиб а ва бастакорнинг сиймоси на-бўлади. Бу устод санъаткор судий фаолияти давомида минг к тарихга эга бўлган мусиқа иятимазининг ижро услубларини ги замондошларимиз ва кела-авлодлар учун жонлантириб и: мақом йўлларини нотага ту-Б, китоб ҳолида нашр эттирди ақомчилар ансамбли ижросида т пленкаларига ёздирди. Юнус инининг худди шу хайрли хи-зми академик деган мўътабар ага сазовор қилди. Бу заршунос ткорнинг кўп қирралли фаолият-қанда кимлар сўзламаган, ким-гурур ва фахр билан ёзмаган, а...

атда атоқли кишилар ҳақида хил ҳикоятлар, ривоятлар тархе-қил орасида. Улар уша улуг арга халқ ҳурматининг рамзи тда оғиздан оғизга ўтиб юра-академик Юнус Ражабий ҳақида бир қатор ривоятлар борки, да алломанинг зуққолиги, санъат-сеҳри таҳсин билан эсланади. уша ривоятлардан бири:

«Уш Ватан уруши йилларида кистон радиосининг барча эшит-шлари, концертлари дикторлар,

ҳофизлар, чолғучиларнинг бевосита иштирокида олиб бориларди. Чунки у пайтларда эшиттириш ва қўшиқ-ларни магнит плёнкасига ёзиб олиш ҳали расм бўлмаган эди. Кунлардан бир кун кундузги концерт пайтида диктор: «Энди Мулла Тўйчи Тошму-ҳамедов ижросида «Ушшоқ» ашула-сини тинглайсиз», деб эълон қилди. Ваҳоланки, ўша кун Тўйчи ҳофиз ботоблиги туфайли радиого келопла-ман эди. Студиядагилар ноқулай а-волда ҳоладилар. Шу пайт Юнус Ражабий шартта ўрнидан туради-да, «Ушшоқ» ашуласини бошлаб юбо-ради...

Санъатнинг боқийлигидан ҳикоя қилувчи бу ривоят,— тўрироғи, бў-либ ўтган воқеа — Юнус Ражабий-нинг ўз халқига ва санъатига бўлган меҳр-муҳаббатини, унинг доно ва топқирлигини исботлайди. Яқинда мен худди шу ривоятга

ўхшаш бир суҳбатнинг гувоҳи бўл-дим. Ўзбек классик ашулаларини берилаётган концерт радио тўқин-ларинда янграр эди. Даврада ўтирган беш-олти киши «Қошиқ» ашуласини берилиб, бош қаёқаб тингларди.

— Юнус акам бу ашулани йигит-лик пайтида айтган экан-де,— деди даврадагилардан кимдир.

— Юнус акам эмас, у кишининг суюкли ўғиллари Ҳасанбой куйлап-ти,— деди бошқа шеригимиз.— Ле-кин овози ҳам, айтиш йўли ҳам ота-синикидан фарқ қилмайди.

— Қаранг-а, билмабман,— деди аввалги ўртоқ хижолат чеккандек. — Хижолат чекманг, бу овозини эшитган ҳар қандай одам ҳам ада-шиши мумкин...

Ана шу суҳбат ҳам санъатимиз-нинг боқийлигидан, мақомларимиз-нинг, классик ашулаларимизнинг ум-ри узунлигидан дарак беради.

Ҳасан Ражабий изланувчан ҳофиз сифатида чиндан ҳам отаси Юнус Ражабийнинг изидан боряпти. Ово-зининг ширдорлиги, ижро пайтида ортиқча ҳаяжонга ҳам, кераксиз ло-қайдликка ҳам йўл қўймаглиги унинг санъатига обрў келтираётир. Бунинг устига, Ҳасанбой бадийи адабиётни жуда кўп мутолаа қилади, таниқли санъаткорларнинг ҳаётини қизиқиб ўрганади.

— Отам Юнус Ражабийнинг нур-ли сиймоси қалбимни ҳамиша шў-лалантириб туради,— дейди Ҳасан Ражабий.— У кишининг ижоди мен учун жуда катта мактаб бўлишини кундан кунга кўпроқ ҳис этяман. Атоқли санъаткорнинг фарзанди бўл-гани билан фахрланаман. Бироқ Саъдий Шерозийнинг:

Тушундим, падаринг экан кўп фозил Отаиң қамолдан сенга не ҳосил?—

деган сўзини ҳамиша ёдимда тут-ман. Тўғри-да, падари бузуқворин-нинг шўҳрати билан фахрлиниб юра-версам-у, ўз устимда ишлагамсам, санъатимни тақомиллаштирмасам, бундан мен фойда бор! Шашмақом сирларини ўрганиш, классик ашула-ларни тағин ҳам жозибадор қилиб ижро этишга эришиш биз ёш санъат-кор-ҳофизларнинг асосий мақсади-миз бўлмоғи керак.

Ҳусан ШУКУРОВ



ЎзССР халқ артисти
Муҳаббат ШАМАЕВА.

ОТА АНЪАНАСИНИ ДАВОМ
ЭТТИРИБ...
Ёш хонанда Ҳасан РАЖАБИЙ
отаси — академик, машҳур баста-
кор Юнус РАЖАБИЙ санъатини
давом эттирмоқда .

Н. ШАРИПОВ фотозэтюди



Термиз шаҳар, „Правда“ ўрта
мактаб муаллими, ЎзССРда
хизмат кўрсатган ўқитувчи
Хожар АБДУЛЛАЕВА ўқув-
чилари даврасида.



Қизлар хиббонда.

Д. ХЎЖАЕВА фотоси



Рассом Павел ВОРОНКИН улуғ
ўзбек олими ва мутафаккири
Муҳаммад Мусо-ал-ХОРАЗМИЙ
портрети устида ишламоқда.



Бутуниттифоқ Хирургия илмий марказининг Тошкент филиали биноси олдида буюк ҳаким Абу Али ибн Синога ўрнатилган ҳайкал.



Э. ЙЎЛДОШЕВ фотоси.



Кашқадарё область Чироқчи районидаги Ҳамид ОЛИМЖОН номли совхоз маккажўкори қорлари бу йил мўл ҳосил етиштирдилар.

Е. БОТИРОВ фотоси



50 йиллик шаҳридаги СССР 50 йиллик Қийин эрийдиган ва ўтга мли металл қорларининг Инобат ШОҚОСИМОВА.

УЗБЕК тасвирий санъатида ижоди билан халқ таъсирини қазовор бўлган rassomлар оз эмас. Булар орасида бу йил 70 ёшга туладиган, ярим асрдан бери тасвирий санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаятган Ўзбекистон халқ rassomi Лутфулла Абдуллаев алоҳида ўрин тутди.

Лутфулла Абдуллаев биринчи ўзбек rassomларидандир. Искандар Икромов китоб бeзатиш санъатининг қалдирғочи, Абдулқадир Абдуллаев биринчи моҳир портретчи, Урол Тансиқбоев манзара асарлар яратувчи илк машхур rassom бўлса, Лутфулла Абдуллаев социализм қурилиши даирининг муҳим воқеалари, Совет Ўзбекистони ҳаётидаги ийрик ўзгаришларини мазмундор ва салмоқли тематик полотноларда акс эттирган биринчи ўзбек мусаввиридир.

Бу санъаткор ижодининг ўзинга хос хусусияти яна шундаки, у тасвирий санъатнинг деярли барча турлари ва жанрларига қўл уриб, муваффақиятга эришган. Лутфулла Абдуллаев яратган асарлар орасида тарихий ва революцион мазмундаги ийрик полотнолар, портрет асарлар, китобларга ишланган расмлар ва сатирик мазмундаги спектакллар ва кинофильмларни бeзатуви тасвирлар ҳам бор. 1978 йилда Довженко номидаги украин киностудиясида «Мирзачўл» кинофильми устида иш бошланганда, фильм яратувчилари Лутфулла Абдуллаевга мурожаат қилдилар.

...Лутфулла Абдуллаев 1912 йили Мирзачўлнинг Меҳнатобод қишлоғида дeҳқон оиласида туғилди. Советлар даврида очилган мактабда ўқиб юрган пайтларидaёқ расм чизишга қизиқиб қолди. 1928 йили Л. Абдуллаев К. Маркс, В. И. Ленин, сўнгра, Й. Охунбобоев портретларини чизиб, аявал Тошкентга, кейинчалик Самарқандга боради, оқсоқолчимиз Йўлдош ота билан учрашиб, rassomликка ўқимокчи эканлигини айтади. 1929 йилда Самарқандда ташкил толган бeдий студияга, бир йилдан кейин бeдий билим юртига кириб ўқийди. Бу ерда Л. Абдуллаев рус реалистик тасвирий санъатининг халқчида ва демократик аъналарини асосида тарбия толган, сўнг Ўзбекистонда яшаб ижод қилган П. Беньков, З. Ковалевская, М. Теплов, Л. Бурз кеби санъаткорлардан сабоқ олади.

Лутфулла Абдуллаевнинг ижоди билан танишар экансиз, rassomнинг диққат-эътибори доимо халқ ҳаётига, меҳнатига, замонамизнинг муҳим воқеаларига, актуал мазму ва муаммоларга қаратилганини, мусаввирий социалистик жамиятимизда юз берган янгиликларга ҳозиржавоблигини ҳис қиласиз. Rassom ижодининг бу қимматли хусусияти бeдий билим юртида ўқиб юрганидaёқ шакллана бошлаган эди.

1933 йилда Тошкентдаги республика rassomлари асарларининг иккинчи

ИЛҲОМ ҚАНОТИДА

(ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ ЛУТФУЛЛА АБДУЛЛАЕВ ИЖОДИ ҲАҚИДА)

кўргазмасида Л. Абдуллаевнинг «Пахта теримида» ва «Саводсиликни тутатиш» расмлари намоиш қилинди. 1934 йилда эса унинг «Rассом кадрлар таъбирланмоқда», «Ўқиш» ва «Колхозчи қиз» суратлари Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон тасвирий санъати кўргазмасида томошабинлар эътиборини қозонди.

1935 йили Л. Абдуллаев «Велосипед билан мукофотланган зарбдор колхозчи» номли диплом асари яратиб, ўқишни муваффақият билан тугатди.

Rассомнинг мустақил ижод йўли «Еш шоир ҳузурнда» деб аталган полотно билан бошланди. Халқимиз ҳаётида юз берган маданий революция, ўзбек йилгит-қизларининг билим ва маданиятга интилишлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар ҳар галдaгидек rassom ўз кўзи билан курган воқеалар асосида яратилган. Тасвирланган шахсларнинг турли ҳолатлари ҳаққоний ифодаланиши, персонажлар образлари руҳиятининг ишонарли ва жонлиги, улар кайфиятининг аниқ берилганлиги, асарда ишлатилган ранглар мажмуиси жўшқин ва бахтиёр ёшлик гоҳисини ёрқин ифода этиш имконини берди.

1941 йилда совет халқи улўғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишвер Навоийнинг юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётганида Л. Абдуллаев «Навоий — қурилиш илҳомчиси» ва «Навоий — давлат арбоби» асарларини яратишга киришади. Уларда rassom Навоийни адолатли, халқпарвар арбоб сифатида тасвирлашга интилган эди.

Улўғ Ватан уруши йилларида Л. Абдуллаев барча санъаткорлар сингари ўз ижодини Ватан ҳимоясига бағишлайди. Урушининг дастлабки кунларидaёқ «Қизил Армияга кузатиш» номли катта полотно яратди. Асарда қишлоқ кўчасининг жанговар шорлар билан бeзатилган манзараси, урушга отланган йигитлар ва уларни кузатиб қолувчиларнинг руҳий кайфияти, хатти-ҳаракати, халқимизнинг галабага қатъий ишончи, ватанпарварлик ҳис-туйғулари ҳаққоний ифодаланган.

Уруш йилларида Л. Абдуллаев жанговар агитплаткатлар яратишда фаол қатнашди, халқ қурилишларида, қизил қойчона ва бурчакларни бeзатишда, деворий газеталар чиқаришда, стахановчилар портретларини чизишда жонбозлик кўрсатди. Бу тулпанган материал ва таассуротлар асосида катта асарлар пайдо бўлди. Ана шулардан бири «Агитатор Шимолий Тошкент канали қурилишида» деб номланган эди. Унда Қизил

Армиянинг фронтдаги муваффақиятлари, халқимиз баҳодир ўғлонларининг қаҳрамонлиги ҳақида бeланд руҳ билан ҳикоя қилаётган агитаторнинг ёрқин образи маъвуқ. Қурувчиларнинг индвидуал-ифодали кифефалари rassomнинг катта маҳоратидан дeраж бeради.

Улўғ Ватан урушининг галаба билан туташ совет кишиларининг қалбини гурур билан тўлдирди, ватанпарварлик руҳини юксалтирди, тарихий зафарни тақдор ва тақдор тараннум этишга даъват этди. Лутфулла Абдуллаев ҳам Совет Армиясининг қаҳрамонлигини мадҳ этувчи асар устида астойдил иш олиб борди. 1947 йилда rassom ўзининг энг мукаммал асари «Гойибларни кутиб олиш» полотносини тутатди... Урушдан қайтганларнинг қувончи, уларни кутиб олувчи ота-оналар, қиз-жувонлар, ўғил ва қизларнинг шоду хуррамлигига уланиб, вазиятга, аоқеага тантанаворлик, байрам руҳини бағишлайди. Ранг-баранг, жонли ва ёрқин образлар, персонажларнинг ҳис-ҳаяжони ва туйғуларининг ифодалилиги, композициянинг лўнда ва аниқ мақсад сари йўналтирилганлиги маъзур полотнони ўзбек тасвирий санъатининг дурдоналаридан бирига айлантирди, деб айтиш мумкин.

Бу асардан сўнг Лутфулла Абдуллаев бир қанча муҳим мазмуларда полотнолар яратди. Улар асосан тарихий-иқлиобий мазмунда ёки замондошларимизнинг яратувчанлик меҳнатини ифодалашга бағишланган. Булар орасида замонамиз фарқодларига бағишланган «Ўзли ўлаштирувчилар», Осиё ва Африка адабларининг пойтахтимиздаги биринчи учрашувини ифодалаган «Дўстона учрашувида», пахтадан улкан хирмон яратувчилар меҳнати тараннум этилган «Пахтакорлар», революция саркардаларидан М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев фаолиятини ифода этувчи «Туркистон фронтининг штабида», Владимир Ильич Лениннинг ўлкамизи ҳақидаги гaмхўрлигини намоён қилувчи «Ленин Мирзачўл херитаси олдида» ҳамда «Ленин ва Крупская Урта Осиё хотин-қизлари билан учрашувида» асарлари ажралиб туради.

Доҳий образи революцион фаолияти, айнисқа Урта Осиё халқларининг тақдирини ва келажиги билан боғлиқ бўлган лавҳалар Лутфулла Абдуллаевнинг 70- ва 80-йиллар бошланшидаги ижодидан муҳим ўрин олди. В. И. Лениннинг ёрқин кифефаси ва жўшқин фаолияти rassomнинг бир қанча лавҳалардан иборат «Ленин ва Туркистон» туркумини ташкил этган.

Лутфулла Абдуллаевнинг сурат кашлик (графика) асарлари ҳақид гапирганда, санъаткор тасвирий санъатнинг бу оммабоп соҳасид, ярим асрдан бери ижод қилиб келаятганини айтиб ўтиш лoзим. Л. Абдуллаевнинг газета ва журналларда чоп этилган ва зарбдор колхозчилар, стахановчи қурувчилар сиймоси акс этган ҳамда дангаса ва лeган бардорларни фoш этувчи суратлари халқро сибсатининг ўткир муаммоларига бағишланган карикатуралари ҳам маълум ва машхур.


Rассом яратган сураткашлик асарлари орасида турли китобларга ишланган расмлар эътиборни тортади. Бунда rassom илгаридан, классици адабидaёқ аънаваний бўлиб қолган, йўлдан, яъни адабий асар қаҳрамонларининг характери, кечинмаларини ва ҳаракатини ифода этувчи воқеа ва лавҳаларни тасвирий санъат воситасида китобхон кўз ўнгида гaвалдантиришни вазифаси деб билилади.

Л. Абдуллаев портрет жанрига ҳамиша мурожаат этиб келмоқда. Мисол сифатида санъаткорнинг Ленинномасини, кекса коммунист Қосимхўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Туркмон Иброҳимова, генерал-майор Собир Раҳимов портретларини кўрсатиш мумкин.

Аслида, Л. Абдуллаев 30-йиллардан бошлаб портрет асарлар яратишга интилади. Ўзбекистон портрет rassomлигининг нoдир асарларидан ҳисобланган «Халқ ҳофиси Мулла Тўйчи Тошмухамедов» портретини, rassom 1938 йилда яратган. Ундан сўнг қатор портрет асарлар ижод қилди, В. В. Куйбишев ва Й. Охунбобоев, Алишвер Навоий ва Ҳамид Олимжон, машхур пахтакор Мамажон ота ва хиррур Х. Фадулов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Умаров портретлари ана шулар жумласидандир. Л. Абдуллаев яратган портретлар ҳар гал тасвирланган шахсини хотиржам ҳолатда ва кайфиятда, бироз ўйчан руҳда ифодалайди.

Халқ rassomi Лутфулла Абдуллаев ижоди ўзининг серқирралиги билан фарқланади. Чунончи, унинг ярим асрдан бери театр ва кино соҳасидаги rassomлик фаолиятини унутмаслик лoзим. Лутфулла Абдуллаев жамoат ишларида, rassomлар союзининг фаолиятида актив иштирок этиб келмоқда. У ўз халқи билан бирга парвоз қилмоқда. У ҳаёт ошиғи бўлиб қуйламоқда, жўшқин ҳаётимиз ҳам ўз навбатида унга илҳом бахш этмоқда.

Абдулҳай УМАРОВ



Космонавтика

Космонавтика 1993 йилдан 2030 йилгача шу қадар илгари силжидики, Ойда ва очқк фазода фазовий кенгликлардаги инсон фаолиятини бошқариш турувчи марказлар қурилади. 2010 йилгача борлига одам жойлашган биринчи қорабг Марсга бориб қўнади, шунингдек, космосда фазовий шахар қуришга киришилади. Узоқроққа мўлжалланган яна бир маълумот шуки, 3000 йилда инсониятнинг кўпчилиги қисми фазода яшайдиган бўлади.

Моторли транспорт

Моторли транспортнинг кўп қисми яқин келажакда нефть маъсулотлари билан эмас, балки спирт билан юрадиган бўлади. 1990 йилга қадар барча автомобилларга халокатдан қутулишда ёрдам бeрувчи электрон аппаратлар ўрнатилди. 2030 йилга бориб шахар ҳаракати автоматик равишда ҳаракатга келувчи кўчалар воситаси билан амалга оширилади.

Тиббиёт

Эҳтимол, тиббиёт (медицина) келгуси ўн йилда семизликка қарши дорига эга бўлар. Тахминан 1993 ва 2020 йиллар орасида тишларни тўла сақлаб қолишни кашф этиш кутулади. 2000 йилга қадар рақининг барча турларини даволашга эришиш эҳтимоли бор. 2010 йилга қадар кексаликни секинлаштирувчи доривор ишлаб чиқилади. 2030 йилга бориб эса, одамларнинг ўртача умри 130 йилга етади.

«Знамя — сила» журналдан

ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИНИНГ УЧ БИЛИМДОНИ

Тадқиқот,
кашфиёт,
ахборот

Сизлар Ибн Сино, Навоий, Улуғбек номлари билан боғлиқ ёки Самарқанд, Бухоро, Хеванинг меъморчилик ёдгорликларида мужассамлашган қадимий маданиятнинг ноёб аъналарини ҳақли равишда эҳтиёт қилиб асраб, ардоқлаяспизлар.

Л. И. БРЕЖНЕВ

нинг учун у кўпроқ фикрининг тасдиғи учун Навоий асарларига мурожаат этади, устози фикрини қувватлайди. Лекин Хондамирдаги характерли ва ўзига хос томон шундаки, у кўпинча нозик ифода ва мисоллар орқали тасвирланувчи кишилар ижоди ва шахсиятига оид қимматли маълумотларни келтиради. Бу маълумотлар кўпинча Навоий ва Бобир қарашларига оидлиқ киритади.

Қиёсий таҳлилимизни Сайфий Бухорийдан бошламоқчимиз. Алишер Навоий бу шахсни «Мажолисун — нафос»да Мавлоно Сайфий деб атади. (Хондамир ҳам ўз асариди шу ном билан келтирган). Бобир эса Сайфийнинг бухоролик эканлиғига ишора қилиб, уни «Сайфий Бухорийий дейди».

Алишер Навоий тасвирида Сайфий — ўз даврининг зукко, хуштаб кишилеридан. Навоий Сайфийнинг масаллари ва турли касблар таърифиди ёзилган газалларини ўша даврда оригиналликка интилиш намунаси сифатида баҳолайди, унинг муаммо ҳақида рисола ёзганини таъкидлайди. Айни пайтда шоир ахлоқига мос тушмайдиган сархушлик (мастлик)нинг бу адибга холиғидан ачинади ва бу нуқсонни ислоҳ бўлишга умид қилади. Бобир эса бу шоир шахсиятидаги камчилик — маълум манманлиқни кўрсатади, лекин асосий эътиборни унинг ижодига қаратади: «Девон тартиб қилибтур, яна бир девони ҳам борки, жами ҳирфагарлар учун айтибтур, масални кўп айтибтур». Худди шу ерғача Бобирнинг баҳоси Навоийнинг Сайфийга берган баҳоси билан ўхшаш. Бобирнинг бундан кейинги мулоҳазалари ўзига хос тарзда давом этади. У «маснавийси йўқтур» дер экан, Сайфий ижодидан жуда характерли тўрт мисра — муаллифнинг «Хамса»дан кўра газалнинг беш байтини устун билганлигини мисол келтиради. Демак, Бобир шу мисол билан ўша давр адабиётида адабий жанрлар ҳақида баҳслар борганлигини билдиради ва Сайфийнинг бу борадаги позициясини аниқ белгилаб беради. Бобир бу билан қониқмайди. У Сайфийнинг аруз ҳақида ёзган асарини таҳлил этиб: «... бир форсий арузи бор. Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсухандур. Камсухан бу маъни биланки, кераклик нималарни битмайду. Пурсухан бу маъни биланки, равшан ва зоҳир калималарни нукта ва эътиборигача битибтур», деб бу рисола ҳақидаги ўз фикрини баён қилади.

Хондамир Сайфийнинг амир Хисравшоҳ томонидан ўлдирилганлигини таъкидлайди. У бу шоирнинг бодиха жанрига оид жуда характерли бир байтини келтиради, шу байт орқали ҳам айтиш мумкин, бу байт маҳорати ҳақида маълум тушунишга тўсқин қилиш мумкин бўлади.

Навоий, Бобир, Хондамирнинг асарларидан жой олган ижодкор Камоллидин Хўсайн сиймоси ҳам эътиборга лойиқдир.

Навоий Камоллидин Хўсайннинг давлат, бойлик бахридан кечиб илм ўрганиш учун Ҳиротга келишини унинг энг мусбат хислати деб билади. Айни пайтда унинг адиблик билан чекланмай, Хожа Абдулло Ансорийнинг машҳур сўфиёна асарига шарҳ ҳам ёзганлигини айтади. Камоллидиннинг рисолати борлигини ва унинг бу асари «фазойил ва камолотининг» белгиси эканлигини таъкидлайди. Лекин Камоллидин Хўсайннинг ўта даравешлиги, сўфийлиги ва камтарлиқини унутиб «ўзини шайхлик исмига мавсум» қилиши Навоийга маъқул бўлмайди.

Бобир шу шахсининг тасаввуф илмидаги ютуғини таъкидлайди ва бу фанда ўз «усули» борлигини уқтиради. Бироқ унинг Хўсайн Бойқарога бағишлаб ёзган «Мажолисун — ушшоқ» асарига ўта танқидий ёндашади. У, аввало, Камоллидин Хўсайн асаридидаги мазмун ва шаклга алоҳида диққатини тортади. Шунинг учун унга асарнинг «сустлиги» ва асар «ёлғонлиги» маъқул тушмайди. Бобир: «беадабона ҳарфлар битибтур» деб, бадий асардаги маълум сўз ва иборатларни ишлатиш қондаларига риоя этмаган Камоллидин Хўсайнни танқид қилади. Бобирнинг фикрича, муаллифнинг «таваҳхуми кўфрлиғи» нимадур? Бу Камоллидин Хўсайннинг аънавий классик сюжетлардан қўлчи, оригиналликка интилиши бўлса, ажаб эмас. Зероки, муаллиф аниёи ва аълиёни ишқибозлик руҳида тасвирлаган ва бунинг устига, уларнинг ҳар бирига маъшуқа танлаган эди.

Бобир назарда эса, бу ўша даврдаги ахлоқ нормаларининг бузилиши эди. Вахोलанки, XV—XVI аср адабиётида ана шундай оригинал сюжетларга интилиш ҳоллари кўп бўлган (масалан, Навоий зикр этганидек, Сайфий газалнинг аънавий ишқ мавзудида эмас, балки турли касб эгалари ҳақида газал ёзган ва бу билан газалчиликда оригиналлик йўлидан борган эди).

Бобир Камоллидин Хўсайннинг «Мажолисун-ушшоқ»и ҳақида фикрини давом эттирар экан, яна бир ажойиб деталга — бу асарга султон Хўсайн Бойқаронинг «муҳаррирлиғи» масаласига бизнинг диққатимизни тортади. «Мажолисун-ушшоқ»ини мазмун ва шакл жиҳатидан буш деб билган Бобир Хўсайн Бойқаронинг бу асарга дечола ёзишини «ғўлона амредур» деб баҳолайди ва унинг «ўзумнинг тахир ва таснифимдур» деган фикрини маъқулламайди. Бобир бошқа бир ўринда Хўсайн Бойқаронинг ҳарбий юришлари, қилчма-бозиллиқ мақъади, лекин унинг адабий, шеърый қобилиятини баланд баҳоламайди: «Баъзи байтлари ёмон эместур, вале Мирзонинг девони тамом бир ваъздур».

Хондамир устодлари — Навоий ва Бобирдан кейин ёзган бўлса-да, янги, оригинал фикр баён қилади: Камоллидин Хўсайн табиатидаги бекарорлиқни жонли мисоллар орқали кўрсатади. Чунончи, Камоллидин Хўсайн Ҳиротга таҳсилга келган пайтда Мирзо Кичик кўл остида бўлади. Кунлардан бирида бу ходим адибни ўзи билан бирга Мағкага боришга таклиф қилганда, Камоллидин унга рад жавобини беради. Бироқ Камоллидин қилган ишидан пушаймон бўлиб, ҳукмдори орқасидан йўлга чиқади, ammo Мирзо Кичик Камоллидиндан ранжигани учун уни ўзқандан узоқлаштиради. Кейинроқ, Алишер Навоий Камоллидин Хўсайннинг илмга интилиш, адабиётга иштиёқини сезиб, уни ўз паҳоғига олади. Бироқ кунлардан бирида Султон Яқуб Мирзо Камоллидин Хўсайнга бошқа шахардаги кутубхонадан Абдураҳмон Жомийнинг «Куллиятини» олиб келишни буюради. Китобдор адашб Камоллидин Хўсайнга Жомий асари ўрнига худди шу қалиблик ва рангдан бошқа асарини («Футўҳоти Макван») беради. Ҳиротга қайтгач, катта даврда ҳукмдор Камоллидин Хўсайндан йўлда зериккан-зерикманлигини сўраганида:

— Йўқ, ҳазратим, мен зериккан пайтима ҳазрат Жомийнинг «Куллиятларимки, ёнимда эди, олиб мутолаа қилар эдим ва мамунманки, шу фурсатда кўп илмдан баҳраманд бўлдим», дейди...

Камоллидиннинг бу ёлғончилиғидан хабардор бўлган Навоий ранжиб, уни ўзидан узоқлаштиради. Сўнграқ Камоллидин Бадиуззамон Мирзо паҳоғига боради ва кейин ундан ҳам кетиб, Шайбонийхон хизматига ўтади.

Навоий, Бобир, Хондамирнинг Бадриддин Ҳилолий ижоди борасидаги мулоҳазалари ҳам қизиқарлидир.

Навоий «Мажолисун-нафос» асарини яратган даврда Бадриддин Ҳилолий адабиёт даргоҳига эздинга кириб келмоқда эди. Шу сабабдан улуғ устод ўз таъкирларида Ҳилолий тўғрисида қисқачина сўзлайди, холос: «...ҳофизаси яхшидур, таъби дақи ҳофизасича бор. Сабак ўқиқмоқ тағлифи қилибтур, умид улким, тавфиқ тоғай...» Хондамир эса Навоийнинг орзуи амалга ошганлиги, Ҳилолий катта шоир бўлиб етишганлиғи ҳақида гапирарди, Ҳилолийни замон шоирларининг бошлиғи ва давр билголарининг сарвари сифатида таърифлайди, унинг қасдалари, газал, маснавийлари кўпинча юксак ва равон ёзилади, дейди. Шунингдек, Хондамир Ҳилолий бадий маҳорати ҳақида кенг фикр юритади, унинг «Шоҳ ва Дарвеш», «Сифотул-ошиқин», «Лайли ва Мажнун» каби достонлари ҳамда қасида ва газалларга бой девони борлигини айтади, ижодидан намуна келтиради.

Бобирнинг Ҳилолий ҳақидаги фикрини келтиришдан олдин шуну таъкидлаш кераклики, Ҳилолий ўша давр учун мазмун ва шакл жиҳатидан оригинал бўлган «Шоҳ ва Дарвеш» ва «Сифотул — ошиқин» достонларини яратган. Айниқса адиб «Шоҳ ва Дарвеш» достонда ўша даврдаги ҳукмрон шахслар ахлоқини танқид қилади, улардаги мавжуд иллатларни юксак маҳорат билан фож этиди.

Бобир Ҳилолий «газаллари ҳамвор

XV асрининг иккинчи ярми ва XVI асрининг бошларидаги адабий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўша даврдаги адибларнинг ўз аммондошлари ижодига танқидий ндашишларида кўринади. Классик адабий танқид бу даврда турли йўллар билан ривожланган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Бу, энг аввало, классик танқиднинг ранг-баранг адабий жанрлар воситасида ифода этилиши билан диққатини тортади. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафос» таъкириси, Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг аруз фанига доир «Мухтасари», Атоуллох Хўсайннинг «Бадойи-ус саноеъ» асаридида, Хўсайн Воиз Кошифийнинг кейинги пайтда илмда маълум бўлган «Бадое-ул-афкор фи-саноеъ-ул-шўр» назарий рисолати шундай дейишга асос беради. Ammo, айни пайтда, эпик достонларнинг кириши ва хотима қисмларида, насрий асарларда, иншо, муношаотларнинг ёзиллиш қондаларида ҳам танқидий таърифга таллуқли фикрларни учратамиз. Зеро, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобир, Хондамир каби мутафаккир адибларнинг, адабиёт ақилларининг жамиятга ургани, шеърят, умуман, адабиётга бўлган муносабати, шоир ахлоқи, эстетик қарашларини ўрганишга оид билдирган мулоҳазалари алоҳида мазмун касб этади.

Айтиш мумкинки, Навоий, Бобир, Хондамирнинг муайян ижодкорга берган баҳоаларида маълум бир умумий мезон кўзга ташланади. Улар ҳар бир адибнинг эстетик қобилиятига кенг планда: мусикашунослик, наққошлик, рассомлик, бир ва ёки бир неча чолгу асбобида кўй ижро эта билиши, қувван ҳофизасини эътиборда тутган ҳолда фикр юритадилар.

Бундан ташқари, ҳар уч устод адиб бир-бирлари билан яқин муносабатда бўлганлар. Масалан, Навоий ва Бобир бир-бирлари билан мактуб орқали боғланганлар, Хондамир Алишер Навоий паҳоғи ва тарбиятида, кейинроқ эса Бобир ва унинг ўғли Ҳумоюн саройида бўлган. Хондамирнинг истеъодли тарихчи ва адиб сифатида Навоий ва Бобир ҳурмат қилганлар.

Албатта, табиийки, ҳар учалла мутафаккир муайян адиб ижоди ва ахлоқи хусусида муҳокама юритар эканлар, ўз йўллари, услубларидан келиб чиққан ҳолда фикрлайдилар. Алишер Навоий таҳлилда адабиётнинг ижтимоий функцияси, нозик талаблари биринчи планга сурилади, у ҳар бир адиб ижодига моҳир педагог мураббий сифатида ёндашади. Бобир мулоҳазалари учун эса адабиётдаги камчиликларни, адиб шахсияти ва ижодидаги нуқсонларни очиқчасига ифода этиш хос. Бу конкретлилик замирида гоҳида ҳукмрон Бобирнинг қарашлари ҳам кўзга ташланади. Зеро, фақат Бобирдек адиб ва айни пайтда шоҳгина ўша даврнинг айрим олий мартабали кишиларининг ижоди ва ахлоқи ҳақида очиқ мулоҳаза юритиши мумкин эди (масалан, Хўсайн Бойқаро, Халил Султон, Шайхим Суҳайлий ва бошқалар ҳақида). Қозеверса, худди шу хислат Бобир дунёқарашини очишга ҳам хизмат қилади. Хондамирнинг ижтимоий маъқеи, албатта, Навоий

ҲИМОЛАЙНИНГ БАЛАНД ЧҶҶҚИСИ

Альпинизм тарихида мисли кўрилмаган галаба қўлга киритилди. Ҳимолай тоғининг 8,848 метрлик энг баланд Эверест (Жомолунгма) чўққиси 11 кишидан иборат СССР терма командаси томонидан шу йил 11 май куни забт этилди. Совет альпинистларининг СССР 60 йиллигига ва Галаба кўнига бағишланган бу зафари бутун жаҳон халқлари зътиборини ўзинга жалб этди. Ҳатто чет эллик энг машҳур, тажрибали альпинистлар ҳам совет альпинистларининг бу галабасига қойил қолдилар. Дарҳақиқат, осмон устуни — Эверест (Жомолунгма) чўққисига кўтарилган 11 спортчи совет кишиларининг бети-соти жасоратга қодирлигини намоиш этиш билан бирга альпинизмнинг олтин саҳифасини очдилар ва бу саҳифага инсоннинг қудрати мазкур чўққидан ҳам юксаклигини исботладилар. Бутун жаҳонни қойил қолдирган ўн бирлар орасида Москва, Ленинград, Олмаота, Свердловск, Харьков ва бошқа шаҳар альпинистлари иштирок этганини эсларининг ёши ҳам, касби ҳам ҳар хил.

«Само соҳибини енгган ўн бирлардан бири Бутуниттифоқ сиртки машина қўрилиш институтининг ўқитувчиси москвалик Эдуард Мисловскийдир. У ой охирида ўзининг 45 ёшга кирганлигини (ўн бирларнинг энг ёши улуги) нишонлади. Иккинчиси — унинг 40 ёшли ҳамшаҳари Валентин Иванов. У СССР Фанлар академиясининг Юксак ҳарорат институти конструкторлик бюроси инженери бўлиб ишлайди. Бу иккала «қорли чўққилар қоплонининг альпинистлик стажы 20 йилдан ошади.

Ленинградлик инженер Владимир Балибердин ҳар бир тоғкезарининг эзгу орузига айланган биринчи совет кишисидир. Ахир Эверест-Жомолунгма чўққисини забт этгунга қадар бу талантли, фавқулодда жасмоний бакуват спортчи ҳатто оддий спорт мастери ҳам эмас эди-да...

Эверест чўққисига тунда кўтарилган түрт спортчи сафида команданин энг ёш қатнашчиси (29 ёшга тўлганлигини Непалда кутиб олди) донецлик физкультура инструктори Михаил Туркевич, Ҳимолайдаги сингары бир-бирига боғланган кўтарилишида саккиз йилдан буён унга шерик бўлиб келаётган харьковлик Сергей Бершов, олмаоталик инженер-сейсмолог Казбек Валиев билан инженер-тупроқшунос Валерий Хришчатийлар бор.

Свердловскда ўсиб улғайган Сергей Ефимов Урал Политехника институтида инженер бўлиб хизмат қилади. У — техник юксалиш классы бўйича уч марта СССР чемпиони. Москвалик Валерий Хомутов ҳам инженер, Владимир Пучков — Москва Машинасозлик институтининг илмий ходими, Қозоғистон балиқчилик хўжалиги илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими Юрий Голлов эса олмаоталикдир.


Экспедицияда булардан ташқари яна саккиз альпинист иштирок этиб, улар ҳам Эверестнинг елкасига чиқишлари керак эди. Бироқ улар бошқа ишни — ҳар бир дақиқада тайёр бўлиб туриш, ўн бирларнинг муваффақият қозонишини таъминлаш вазифасини адо этдилар.

Уша кунларда Ленинград Электротехника институти ўқитувчиси Леонид Трошчиненко «музлик директор» деб атадилар. Дарҳақиқат, у ўз группасининг қиёфаси доимий ўзгаришга учираётган асфалт муз массивидан ўтишида энг мураккаб ишларни амалга оширди. Яъни группадагиларнинг ҳаммасини ўтиш йўли билан таъминлади. Бунинг учун у ҳар қандай оғир об-ҳаво шaroитида ҳам музликка йнгирма мартадан энгд чиқиб, қалтис ҳолатларни бошидан кечирди.

41 ёшга кирган олмаоталик спортчи, альпинизм бўйича тренер Ерванд Ильинский билан 34 яшар Сергей Чепчев чўққига 348 метр қолганда орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Улар орқага қайтишда жуда катта жасорат кўрсатдилар. Уша пайтдаги вазият ва тоғнинг «дўстингни қолдириб кетма» деган қатий қонун улардан шуни талаб этарди.

Об-ҳавонинг ноқулайлиги тўғрисида тўртинчи лагерьга бориш маршрутини қайта ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолган чоғда ленинградлик механик, мамлакат чемпиони Владимир Шопеннинг тажрибаси ва маҳорати жуда асқотди. Экспедициянинг зафарли юриши ва галабага эришишида москвалик врач Вячеслав Оннченко, спорт инструктори Николай Черный ва грузиялик альпинист Акакий Херганианлар ҳам ўзларининг бутун кучи, билими ҳамда тажрибаларини аямалдодилар.

Албатта, аниқ бир режа тузмасдан, маршрут бўйлаб бажариладиган ишларни ва шундай мураккаб шaroитда спортчиларнинг ҳам олтишларини уюштиришни донишмандлик қилмасдан, ташкилотчилик қобилиятини ишга солмасдан туриб экспедициянинг Ҳимолайда галаба қозониши мумкин эмас эди. Шунинг учун, шубҳасиз, бу ерда экспедиция раҳбары — физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси физика институтининг сектор



Чотқолдан қор аримайди.

В. Таран фотоси

қилмасдан, ташкилотчилик қобилиятини ишга солмасдан туриб экспедициянинг Ҳимолайда галаба қозониши мумкин эмас эди. Шунинг учун, шубҳасиз, бу ерда экспедиция раҳбары — физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси физика институтининг сектор

мудир Е. И. Тамм ҳамда барча тренерлар коллективининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шундай қилиб, Ҳимолайнинг осмонлар энг баланд чўққиси Эверест Жомолунгмининг елкасига инсон қадами етди. Бу мислсиз юксаликни совет кишилари забт этдилар.

ва рангин ва кам ҳадшадур» дейди, яъни унинг ижодига жуда тўғри ва адолат юзасидан баҳо беради. Лекин Бобирга Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Дарвеш» достони мазмуни жиҳатида мутлақо ёқмайди. Энг биринчи навбатда у Ҳилолийни анъанавий услубни бузганликда айблайди: «шуаройи мутақаддим ишк ва ошиқлик учун маснавийларким айтибтурлар, ошиқликни эрга ва машуқликни хотунга нисбат қилибтурлар. Ҳилолий Дарешини ошиқ қилибтур, шоҳни машуқ». (Худди ана шу фикрни Бобирнинг Камолддин Хусайннинг «Мажолисун-ушшоқ» асарига берган баҳоси билан солиштириб кўринг).

Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам Бобирга Ҳилолий асарининг тоси — шоҳларнинг танқид қилиниши маъқул тушмаган. Бошқача қилиб айтганда, шоҳ Бобирга Ҳилолий образидидаги шоҳнинг фош этилиши ёқмаган. Бироқ, шунга қарамасдан, Ҳилолий ижоди ва шахсиятининг бошқа томонларига Бобир ҳолис баҳо беради: «Бисёр қавий ҳофизаси бор эмиш, ўттуз, қирқ минг байт ёнда бор эмиш. Дерларким, «Ҳамсатайн»нинг аксар абети ёнда бор. Аруз

ва қофия ва шеър илмига хейле тустаҳзадрур».

Биз кўриб ўтаётган даврда адабий танқид ва адабиётшуносликка оид асарларга берилган баҳоларни ҳам кўра оламиз. Уша пайтда бу асарлар моҳиятини тўғри белгилаш, адабиёт мафазати нуқтани назари билан унга ёндашиш, адабиёт даргоҳига янгидан кириб келаётган энг ижодкорни чағнатмасдан, тўғри йўл-йўриқ қўрсатиш муҳим аҳамиятга эга эди. Бу вазифани бажариш учун эса юксак адабиётшунос, ҳолис танқидчи ва шу қатори катта обрўга эга бўлган кишилар зарур эди. Узбек адабиётинида кўпичина ана шу масъулият Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобир зиммасига тушган эди. Фикринининг далили учун бу икки алломанин ўша даврдаги бир адабиёт назарийчиси ижоди берган баҳоларини қоғиштириш йўли билан кўриб чиқамиз. Бу ижодкор Мир Атоуллох Хусайнидир.

Навоийнинг Мир Атоуллохга берган баҳосида адабиёт назарисчи ҳақида асар ёзувчи киши бу соҳанин турли жанр ва турларидан тўла хабардор бўлиши керак, деган ишора бор. Зеро, у Атоуллохга «бовужуди

донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат паёдо қилди» деб баҳо берав экан, унинг юксак назарий асари «Бадоеъи Атоийи» («Бадоеъ-ус саноеънинг иккинчи ном») ҳақида сўз очади. Бироқ, шунга қарамасдан, Навоий Атоуллох шахсиятида айрим нуқсонлар борлигига ишора қилади ва унинг тўғри йўлдан боришига ишонди.

Бобир ҳам «Бобирнома»да келтирган маълумотида Атоуллохнинг ўз даврининг йирик адабиёт назарийчиси эканлигини уқтиради. Бироқ Бобир Атоуллох ахлоқига оид нуқсон ҳақида гапириб, уни ҳақли равишда танқид қилади. Одатда классик адабиётда шеър қонунияти, назарийсига оид асар ёзган киши шеърый мисолларнинг кўпчилигини ўзидан олдин ўтган сўз санъати усталар, ўткир замондош шоирлар ижодидан келтиришни зарур бўлган. Бироқ қофия ҳақида илмий рисола ёзган Атоуллох, Хусайни, Бобир зикр қилганидек, («амсила (мисол) учун тамом ўзининг абётини (байтларини) келтирибтур») шу қонунга риоя қилмаган. Натжидада бу адб ахлоқига энд бўлган ҳолат Бобир танқидига учраган.

Навоий, Бобир, Хондамир ижодида назар солар эканмиз, бу уччала замондош алломанин яна жуда кўп ижодкорларга берган баҳоларини кўраимиз. Буларга Осафий, Дарвешбек, Султон Маҳмуд, Ҳўжа Абдуллох, Мавлоно Биноий, Мир Сарбараҳна, Бойсунгур Мирзо, Амир Шайхм Сухайлий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Устодларимиз бу шахсларнинг адблги қатори бошқа хусусиятлари, масалан, Ҳўжа Абдуллохнинг муסיқага рағбати борлигини, айниқса уд чоғу асбобида маҳорат билан куй ижро этишини, Бойсунгур Мирзонинг шоирлигидан ташқари насталиқ хатини яхши ёзабилиши, нақшошликка ҳам қилиги ёмон эмаслиги, Мавлоно Биноийнинг муסיқага оид рисола битгани ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар келтирганлар.

Албатта, бир мақола доирасида бу масалаларни тўла таҳлил этиш анча мушкул масала. Таъбир жоиз бўлса, классик адабий танқидчиликнинг миздаги бу томони кенгроқ, бир неча қарашлар орқали қиёсий ўрнини, бизнинг назаримизда, муҳим аҳамиятга молиқдур.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати

ПАРОКАНДАЛК

ҲИКОЯ

У ЕЗД бошиғи Михаил Бондаревнинг уйда аснош маросим ўтказиларди. Маросимда туладан келган, оқ юзли, жингалак сочи ўсиб, кетган, ялпоқ бурунли, кўриниши арслонни эслатадиган ёш руҳоний хизмат қиларди. Фақат кичик руҳоний — дъчок билан иш юритувчи котиб қироат келтиришарди.

Дарди оғир Михаил Ильич кўзларини юмиб, Бамисоли мурдадек оқариб креслода ҳаракатсиз ўтирибди. Хотини Вера Андреевна аслида динга бефарқ қараса ҳам маросимларда қатнашишга ва ҳар замонда чўқиниб қўйишга мажбур бўлган кема-хафсала ва бўйсунувчан одам кие-фасида бошини бир ёнга оғдирганича эрининг ёнида турибди. Вера Андреевнанинг туғишган акаси Александр Андреевич Яшин билан хотини Леночка ҳам креслонинг ортда қатор туришибди. Тронца ҳайитининг арафаси эди. Богда дарахтлар оҳиста чайқалади. Кўёшининг кечки ажиб нурали осмоннинг ярмига байрамона шуълалентиради.

Очқ деразадан шохёр ва монастир кўнгируларининг занг урган овози эшитилади, довлида тову кичкиради ёхуд дахлиз тарафда кимдир йўталдики, беҳтиёр ҳамма Михаил Ильичнинг дарди оғирлигини, докторлар уни бори тузалганидан кейин чет элга олиб бориб деволатишни буюрганларини ўйлайди. Бироқ кундан кунга унинг аҳоли яхшиланяптими, ёмонлашяптими — билиш қийин эди. Вақт ўтиб боради, беморнинг ўзгармас аҳоли ҳаммани зериктирганди. Яшин кўёнини чет элга олиб боришда синглисига кўмаклашиш учун бу ерда хотини билан мана қариб икки ой яшяпти, унинг иштирокида мана салкам учинчи аснош маросим ўтказиляптики, бундан кейин нима бўлишини билиб бўлмайди. Бундай расвогарчиликнинг кузача чўзилмаслигига бирор киши қафил ҳам бўлолмайд.

Яшин бу аҳволдан норози, гоёт зериккан эди. Чет элга кўнаш учун ҳар кун тайёргарлик қириш унинг жонига тегди, уйига — Новоселки қишлоғига кетгиси келади. Тўғри, уйда ҳам зерикарли кунлар кўп бўлади, аммо у ерда ҳар бурчагига тўрттадан тош устун қўйилган кенг заллар кўк, зар қопламали оқ креслолар, сел-сарик қалин пардалар, қандиллар, хуллас, улгуворликни даво қилувчи мешчанларча дид-сизлик кўк, тунда ҳар бир қадамнинг такрорловчи акс садо, энг муҳими эса — зельфарон юзи шигшган, кўзларини юмиб ўтирадиган мана бу дарачил одам йўқ у ерда. Уйда кулишининг, бўлар-бўлмас сўзлар айтишининг, хотининг ёки онаг билан қаттиқ тортишишнинг мумкин, қисқаса, хоҳлаганинча яшясан; бу ерда эса, худди пансондагидай шиппақда юр, шивирлашиб сўзлаш, фақат ақлли гап айт, ёки, Михаил Ильичнинг ўзи айтганидай, диний туйғулар билан эмас, аънанага кўра, аснош маросимини тинглаб тур... Дилинда пасткаш ҳисоблаган одамнинг олдида бўйсуниб ўтириш, ўзинг ачинмаган беморнинг кўнглига қараб вақт ўтказишдан зерикарли ва кўнгилни чўктирадиган оғир аҳвол бўлмайди...

Яшин яна бир нарсани ўйлади: хотини Леночка ўтган кечаси ўзининг иккиқат эканлигини айтди. Бу янги хабарнинг ғалати жиҳати шунки, у чет элга сафар қилиш масаласида нотинчлик туғдирарди. Энди нима қилиш керак? Леноккани ўзи билан чет элга олиб кетаверсинми ёки Новоселкига, онасининг ёнига жўнатсинми? Бироқ иккиқат ҳолатда савҳат қилиш ноқулай, хотини уйга яқка ўзи ҳеч ҳам бормайди, чунки қайнонаси билан қиқшмайди, қишлоқда ёлғиз яшяшга рози бўлмайди. «Шуни баҳона қилиб хотиним би-

лан уйга жўнасаммикин!»— дея ўйларди Яшин дъчокнинг овозини эшитмаслиқига ҳаракат қилиб:— Йўқ, Верани бу ерда ёлғиз қолдириш ноқулай...— деди у синглисининг самбитдай қоматига қараб:— Ҳўш, нима қилиш керак?

У ўйлар ва ўз-ўзидан: «Нима қилиш керак!» деб сўрарди, ҳаёти ўзига гоёт мураккаб ҳамда чалқаш туюларди. Сафарга қиқш, синглиси, хотини, кўёни ва ҳоказо масалаларнинг бариси, балки алоҳида-алоҳида олганда оппа-осон ҳал бўлиши мумкиндир, бироқ уларнинг ҳаммаси бир-бирига чалқиб кетганда, худди қиқиб бўлмас ботқоқликка ўтди, бордию улардан бирортасини ҳал қилмоқчи бўлсанг, ўша захоти бошқалари аввалгидан ҳам беш-баттар чалқиб кетадигандек эди.

Рухоний инжилини ўқиш олдидан кўпчилиқка бурниб: «Ҳамма тинч бўлсин!» деган пайтда бемор Михаил Ильич бирдан кўзини очди-да, креслода қимирлаб қўйди.

— Саха! — деб қақирди у. Яшин тезда унинг ёнига бориб эгилди.

— Унинг қироати менга ёқмапти...— деди Михаил Ильич оҳиста овозда. Бироқ унинг сўзлари залда бемалол эшитиларди; у хуштак чалиб, хириллаб — қийналиб нафас оларди.— Бу ердан кетаман. Мени кузатиб қўй, Саха.

Яшин беморнинг туришига кўмаклашди ва унинг қўлтигидан олди. Михаил Ильич нариги тарафда ўзининг иккинчи қўлтигидан ушламоқчи бўлган хотинига:

— Сен қолавер, дилбарим...— деди охири ва илтимосли товушда. — Қолавер! — У сўнгги сўзини, хотинининг белпаро юзига қарадию, жаҳл билан такрорлади.— Ҳўш кетаверман!

Рухоний инжилни очганича қараб турарди. Уртага чўккан сукунатда кўпчилик эракаларнинг бир текисда айтётган қўшиғи аниқ эшитиларди. Кимлардир бог ортида, афтидан, дарё бўйида кўйларди. Кўшини монастирда занг чалинди ва бу майин, оҳандор кўнгириқ қалғи қўшиқ билан уйғунлашиб ёқилди куй тарафди. Яшиннинг юраги қандайдир тотли бир яхшилиқни олдиндан ҳис

этгандек гуп-гуп урарди, у сал бўлмаса беморни қўптиқлаб кетаётганини эсдан чиқарай деди. Ташқаридан залга кирётган овозлар негадир унга ҳозирги ҳаётида завқ-шавақ ва эркинлик камлигини эслатди, ҳар кунни эртдан кечгача ниҳоятда қийинчилик билан бажараётган вазифаларни гоёт майда, арзимас, мужжал бўлиб кўринди. Беморни қўптиқлаб бораётганида хизматчи аёл четланиб, гапчилиқ билан қиқириб келиб тикилганича уларга кўл берди. Одатда қишлоқ кишилари мурдага худди шундай тикиладилар. Шу лаҳзада Яшин тўсатдан беморнинг шигшан, соқол-мўйлаби қирилган, нотабий юзини, муғроғ қўлини, дўхаба камзулини, нафас олишини, қора ҳасасининг тўқиллашини ниҳоятда ёмон кўраётганини ҳис этди. Бутун умри давомида биринчи марта бошидан кечиряётгани — мана шу оғир туйғу қутулмаганда борлигини қараб олди, унинг боши, оёқлари совар кетди ва юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. У Михаил Ильичнинг шу дақиқадаёқ ўлишини, сўнгги марта қиқирганича ерга аганаб тушишини жуда-жуда эстади, бироқ ўша захоти хавлида шундай ўлимни кўз олдига келтирди ва бадани жимирлаб кетди... Залдан чиққан пайтларида у беморга ўлим тилаш ўрнига ўзига умр тилади. Қани энди мана шу ушлаб турган иссиқ биланни тарк этсаю, ҳеч ёқда қарамасдан қочаверса, қочаверса, қочаверса...

Михаил Ильич учун кабинетдаги туркча диванга тўшак солинди. Етоқ ўй беморга иссиқ ва ноқулай туюларди.

— Поп ёки отлиқ солдат бўлгин экан-да, бошқиси бир пулга қимат,— деди у диванга оғир чўзилар экан.— Вой бунинг турки совуқлиги! Эй, худойим... Менга қолса бунақа сурбет полни дъчокка садақа қилиб юборардим.

Яшин беморнинг инжиқ ва ёқимсиз юзига тикилиб, унга гап қайтармоқчи, бирор дегал сўз айтмоқчи, ўзининг нафратини билдирмоқчи бўлдию, бироқ докторларнинг, беморга қаттиқ гапирманглар, деган буйруғини ўйлаб, тилини тийди. Аслида, гап докторларда ҳам эмас. Агар синглиси Веранинг тақдир

мана шу ёмон кўрган одами билан бутун умрга ва бахтсизларча болганмаганида унга нимани айтмас эдию, қанчалар қиқирмасди! Михаил Ильичнинг ҳамиша юмилган лабларини олдинга чўзиб, у томонга, бу томонга қимирлатиш одати бор эди. Бундай пайтда у гўё муз сўриб ўтирганига ўхшарди. Устара билан қирилган ва шигшиб турган лаблардаги бундай ҳаракат энди Яшиннинг жингига тегади.

— Сен, Саха, ўша ёққа бори...— деди Михаил Ильич.— Сен соппа-согсан ва, менимча, черковга бефарқ қарайсан... Маросимда ким хизмат қилади, сенга бари бир. Борақол.

— Ахир, сен ҳам черковга бефарқ қарайсан-ку...— деди Яшин ўзини тутиб, оҳистагина.

— Йўқ, мен илоҳий тақдирга ишонман ва черковни тан оламан.

— Ана кўрингинми. Менимча: дин деганда сенга худо ёки ҳақиқат эмас, «илоҳий тақдир», «олий куч» сингари сўзлар керак...

Яшин: «Бўлмаса ҳозир руҳонийни бундай ҳақорат қилмасдинг, деб гапкин давом эттирмоқчи бўлдию, лекин индамади. Назарида у бусиз ҳам анча-мунча ортиқча гап айтиб юборгандек эди.

— Борақол, илтимос! — деди Михаил Ильич шовшмасдан. У ўзи билан келишолмаганларини, ўзи ҳақида гапирганларини хуш кўрмас эди.— Мен ҳеч кимнинг қисиниб ўтиришини истамайман... Беморнинг ёнида ўтириш қанчалик оғирлигини мен биламан... Биламан, ука! Утраверишдан кўра оғир ва шарофли меҳнат йўқ: мен бунга ҳамиша айтдим ва бундан кейин ҳам айтаман. Борақол, баракан покур!

Яшин кабинетдан чиқди. Пастга тушиб, палъотсини, шляканини кийди-да кўча эшик орқали боққа ўтди. Аллақачон соқт саккиздан ўтган эди. Юқорида ҳали ҳам қироат ўқилаётди. Яшин гул пушталари ва атиргул туллари, бинафшаранг хушбўй гуллاردан У ва М (яъни Вера ва Михаил) ҳарфлари ясалган кичик вензеллар ва бошқа кўп ажойиб гуллари билан ўтиб бораётган экан,— бу нарсалар хонадонда ҳеч кимга хузур-ҳаловат бағишламайди, тўғриси,

Расмин

А. ХОЛИҚОВ

Чизган



1 аснош — касалини тузатиш маънасида ўтказилмайдиган диний маро...

фақат «анъана бўйича» ўсиб, гуллаб ётаверди,—юқорида хотини кўриб, чакриб қолмаслиги учун шошиб қадам ташларди. Мана у боғда бироз юриб, узун ва қоронгу, кечкурунлари қуёшнинг ботиши шундоққина кўриниб турадиган арчазор йўлкача чиқди. Бу ерда қар, тўкилиб кетай деб турган арчалар ҳаммаша, ҳатто об-ҳаво тинч лайтлариди ҳам енгилгина шууллаб туради, ёқимли қатрон ҳидини таратади, оёқ остида эрчанинг қуруқ игналари гичирлайди.

Яншин бугун аснош маросими пайтида тўстатдан пайдо бўлган нафрат бутун борлигини эггаллаб олганини, ҳозир ҳам пасаймаётганини ўйлаб борарди. Бу нафратга бўйсунмаслик мумкин эмасди; ана шу нафрат унинг ҳаётига янги чалқошликлар олиб кирди, бундан аяхшилик кутиб бўлмайди. Бироқ осуда арчалардан, узоқ осмондан ва ҳайит оқшомидан тинчлик ва фаровонлик нафаси уфуриб турарди. У қоронги йўлда оҳиста эшитилаётган ёлғиз ўзининг қадам товушини мароқ билан тинглаб борарди ва боғидек ўз-ўзига: «Нима қилиш керак?» деб савол ҳам бермасди.

У даярли ҳар кун кечкурун газеталар ва хатлар олиш учун станцияга борарди. Кўёваникида вақтинча яшөөтган пайтда унинг ягона эрмаги шу эди. Почта поезди чорак ҳам ўнда—уйда кечкурунги чиқиб бўлмас эрикарли дақиқалар бошланган пайтда келарди. Уйда карта ўйнайдиган одам йўқ, кечки овқат ҳали берилмайди, ухлай десанг, уйку келмайди. Шунинг учун бехиёр беморнинг ёнида ўтириши ёки Ленинкага ўзи ахши кўрадиган таржима романлари ўқиб бериши лозим.

Станция каттагина эди, унда буфет ва китоб шафеи ҳам бор эди. Пиво ичиб, газагига бир нима ейиш, китоб кўриш мумкин эди. Яншин буларнинг ҳаммасидан кўра поездини кутиб олишни ва йўловчиларга хавас билан қарашни ақтирарди. Қаёққа кетиб бораётган йўловчилар унга ўздан кўра бахтлироқ одамлар бўлиб туюларди.

У станцияга етиб келган пайтда платформада аллақачон поездини кутиб турадиганлар сайр қилиб юришарди. Яншин буларни ҳар кун кечкурун кўришга одатланган қолган. Станция яқинидаги дачаларда яшайдиганлар, шаҳардан келган икки-уч офицер, ўнг оёқ эттигига шпор болаган қандайдир помешчик шу ерда эди. Помешчининг ортида бораётган дог—тумшунги калта, йирик тит шафаконлик билан бошини эгиб, қадам ташларди. Дачалардан чиққан эрак-аёллар, бир-бирларини ахши танисалар керак, қаттиқ-қаттиқ сўзлашар, хоҳолшиб қулишар эдилар. Дачада яшайдиган қирқ беш йилларда ҳинҳотда семирив кетган инженер ҳаммашагидек завқ билан, ҳаммадан қаттиқ хоҳоларди. Икки чеккасидаги соқолини ўстириб юборган, орқаси катта бу одам узун чит қўлагини оспитириб, чийбахмал шалвор кийиб олган эди. У бесўнақай қорнини олдинга чиқариб, чекка соқолларини силлаганича Яншиннинг ёнидан ўта туриб, ёғ босган кўзлари билан эркалангандек қаради. Яншин: «Бу одам зўр иштаха билан яшаса керак», деб ўйлади. Инженернинг юзюзи: «Оҳ, қандай ширин-а!» деган сўзларни ўқиб олса бўладиган алоҳида ифода акс этиб турарди. Унинг фамилияси бейҳуш, ухта сўздан иборат эди. Сўбат ҳақида қаттиқ гапиринчи, тортишинчи ахши кўрадиган инженер кўпинча:

— Галим ёлгон чиқса, Битийи Кўшле-Сувремөвич фамилиямни бошқа қўяман!—деб тақорлаганини учун Яншин ахши эслаб қолган. Айтмишларича, у зўр қизикчи, меҳмондўст ва ўтакетган картабоз бўлган экан. Яншин кўпдан бери у билан танишини хоҳлайди, лекин танишиш қийин эмаслигини билса ҳам, ёнига бориб, гаплашишга қўнғ қилмаган.

Платформада ёлғиз сайр этиб ва

дачадан чиққанлари тинглаб юрар экан, Яншин ҳар гал негадир ўзининг ўттиз бир ёшга кирганини ва йнгирма тўрт ёшда университетни битирган бўлса, шундан бери бир кун ҳам шод-хуррам яшамаганини эслайди: гоҳо қўшниллар билан бир қарич ер тўфайли жанжаллашади, гоҳо хотини чапа тугади, гоҳо синглиси Вера бахтсиз бўлиб туяларди, гоҳо... мана, Михаил Ёлчи дардманд, уни чет элга олиб бориш керак; у бундай ташвишларнинг ҳар хил кўринишида муттасил давом этишини, тақорланшини, қирқ, эллик йилларда ҳам ўттиз бир ёшдаги аҳволнинг ўзгармаслигини, қисқаси, ўзининг бу қаттиқ қобикдан чиқиб кетолмаслигини тасаввур этарди. Бошқача бўлишини ўйлашнинг учун ўзининг алданиши керак. У ҳеч бўлмаганда бир соатгина бошқаларга эм бўлмасдан яшашни хоҳларди; бошқа бир оламга боқшини, шахсан ўзига тегишли бўлмаган нарсалар билан андермон бўлишни, ҳеч бўлмаганда мана бу семиз инженер ёки дачадан чиққан аёллар сингари бегона одамлар билан сўзлашишни хоҳларди. Дачадан чиққан аёллар кечкурунги ёра-ширада унинг кўзига гоят гўзал, қувонқ, энг муҳими, ёш бўлиб кўринарди.

Поезд келди. Унг оёқ эттигига шпор таққан помешчик тўладан келган ўрта яшар бир аёлни кутиб олди. Аёл уни қучоқлади ва титроқ овозда бир неча марта: «Алексис!» деган сўзни тақорларди. Чамаси, аёл помешчининг онаси эди. Помешчик балетларда ўйнайдиган ошиқ йигитлар тахлитда шпор таққан этиги билан тантанавор ер тепиб, аёлга қўлини узатди ва маъин, чучмал овозда юк ташувачига буюрди:

— Раҳма топқур ахши йигит, юкмизини олиб юрин!

Поезд тезда жунади. Дачадан чиққанлар ўз газеталарини, хатларини олдилар-у, уй-уйларига тарқалдилар. Сукунат чўқиди... Яншин платформада яна бироз сайр этиб юрди-да, 1 классли элга кирди. Гарчи иштахаси бўлмаса ҳам бузоқ гўштидан қилинган бир порция овқат еди, пиво ичди. Унг оёқ эттигига шпор таққан помешчининг намойиши ва навозишли ҳатти-ҳаракати, унинг содаликдан йироқ бўлган чучмал овози ва хушумомалалиги Яншинда, жуда галати, шилқим одам экан, деган таассурот қолдирди. У помешчининг узун мўйлабини меҳрибонлик ва қувлик, лекин аллақандай ғайритабиий юзюзи, қўларини худди соғуқ пайтларидагидек бир-бирига ишқалаганини эслади ҳамда, агар тўладан келган аёл чиндан ҳам шу одамнинг онаси бўлса, шебо ўйдики, бахтсиз хотин экан, деб ўйлади. Аёлнинг титроқ овози фақат битта: «Алексис!» деган сўзни айтди, бироқ журтатсизлик ва ҳадикка тўла юзи, меҳрли кўзлари ҳамма нарсани ваъда қиларди.

ВЕРА Андреевна акасининг кетаётганини деразадан кўрди. У акасининг станцияга боришини биларди. Узича, у арчазор йўлкани бошидан охиригача, кейин дарёга тушиш йўлини, қирғоқнинг беповён кўринишини, дарёнинг ўзига ҳаммаша соқинлик ва оёсийшалик бағишлаганини, сув босиб ётадиган ўтлоқзорни, унинг ортида жойлашган станцияни ва қайнздор ўрмонни кўз олдига келтирди. Қайнздор ўрмон ичкаридаги дачага қўшиб чиққанлар аяхшидилар, ўнг тарафда эса уезд шаҳарчаси ва қуббаси олтиндан ясалган монастыр... Сўнгра Вера Андреевна яна йўлкани, қоронгулини, ваҳима ва уят билан кечирган онларини, таниш қадам товушини ҳамда яна тақорланадиган, ҳатто шу бугун юз бериши мумкин бўлган барча воқеаларни кўз олдига келтирди...

Вера Андреевна руқоний тақсирга чой тайёрлашни буюриш учун бир дақиқача эздан ошхонага ўтди. Бу ерда қалин конвертта солинган


ва чет эл маркази ёлғизтирилган, икки букланган хатни чўнтагидан чиқарди. Бу хат аснош маросимдан беш дақиқа аввал унга келтириб берилган эди. Вера Андреевна хатни аллақачон икки марта ўқиб улгурган эди.

«Жонгинам, азизам, ҳижроним, изтиробим,—дея ўқибшолади у хатни иккала қўлида тутганича. Назарда бунчалик лаззати ва ёниқ сатрлардан иккала қўли ҳам роҳатланаётгандек эди. «Жонгинам,—дея тагин биринчи сўздан бошлаб ўқиб-роқ тушди,—азизам, ҳижроним, изтиробим, сен самимий гапларни эзибсан, лекин, ҳар ҳолда мен нима қилганимни билолмайтман. Сен ўшанда, мен балки Италияга жунарман, деган эдинг, мен эса, сени бу ерда кутиб олиш учун, сен жонгинамни, қувончимни севиш учун жиниллардек йўлга тушдим. Бу ернинг ойдан кечаларида кўркмаслигини ўйловдим, у ерда эса менинг солмони эринг ёки аканг кўриб қолишидан кўрқардинг. Қани энди бу ердаги кўчаларда сен билан сайр этсам, сен ҳам кўркмасдинг, Рим ёки Венеция ҳам бир-биримизни севишимизни билиб оларди. Кечир, менинг жавоҳирим, лекин Вера қўрқоқ, журағатсиз, жасоратсиз; бошқа Вера ҳам бор—бефарқ, совуқ, гурулли, у бегоналар олдида мен билан «сиз» деб сўзлашади, мени аранг кўраётгандек тутади ўзини. Мен ана шу бошқа—гурулли ва гўзал Веранинг мени севишини хоҳлардим... Мен фақат кечкурун ва тунда роҳатланмиш ҳуқуқига эга бўлган бойқуш ҳолида юришни хоҳламайман. Мени ўз нуриданган баҳраманд эт! Қоронғулик мени эзиб қўймоқда, жонгинам, онда-сонда, кўрқа-писа издор этилаётган бизнинг муҳаббатимиз мени қонқирмаёткир, бу нарса мени асабийлаштириб, газебимни қўзғатиб қўйлаптир... Қисқаси, мен, ўзиниминг Верам, биринчиси эмас, бошқаси бу ерда, чет элда, уйдагидан кўра кўздан яшириниш осон бўлган жойда менга бир соатга бўлса ҳам ҳақиқий муҳаббат бағишлайди, деб ўйлайман. Ҳеч бўлмаганда бир марта ҳадиксиратмасдан, мен ўзимни, ўғри сифатида эмас, романа ошиқман, деб ҳис этмай, мазшуқам эса, мен кучиб турганимда: «Энди мен кетай, вақт бўлади!» демасин. Мен шуларни ўйлаб юрдим, лекин, мана, Флоренцияда яшөөганимга бир ой бўляптики, ҳеч нарса маълум эмас. Сен: «Бу ойда йўлга чиқолармиканми?» деб эзбисан.

Нима гап ўзи! Мафтунқорим, мени нима қилмоқчисан ўзи! Тушунсангчи, сенсиз яшайолмайман, яшайолмайман, яшайолмайман!!! Италия гўзал мамлакат дейдилар; бироқ мен қувгиндагидек зерикалман, менинг зўр муҳаббатим эса, сургундагидек азоб кемайтир. Менинг ҳазил гапларини кулгили эмас, деб ўйларсан, аммо менинг ҳозирги аҳволим худди қизичқиларникидек кулгили бўлиб қолди. Мен дам Болоньяга, дам Венецияга, дам Римга югураман, сенга ўхшаган аёл бормикан деб қўнчилиқка қарайман. Зериканимдан барча музей ва расм галереяларига уч мартадан кириб чиқдим, расмларда эса, фақат сени кўргандек бўлдим. Римда мен ҳарсиллаганимча Monte Pincio телалигини

ўрмалагандек чиқиб, у ердан Абадий шаҳарга тикилдим, лекин абадийлик, гўзаллик, осмон—буларнинг ҳаммаси тасаввуримда битта образ—сенинг юзинг ва сенинг қўлагингга айланиб кетди. Бу ерда Флоренцияда эса ҳайкал сотиладиган дўконма-дўкон юриб, ҳеч ким йўқ пайтида ҳайкалчаларни қучаман, ўз тасаввуримда жонсиз ҳайкални эмас, сени қучаман. Сен менга ҳозир, шу дақиқда кераксан... Вера, мен ақлдан озман, мени кечир, ортиқ тоқат қилолмайман, эртага сенга борман... Бу хатнинг ортиқчилигини ўзим ҳам сезиб турибман! Жонгинам, демак, гап шундай: мен эртага йўлга тушаман».

О. ҲУСАНОВ таржимаси



Термитлар билан кон қидирувчилар ўртасида қандай муносабат бўлиши мумкин? Улар орасида қандайдан тўри алоқа борлиги аниқланган. Термитлар ер остидан бир неча метр метр йўл қолайдилар, бир хил тупроқни ер юзига чиқариб, унд уларнинг ер усти иншоотларини қурайдилар. Бу осмонларга иншоотларнинг бўйи баъзан ўн беш метр етади.

Зимбабведа кон қидирувчилар термитлар иншоотини текшириб ериги қовламасдан туриб уларни остида қандай жинслар ётганилиги аниқлайдилар. Африкалик бир фермер ҳаётида термитлар фаёлулоқ катта роль ўйнади. У ўзининг ер мулкида сайр қилиб юриб, қиз уқунлар ятираб турган термитлар қана қизи тушиб қолди. «Уқунларнинг термитлар ер юзига олиб чиққан ёқут эчкилиги маълум бўлди. Финчидан бу ер мулкини сотолган тоғ жинсларини қовлаш бил шуғулланадиган компания қимми баҳо тошларни ишлаб чиқара болади.

Мечкайлар

Чигирткаларнинг жиниларга оғ эканлиги ҳаммага аён. Бу зарари нанде ҳақида «Воқур светан» жунли 1887 йилдөк мана бундай дөзган эди: «Мазкур ҳашаротларни серпуштаниги киши ақлини лой қолдирди. Улар ўз «салб» юршиши қора булғулдай тўлганиб, қуёш нурини ҳам тўсиб қўядилар. Чигиртка бу юршиш ҳолида шарқдан фарб тмонга ҳаракат қилиб, ҳар кун чакригига яқин масофани ушиб ўтдилар, кейин дам олиш учун тўтандилар. Бир неча соат ичюда бар довар-дархалар апроқсиз, гусли мевасиз, ҳатто пўлстөкчи шип-шодан бўлиб қопади; ўсиб келөөтган нав-ниқоллар бамисолан ёниб кетгадек бўлади, дамдиллар тал-тал сакрога айланади. Бу ошөөт «мечкайлар» босиб ўтган ерда ҳамма нарс тугайди. Серқосил ерлар сакро айланади. «Салб» юршиши қорюда чигирткаларнинг ақсарят қисми ҳали бўлади. Натюнда уларнинг журадларини қириб давони захарлайди. Цтарихда ҳашаротларнинг тирги оварчилигини аюғулдай мөлтирса, ўлганлар эса вабо таркатуди...

Чигиртка мумамоси эамин ваб кўздөдир. Бизнинг эрамиздан Хи сар илгари қадимий Мисрда хук сургөн Хоремкаб династиясини фарөөни мақбарасидан топилга паларудайги чигиртка расми бу ҳашаротнинг энг ҳадикги тасвирини соблинади. «Муҳрленмиш» фактинини ўзөөк уша узоқ замонларда ҳам ингирткалар ҳуқуқ далолатини ва таяқсиз кенганини тасдиқлайди.

ҚОРАКЎЛНИНГ КАМАЛАК РАНГИ

1981 йил баҳори Алқор бобо хонадонига хушхор олиб келди...

— Эшитдингми ўғлим?— деди Алқор ота қўлидан транзисторга ишора қилиб ўғли Қобилга.

— Ҳа. Сизга раҳмат, ота,— деди ўғли мамнунда.

Ота-боба кучоқлашиб бир-бирларини табрикларлар.

— Ўғлим, сурувни қишлоқ томон эндирайлик. Шлоққа эртарақ борайлик. Ҳадемай қутлагани оқ-яқиндан келишади. Бугун биз учун тўй.

Уша кунни Алқор отанинг ҳовлиси чинакам тўйхонага айланди. Қариндош-уруғлар, ҳамкасб дўстлари вани билан табриклар учун йиғилдилар. Қизғин ҳабат вақтида Алқор ота оиласининг ибратли ишри бирма-бир тилга олинди.

Бу оиланинг авлод-аждоҳи чўпон бўлиб ўтган. Нор она ерга нечоғлик чўқур томир отса, бу авлод ҳам Илончи яйловларига шу қадар теран томир ган. Алқор бобо коллективлаштиришда биринчи раҳбар қаторида қолхозга кирди. Улуг Ватан уруши ва дан кейинги даврда жамоат қорачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Узи кексайида унинг ишони фарзандлари Қобил, Юсуф, Тоғай давом эттиришди.

Қобил ҳам урта мактабни тугаллагач, отасининг итига қулқот тўтиб, унинг ёнида қолди. У отаси билан сурув кетидан юриб чиникди, ўз педаридан топилки сирларини ўрганди. Мана, йигирма йил-қирки, бош чўпон. Гоҳида қийинчиликларга ҳам дуч келди. Лекин чўчимайди, бардош билан олдинга итлди. Давр, ҳаёт талабига қараб Самарқанд ишлоқ хўжалиги институтининг зоотехника факультетида сирдан ўқишга кирди. Самарали хизматларининг рамзи ўлароқ кўксини Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени, иккита «Хурмат белги» ордени безади.

Қобил Алқоров айниқса 1981 йилда юксак кўр-тиқча эришди. Унинг сурувидаги ҳар юз бош эволикдан 250 тадан қўзи олинди. Хуллас, қаҳра-он етакчиллик қилаётган отарни ўзига хос тажриба актиби, деса бўлади. Бу мактабдан дастлаб укала-чи Юсуф ва Тоғай баҳраманд бўлдилар. Эндилик-да эса уларнинг бой тажрибаси Фориш яйловлари ййлаб кенг тарқалмоқда.

Ҳа, Фориш район Карл Маркс номи совхозининг социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобил Алқоров ота-ида ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили қў-латиш кампанияси ҳам муваффақиятли якунлан-ди. Ҳар юз бош совлиқдан 260 тадан соғом қўзи ииниб, бош отардан икки отар ташкил этилди.

Районда қоракўлчиликни ривожлантиришга сал-оқли ҳисса қўшаётган чўпонлар кўп. Ильич номи-ли совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қа-ҳрамони Самен Пирназаров, «Чимкўргон» совхозин-инг бош чўпони, Ўзбекистон ССР Олий Советин-инг депутати Қуттиқиз Тоштемирова, «Арнасой» совхозидан Муслим Бўронбоев, Киров номи насл-лик заводининг бош чўпони, Меҳнат Қизил Бай-қ ва Октябрь революцияси орденлари кавалери осил Қўнишев, Омонгелди номи совхозининг бош чўпони Абдураҳмон Сарсенбоевларининг ҳар бири ғариф этса, дostonларга аризуғлик ажойиб за-нондошларимиздир.

Шу йил март ойида илғор чорвадорларнинг об-иаст курултойи бўлиб ўтди. Курултойида КПСС арказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кан-дидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите-тининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов штирок этди. Курултойда қадимий анъана танта-эли суратда намойиш этилди: чўпон тағини мағ-ур кўтарганча бир киши саҳнага чиқди. Иккинчи эмондан ёшгина йигит унга пешовз борди. Кекса

чўпон ўз тағини ёш йигитга топширди. Йигит уни қабул қилиб оларкан, «Аждодларимиз муқаддас деб билган таёққа содиқ қоламан» дея тағини ўлиб қасамёд қилди. Манзара ниҳоятда таъсирли эди.

Бу тантанали намойишни Карл Маркс номи сов-хозининг чўпонлари Самин Бузраев ва унинг ўғли Эшим ижро этдилар. Сами ака қирқ йилдан бери сурув кетида. У самарали хизмат қилиб, Ленин ор-дени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан муко-фотланши шарафига музасар бўлди. Сами ака пен-сияга чиқаркан, тағини ўғли Эшимга ишониб то-пширди...

Чўпон тағи қимларга қолади? Бу масала бугун-ги кунда кекса чорвадорларни ташвишга соляпти. Негаки, районда чорва йил сайин ривожланмоқда. Район буйича 1980 йилда қўйлар 333,2 минг бош бўлса, бу йил 385,8 минг бошга етди. Фақатгина совлиқлар сони 1985 йилга бориб 343 мингга етади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўр-тоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот доклады: «Одамлар ўзларининг меҳнат ва турмуш маданиятини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётган жойда яхшироқ, астойдил меҳнат қиладилар. Завод, ферма бу ҳам бир уй бў-либ, одам умрининг қамидга учдан бир қисмини шу ерда ўтказеди», деган эди.

— Дарҳақиқат,— дейди район маданият бўлими-нининг мудири Хойлиғи Шаҳаров.— Фориш террито-рия жиҳатидан областдан энг йирик район. Салкам 10 минг квадрат километрни ташкил этади. Табiiй-ки, шундай катта территорияда кишиларга маданий хизмат кўрсатиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ишдир.

Районда 36 та кутубхона, 16 та клуб, 3 та мада-ният ва истироҳат боғи, 120 та кўчама кутубхона мавжуд. Маданият ходимлари тез-тез яйловларда бўлиб, чорвадорлар билан учрашувлар ўтказиб ту-радилар. Биз кутубхоналарни марказлаштириш сис-темасига ўтди. Узоқ фермаларга китоблар махсус автобусда етказилди. Кўчама кутубхоналарда китоб-лар ҳар 15—20 кунда алмаштириб турилади.

Район маданият бўлими ҳисобида 4 та автоклуб мавжуд. Автоклублар район партия комитети ва ҳалқ депутатлари район Совети ижрония комитети-нинг вевосита раҳбарлигида иш олиб боради.

Автоклуб ходимлари чорвадорларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга ердан бершияпти.

Улар партия-ҳукуматимизнинг қарорларини чўпон-чўлиқларга етказиб, илғор тажрибаларни кенг про-паганда қилмоқдалар. «Чорвадор» ашула ва рақс ансамбли чорвадорларга тез-тез концертлар ериб туради.

Сўнги йилларда чўпонларнинг турмуш тарзи туб-дан ўзгарди. Илғори улар ертўла ёки қора уйларда истиқомат қилишган бўлса, эндиликда замонавий шинам уйларда яшамоқдалар.

Лекин ҳали барча чорвадорларнинг эҳтиёжлари қондирилатир деб бўлмайди. Баъзи жойларда чў-понларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳамон кўнгилдагидек эмас. Магазинларда зарур рўзгор буюмлари камчил. Маҳаллий партия ва совет таш-килотлари бу камчиликларни бартараф этиш учун аздлик билан чора-тадбир кўришлари лозим.

Одатда катта ишлар оддий нарсадан бошланади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Киров наслчилик заводин-инг директори Унғар ака Урқенов ўшанда хўжа-ликда бош зоотехник бўлиб ишларди. У суҳбат чо-ғида Ҳосил ака Қўнишевга шундай деди:

— Бизда сурчиликни ривожлантирса бўладими?

— Албатта,— деди бош чўпон.— Яйловларимиз шувоқзор. Қўзи терисининг жингалак гўлдор бўли-шида шувоқнинг аҳамияти катта. Буни ота-боболар-имиз синовдан кўп ўтказишган.

— Иқтисодий самарасини айтмайсизми,— деди Унғар ака.— Биринчи сорт қоракўл тери 22—23 сўм, сур тери 45—50 сўм туради. Унинг жаҳон бо-зоридаги қиммати-чи?

— Сур кўчкорларни қаердан топамиз?— деб сў-ради Ҳосил ака.

— Топсак, отарингизда синаб кўрасизми?

— Ҳосил ака жим қолди.

— Нера индамайсиз?— деди Унғар ака.— Чўчи-манг, ерданлашамиз.


Уша йили кўзда Қашқадарь областидан ўнта сур кўчкор келтирилди. Сур кўчкорлардан 150 та қўй қочирилди. Қўйлар қўзилаганда чинакам мўъжиза рўй берди. Қўзичоқларнинг териси қўбшда олтиндек товланарди. Бу йилига совхоз раҳбарлари Самар-қанд қишлоқ хўжалиги институти олимларига муро-жаат қилишди. У ердан қоракўлчи олим Ш. Ризаев ўз шоғирдлари билан ёрдамга келдилар. Шу-шу хўжаликда сурчилик тараққий эта бошлади. Ҳозирги кунда сур қўйлар сони 20 минг бошга етди. Ҳар йили 10 минг дондан ортиқ қимматбаҳо, камалак-



Фориш районидаги Карл Маркс номи совхоз бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобил АЛҚОРОВ (ўнгда) унаси Тоғай АЛҚОРОВ билан насла қолдирилган қўзиларни кўздан ке-чирмоқда.

К. Жўракулов фотоси

Замондошларимиз



СУВДАН ТАШҚАРИДА БАЛИҚ ОВИ

Ҳаммага аёнки, балиқларнинг жуда кўп тури сувдан ташқарига сакрай олади. Чучук сувда яшовчи балиқлардан лосось ва зогора-балиқ, денгизда яшовчи балиқлардан кефал, скумбрия, ставрида, макрель сингари бир неча оилага мансуб учар балиқлар сувдан ташқарига сакраш жиҳатидан биринчи ўринда турадилар.

Учар балиқ якка ўзи ёки бутун бир тўда билан тўсатдан сувдан сакраб чиқади ва ҳавога бир текис кўтарилиб, олисроқ масофага учиб боради. Думининг гоят ҳаракатчан буралиши натижасида улар керакли кўтарилиш тезлигига эришадилар. Мазлумки, сувнинг қаршилигига нис-



Учар балиқлар сапчиш учун куч тўпалаётган чоғи уларнинг думи баъзилар осма моторчадай ишлайди, секундида 50 мартагача тез-тез қимирлайди.

дек товланадиган терилар давлатга топширилмоқда.

Ташаббус ўз самарасини берди. Карл Маркс номли, «Форш», «Қизилқум», Омонгелди номли, Ильич номли совхозлар ҳам қора ва широзий сурчиликка ихтисослаштирилди. Сур терилар жаҳон бозорига юқори баҳоланмоқда. Бу тадбир ҳўжаликлар экономикасининг юксалиши ва рентабеллигини оширишига имкон бермоқда.

1975 йилда Самарқандда жаҳон қоракўлчиларининг учинчи халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Симпозиумда Форш районининг илгор чорвадорлари, бош мутахассислари ҳам иштирок этдилар. Анжуманда қоракўл тери тайёрлашни механизация гарданияга юқлаш ва СЖК препаратидан фойдаланишни муайян тартибга солиш ҳақида гап борди.

Райондаги қоракўлчилик ҳўжаликларини қора, широзий тери ва сурчиликка ихтисослаштириш бўйича анча ишлар қилинди. Лекин териларнинг сифати бундан 5—10 йил аввалгига нисбатан анча пайсаяиб кетди. 1978—1980 йилларда Киров номи насличиқ заводи, Ильич номли, Омонгелди номли, «Чимқўрғон» совхозларида териларнинг 90—95 процентини биринчи сортларга топширилган бўлса, ўтган йили бу хил терилар 60—70 процентини ташкил этди.

— Саббаб нима?

батан ҳавонинг қаршилиги анча кучсиздир. Шу сабабли учар балиқлар сувдан бутунлай узилгунча думини жуда катта тезлик билан ҳаракатлантириб туради. Ҳавога отилиб чиққанидан кейин мўлжалланган парвозни амалга оширади.

Кўпгина балиқларнинг кўзланган учиш режеси бўлмайдми. Улар шунчаки ҳавога сакрайдилару кўтарилган жойдан бир мунча нарига бориб шалоп этиб қайтиб тушадилар.

Океанида учар балиқларни сопи уч метрига узун сузгичлар билан худди капалаклар сингари тутадилар. Албатта, сузгичнинг сопи узун бўлганлиги сабабли уларни тутиш чоғида анчагина мушуқуллик туғилади.

Балиқларнинг она масканидан сакраб чиқишига хилма-хил сабаблар бор. Баъзан улар учиб бораётган ўлжалари — майда ҳашаротлар ортисинда қувиб сувдан ташқарига сакрасалар, баъзан сув остидаги йиртқичлардан қутулиш мақсадида сувдан отилиб чиқади. Масалан, Европа кўлларида майда балиқлар галаси ёвуз балиқлардан қутулиш мақсадида сув юзига отилиб чиқади. Тропик сувларда эса ҳатто катта балиқларнинг бутун бир уюри сувдан икки-уч метр баландиликка кўтарилиб, жонли қумуш шаршара мисол шовуллаб қайтиб тушади.

Балиқлар сакраган пайтда уларни овлаш ҳам мумкин. Чунки учиб бораётган ҳашарот ёки қушлардан фарқли ўлароқ ҳавога кўтарилган балиқлар йўлдаги тўсиққа дуч келганда ўз йўналишларини ўзгартириб қилибдилар. Буни сакрай оладиган оддий балиқларгина эмас, ҳатто учар балиқлар ҳам адо этолмайдилар. «Парвоз» чоғи барча балиқлардан кўра кефаллар кўпроқ овланади. Мазкур балиқлар асосан илқ сувларда — Уртаер денгизи ва унга ёндор денгизларда, Ҳинд океани, Тинч океани ҳамда Атлантик океанларида учрайди.

Сувдан ташқарига кефални овлаш бир мунча машҳур усулда — бу сол ёхуд сув юзюда сузувчи бўйралар ёрдамида амалга оширилади. Энг аввало бу усулни Уртаер денгизи ҳамда Бенгалия балиқчилари қўлланганлар. Ойдин тунда сув юзюда сузган соллар сув тагига соя солади. Балиқлар бу сояни тўсиқ деб ҳис этадилару ундан сакраб ўтишга уриндилар. Соллар анчагина кенг бўлиб, кефаллар парвоз сўнгига дой ичига қулаб тушади. Тўғри, кефаллар тушган жойидан яна бир сакраб, ўз она масканига қайтиши ҳам мумкин. Лекин солнинг чекка томони баландроқ ва ичга томон қайтарилган бўлади. Ундан ошиб ўтиш мушуқ. Баъзан сол ичига шох-шаббалар ёки эски тўр парчалари ташлаб қўйилди. Ураллашиб қолган балиқлар эса қайтиб сакрашнинг иложини топшолмайдми.

Бундан қирқ бир йил муқаддам биолог олим М. Заводский томонидан кашф этилган СЖК—бўғоз бия қонидан тайёрланган зардоб дастлаб «Чимқўрғон» совхозига синонад тўпазилди. Ушанда ҳар бир совлиқдан иккитадан кўзи олинди. Совлиқлардан кўпроқ кўзи олиш учун шўхрат ортидан қувган баъзи чўпонлар қўйларнинг орқик ёки касаллигига қарамасдан бия қони-зардобидан мезьёридан ошириб фойдаландилар. Бу эса насл ва қоракўл тери сифатига ёмон таъсир кўрсатди. Оқибатда кўзилар кичик, ночор, ўлик ҳолда туғиляпти. Шу боисдан қоракўл териларининг сифати пасайиб кетмоқда.

Чорвадор орасида суягига яраша эти, деган гап бор. Сўнгги ўн-ун беш йилда қоракўл қўйларнинг вазни 12—16 килограммга камайдми.



Қоракўлчиликни ривожлантириш ва унинг махсулдорлигини ошириш асосан мустаҳкам ем-ҳашак базасига боғлиқ. Қоракўл қўйлар йил давомида чўл ва ярим чўл, тоғ олди зоналарида боқилди. Тоғлар ўрмон ҳўжалиги ихтиёрига ўтказилганлиги ва чўлда янгидан совхозлар ташкил этилаётганлигидан яйловлар йил сайин торайиб борапти. Биргина Киров номи насличиқ заводида сўнгги йилда юзлаб гектар ер пахтакор ва боғдорчилик совхозларига ўтиб кетди. Ваҳолянки, шу даврда қўйлар сони 16 минг бошга кўпайди.

Кефалларни бундай овлаш усулини Мальта оролида тажриба қилинаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ҳунар мазкур оролда таҳминан ярим аср муқаддам бошланган. Мальталиқлар солларга тўсиқ тўрларни олиб қўйиб, бу усулни янада ривожлантирдилар. Бир неча қайик катта шовқин-сурон кўтариб, қаторлаштириб қўйилган соллар томон балиқларни сакрашга мажбур қилиб қайиладилар. Рус балиқчилари ҳам Қора денгиз, Азов денгизи, Каспий денгизига шунга ўхшаш усулни қўллайдилар. Ёп-ёрғ ойдин кечада кефалларнинг улкан уюри шовқин-суронсиз оҳиста қамиш бўйралар билан каттақон айлана шаклида ўраб олинади. Кейин қайиқда ўртага кириб олган балиқчилар эшаклар билан сувни шалоплатиб, иложи борица кўпроқ шовқин солиб — кефалларни кўрқитиб ҳар тарафга қувади.

Бу усулни қўллашда солнинг ҳолати йўқ, одатдаги қайиқлардан бемаъл фойдаланиш мумкин. Масалан, Югославиядаги Вран кўлининг савзроқ дарё шохобчалари қуйилишида кефаллар келиши кутилаётган томонга қайик биров қия қилиб кўндаланг қўйилади. Сув қуйилиш жойига кирган балиқлар эса тўсиқдан сакраша интилиб, қайиқнинг ичига тўшаверади. Балиқчи бир оздан кейин балиқларни йиғиб олишга киришаверса бўлади.

Сол ҳамда қайиқлардан ташқари балиқларга махсус тузоқ қўйса ҳам бўлади. Бинобарин, шимоллий Европа халқлари ва америка ҳиндилари махсус тузоқ кутилардан фойдаланадилар. Латвиялик балиқчилар эса, саватларни кўпроқ ишлатадилар. Бу унча катта бўлмаган дарё шаршараларида қўлланади. Лосослар галаси дарё бўйлаб сузиб бориб, шаршара устига чиқиш учун сакрайди. Шу пайтда уларни сават билан осонгина тутиб олиш мумкин.

Сувдан ташқариди балиқ ови хусусида фикр юритилар экан, қуруқликка чиқиб, бемалол сайр қилиб юрвчи балиқларни ҳам унутмаслик лозим. Бундай балиқлар қуруқликдаги савҳати жарайида овланади. Мисол учун бирмалик балиқчилар худди шундай усулда ов қилдилар. Улар дарё қирғоқларига махсус ғовлар қуриб қўядилар. Ғовларнинг қуруқлик томонидан пасткам-чўқурчалар қўйилади. Дарёдан ўрмалаб қирғоққа чиққан балиқ ғовдан ошиб ўтишга уринади ва маррадан ошганда кейин чўқурликка юмалаб тушади.



Бир жуфт сакровчи балиқлар қуруқликда сайр этишга чиқишди...

Узулиги 15—30 сантиметрлик балиқлар Атлантида ва Ҳинд океаниларнинг тропик қирғоқлари бўйида яшайдилар. Кучли кўрак сузгач қанотлари силжиш учун ҳам хизм қилади. Қуруқшаб қолишдан асвоғи оқи қулқларининг қопқоқлари жи ёпилиб, намини ўзида сақлайдиг галаврек эт уларни қуршаб олад. Қуруқликда рўй бериши мумик бўлган ҳавфлардан қутулиш уч хушёр бўлиш керак албатта. Шу сабабли уларнинг кўзи олдинга силжиша мослашган, қуруқ ҳавод сакланши учун эса кўзларининг утида қоғоғи ҳам бор. Бу — балиқларда учрайдиган камдан-кам ҳодиса!

ЙЎҒОН ОВОЗДА ГАПИРУВЧИ ТЮЛЕНЬ

Бостон шаҳридаги аквариумга келган томошабинларни бунда боқилётган тюлень дўстона салом билан: «Хау ду ю ду!» («Аҳволлар қалай? дея кутиб олади. У ўзини таништиради, исмини ҳам айтади. Лекин тўсатдан: «Қани, тўғингни шикиллатиб қол-чи!» дея хитоб қилиб, қанганларни ҳайрон қолдириши ҳам мумкин.

Кучли йўғон овозда гапирувчи мазкур тюлень ҳайвоншунослар ҳамда ҳайвонлар психологияси билан шуғулланувчилар томонидан ўрганилувчи объектга айланиб қолди. Мутахассисларнинг фикрича, тюлень сўтмасизувчилар дунёсига одам овини худди ўзидек қайтарадиган биринчи жонивордир. Қузатув ва теширишлар шуни кўрсатадики, тюлен тўтиларга нисбатан яхшироқ гапирар экан.

«Уч-тўрт йил муқаддам тюлень вақти-вақти билан одам овозига тақлид қила бошлади,— деб изиб берди аквариум ходимаси.— Лекин туғилгандан бўён деярли аквариумда яшаётган ўн яшар бу тюленнинг овози фақат сўнгги ойлардагидини аниқлик касб этди».

Тюлень қайғини дуруст пайтларда, лугат бойлиги жуда кам бўлса ҳам, ҳеч қандай тақлифсиз ўз-ўзини айтади гапириверади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоғи Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 198 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида: «Озиқ-қўт проблемаси ҳам ҳўжалик, ҳам сиёсий жиҳатда бундан беш йилликнинг марказий проблемасидир; деб ташкиллади. Шунга биноан Форш районининг чорвадорлари 10 минг тонна гўшт ишлаб чиқаришни кўзлаб иш тутаятилар. Уларнинг бу ташаббуслари ўзбекистон Компартияси Марказий Комитет маъқуллади. Шу мақсадда районда озуқаоп эки этиштиришга ихтисослашган «Известия» совхоз ташкил этилди. Яйловларни маданийлаштириш маселасига ҳам бу ерда алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, булоқ сувлари бирлаштирилиб яйловларга оқизилляпти. Шу сувлар эвазига бедазорлар ташкил қилинмоқда.

КПСС XXVI съезди қарорларини ижтисол амалга ошираётган Форш районининг чорвадорлар СССРнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзларининг бутун куч ва имкониятларини қоракўлчиликни янада ривожлантиришга сафарбар этмоқдалар.

ҲИНДИСТОН БИЛАН АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИМИЗГА ДОИР

Лазиз АЗИЗОВА,

шарҳунос

ХИНДИСТОН билан Россия ва Урта Осиё халқлари ўртасидаги маданият, илмий ва савдо алоқалари жуда қадимийдир. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида янги сиқичга кўтарилган самарали алоқаларнинг ёрқин саҳифаларига назарлар эканмиз, сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамлашида, дўстона ва бегараз ҳамкорликнинг кучайишида тарихда ўтган осимлари ва сайёҳларнинг, Урта Осиёда вояга етган давлат ва маданият арбобларнинг ҳам хизматлари айрича аҳамиятга эга эканлигини гувоҳи бўламиз.

XV асрда ўтган рус савдогар сайёҳларидан Афанасий Никитин рус тарихий муносабатларида ва с Ҳиндустонлиги соҳасида илк сафарчи бўлди. Ҳиндистонни Европада нитанлиги Афанасий Никитиннинг катта хизматларидан ҳисобланади. Мана шу даврдан бошлаб, русдан алоқаси бошланди, десак бўлади.

Ўзбекистоннинг жанубий районларида топиладиган буддизм санъатида археологик топилмалар, кушанлар даври маданияти Ҳиндистон билан Урта Осиё халқлари ўртасидаги соҳадаги алоқалар тахминан 100 йиллик тарихга эга эканлигидан ҳисобланади. Илмий алоқалар тарихида Урта Осиёлик машҳур олимлар — Мухаммад ибн Мушо аш-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний муҳим эгаллайдилар. Ал-Хоразмий диний Ҳинд математикасини чуқур ўрганиб, уни Шарқ ва Европа мамлакатларига таъинди. Беруний Ҳиндистонда яшаб, Ҳиндларнинг тили, маданияти, санъатини ўрганиб ва беқарор «Ҳиндистон» асарини яратди. Унинг «Масъудий қонуни» асари ҳам Ҳиндистоннинг математикаси ва географиясининг қомусидир. «Шарқ афзали» деб ном қозонган машҳур исом Камолиддин Бехзод ўзининг мас асарлари билан Ҳиндистонда минималроқ санъатининг равангига эга таъсир кўрсатди.

Заҳриддин Мухаммад Бобир Ҳиндистонда бобирийлар сулоласига ос солди ва мазкур мамлакат тарихида муҳим роль ўйнади. Бобирийлар даврида Ҳиндистон маданияти, санъати ниҳоятда раванг топди, урта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасида алоқалар ривожланди. Бобир қаламига мансуб «Бобирнома» VI—XVII асрлар Ҳиндистон тарихини, ушар давр иқтисодий ва маданий воқеаларини ўрганишда муҳим манба бўлиб қолди.

Қадим-қадимдан бошланган маданий алоқалар Ҳиндистон Англия мустамлакасига айлангандан кейин ҳам давомлади. Ҳинд ва ўзбек халқларининг оғзаки имодида Ҳиндистонда ўсиб турган «Исзатбек ва Сўни» романи билан машҳур бўлган афсона ривожланди. Унда бухоролик аш савдогар Исзатбек ва панжоблик сулувар Сўни ўртасидаги муҳаббат фанаси ҳикоя қилинади. Ана шу афсона сюжетига асосида Ҳиндистонда

Ҳиндистоннинг йирик давлат ва сиёсат арбоби Жаҳоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» деган китобида XIV асрда яшаган буюк ватандошимиз Амир Хусрав Деҳлавий музикасининг ва шеърларининг Ҳинд халқлари қалбига ўчмас из қолдиргани ҳақида ёзади. Хусрав Деҳлавийнинг ўз даврида зур ҳурмат ва обрўга эга бўлганлигини шундан ҳам тасаввур этиш мумкин, уни энграт қилмоқ учун ҳатто Эроннинг классик шоирларидан машҳур Шайх Саъдий келайсан чоғида Ҳиндистонга боради. Шарқ манбалари Деҳлавийнинг 99 асар қолдирганлигидан гувоҳлик беради. Ҳиндистонда вояга етган машҳур Мирзаабдуқодир Бедали XVII аср адабиётида ўзига хос бир услуб яратди. Бухоро, Самарқанд, Фарона, Тошкент мадрасаларининг билимдонлари форс тилидан ўз кичиларини синамок учун Бедалини ўқиб, ўзаро мунозара қилар эдилар.

Афанасий Никитиндан бир ярим асрча кейин 1613 йилда Ҳинд савдогарлари Каспий денгизи ва Волга дарёси бўйларида рус савдогарлари билан учрашдилар. XVII аср охирида рус савдо вакилларидан Семён Маленький Деҳлига келди ва бу билан савдо алоқаларига асос

XVIII асрнинг 90-йилларида рус сайёҳи Герасим Лебенов (1749—1817) Ҳиндистонга бориб, у ерда ўн икки йил яшади, Ҳинд маданияти тарихига доир тадқиқотлар олиб борди ва 1801 йилда Ҳинд тилининг грамматикасини ёзди, Калькутта шаҳрида Европа тилида театр уюштирди. XIX аср олимларидан Аделунг ва Левенданнинг қадимий санскрит тилининг Европа тилларига яқинлигини исбот қилувчи, шарҳунос ва Ҳиндустон Миняевнинг Ҳинд тили морфологияси ва фонетикаси оид асарларининг илмий қиммати каттадир. Миняев Урта Осиё ва Ҳиндистоннинг ўрта аср тарихига, айниқса XIX асрнинг иккинчи ярми аҳволига оид муҳим маълумотлар қолдирган. Унинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Рус олимлари санскрит тили луғатини ишлаб чиқиш ва онеанография соҳасида тадқиқотлар олиб бориш билан ҳам дўстона алоқаларнинг мустаҳкамлашига муносиб ҳисса қўшдилар. Лекин ҳар Россиянинг Ҳиндистонга нисбатан тугган сиёсатини фарзлардан холи дейиш қийин эди. Шу сабабли рус революцион демократлари Беллинский, Добролюбов ва Чернишевский Россиядаги ижтимоий ҳақсизликлар тўғрисида ёзар экан-

лий муносабатлар нечоғлиқ салмоқли бўлганлигини кўрсатади.

Узоқ ўтмишда кўплаб истилочларнинг зулмининг ўсиб босишидан кейин Ҳиндистонликлар, айниқса иккинчи аср давом этган инглиз мустамлакачилари зулмидан жуда оғир азоб чекидилар. Жаҳон маданиятини «Мадаҳабарата» ва «Рамаяна» каби шох асарлар билан бойитган бу халқ иқтисодий тараққиёт шаҳарасида энг қозилоқ мамлакатлардан бирига айланиб қолди. Империализмнинг эксплуататорлик сиёсати илк бор 1905 йилги рус революцияси туфайли дарз кетди. Ҳиндистон халқлари Россия ишчиларининг қоризига қарши курашдан илҳом олдилар. Мамлакатда миллий озоодлик ҳаракатлари кучайиб кетди. В. И. Ленин 1905 йилдаги рус революцион ҳаракати Осиё халқларини таломила уюғотди, деб айтганида буюк Ҳиндистон мамлакатини ҳам назарда тутган эди.

Биринчи рус революциясининг таъсири остида Ҳиндистондаги марказий шаҳарларнинг ишчилари, Шарқий Ҳиндистон темир йўлининг хизматчилари иш ташладилар. Уларга Калькуттадаги ҳукумат матбаасининг ишчилари ҳам қўшилдилар. Лекин ишчи-деҳқон оммаси яхши уюшган сиёсий ташкилотга эга бўлмаганлиги натижасида буржуазия ўз максадини яна сақлаб қолди.

Октябрь революциясининг қудратли таъсири остида 1918—22 йилларда ишчилар ҳаракати янада кучайди, 1920 йили БутунҲиндистон касеба союзулари конгресси ташкил этилди, дастлабки коммунистик гуруҳлар вужудга кела бошлади. 1925 йилда Ҳиндистон Коммунистик партияси тузилди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар маданий алоқалар тарзида кучая бошлади. 1930 йилда М. Горькийнинг асарлари Ҳиндистонда ўқила бошланди. Ҳиндистонда Кришан Чандр, Мулк Раж Ананд, Прем Чанд, Сажход Зоҳир, бир оз кейинроқ Али Сардор Жафрий каби прогрессив шоир ва адиблар майдонга чиқдилар. Улар ўз асарларида Ҳиндистоннинг миллий ва ижтимоий мустақиллиги учун кураш бошлади. Ўз асарлари билан мамлакатимизда машҳур бўлган Рабиндранат Тагор шу йилларда Москвага келиб, буюк ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди ва «Россияда мактублар» асарини ёзди, унда янги тузумнинг шарофатини кўрсатиб берди.

Хуллас, Улуғ Октябрь халқларимиз ўртасида маданий алоқаларнинг янги саҳифасини очди. Бундай алоқалар Дўстлик китобининг энг ёрқин саҳифаларидир.

1949 йили Ҳиндистон расман республика деб эълон қилинди. Мамлакат тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Жаҳоҳарлал Неру ҳукумати халқро муносабатларда бетарафлик, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик сиёсатини олиб борди, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстона иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик ўрнатди. 1971 йилнинг август ойида Ҳиндистон билан СССР ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида Шарҳнома тузилди. Совет Иттифоқи Ҳин-

Дўстлик рингталари

солинди. XVIII аср ўрталарида ва XIX асрнинг иккинчи ярмида Филипп Ефремов, Рафаэль Дамбеков, бироз сунроқ машҳур реалист расмол Василлий Верешчагин Ҳиндистон билан шахсан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Верешчагин ўзининг Ҳинд ҳаётиндан олиб ишланган этнографик қимматга эга реалистик расмлари билан шуҳрат қозонди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россияда Ҳинд адабиёти намуналари пайдо бўла бошлади. Икки буюк халқ ўртасида қарор топган мустаҳкам дўстлик натижасида Ҳиндистон олдига Москва давлатининг нуфузи кучаяди. Шунинг учун Фарб давлатлари XVII асрда ўз савдогарларини Ҳиндистонга қуруқликдан юбориш учун Москва давлатига мурожаат қилар ва унинг руҳсати билан иш кўрадилар. 1722 йилда Петр I Астраханда Ҳинд савдогарларини қабул қилди, савдо соҳасида уларга имкониятлар яратди, рус элчиларини икки марта Ҳиндистонга юборди. Россиядан Ҳиндистонга келтирилган моллар ичиде мармар тошлар ҳам бор эди. Агра шаҳридаги Тожмаҳал мақбарасига ишлатилган тошлар мана шу даврда келтирилганлиги

лар, Ҳиндистонни сира эслардан чиқармадилар. Улар Россиянинг Ҳиндистонда ўтказётган ижтимоий адолатсизлик сиёсатиға қарши овозларини мардонорол кўтардилар.

Ҳиндистондан гоят қадим замонларда ёғочдан йўнилган буюмлар, заргарлик моллари, фил суйиғидан ишланган ашёлар, мурч, чой, хушбўй дориворлар, Бадахшондан ва Кашмирдан биллур ҳамда жаҳоҳир Бухорога, Самарқандга ва Хоразмга келтириб савдо қилинарди. Булар ичиде Кашмирнинг шойи рўмоллари, Банорас шаҳрида чийратма шойидан ишланган банорас ўзбеклар орасида машҳур эди.

Халқларимиз ўртасидаги илмий алоқаларнинг ўзаро бир-бирига таъсири кучли эди. Ҳиндистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Т. Н. Қори-Низзий ўзининг «Улуғбекнинг астрономик мактаби» деган асарида Мухаммад Шоҳи жадалини Улуғбек жадали билан таққослаб, Ҳинд расадхонаси тўғрисида Улуғбекнинг астрономик мактаби таъсири остида яратилганлигини далиллар билан берган эди. Буларнинг барчаси Ҳиндлар билан Урта Осиё халқлари ўртасидаги маданий ва ил-

АКА-УКА ПОЛВОНЛАР

Республикасида заводлар, электр станциялари, шахталар ва бошқа 70 га яқин йирик объектлар қуришда, геология-қидирув ишларида қатнашмоқда. Бхиладаги металлургия, Рангидаги оғир машинасозлик, Дарганурдаги кон-шахта ускуналари, Хардвардаги оғир электр ускуналар, Ришкешдаги антибиотиклар заводлари шулар жумласидандир.

Совет Иттифоқи Ҳиндистон саноати, қишлоқ хўжалиги, фани ва маданиятини ривожлантиришда кўрсаткич бегарз ёрдамида Совет Ўзбекистонининг ҳам катта ҳиссаси бор. Республикасида корхоналари мураккаб технология ва электротехника ускуналари, металл конструкциялари, ўтга чидамли металллар, қувурлар, компрессорлар, хилма-хил қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб бераётир. Ералари суғориш ва мелiorация қилиш, энергетика, қоракўлчилик соҳасида ўзбек мутахассислари тўплаган бой тажрибалар Ҳиндистонда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Сўнгги йигирма йил давомида Ўзбекистон нашриётлари ҳинд ёзувчиларининг адиблари яқин асарларини ўзбек ва рус тилларида босиб чиқардилар. Булар орасида Беҳли, Муҳаммад Иқбол, Мирза Ғолиб, Рабиндранат Тагор, Прем Чандр, Яшпал, Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан Чандр, Мулк Раж Ананд, Саждод Зоҳир, Али Сардор Жафрий ва бошқа адибларнинг асарлари бор. Ўз навбатида Ҳамза, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Уйғун, Сулфия ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари ҳам ҳинд, урду тилларига таржима қилинган.

В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетида ҳинд, урду, панжоби филологиясининг кафедраси ишлаб турганлиги, Тошкент радиоси қошида урду ва ҳинд редакциялари ташкил этилганлиги, ЎзССР ФА Беруний комитети Шарқшунослик институтиде Ҳиндистонга оид оlib борилаётган илмий тадқиқот ишларининг кўлами маданий ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ишига муносиб улуш бўлиб қўшилиётди. 1967 ва 1977 йилларда Ўзбекистонда ўтган Ҳиндистон маданияти декадаси, ўша йиллари Ҳиндистонда ўтган Ўзбекистон санъати фестиваллари халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ёрқин саҳифаларига айланиб қолди. Ҳар икки мамлакат кинематографчиларининг ўзаро ҳамкорликда яратган фильмлари ҳам ана шу ёрқин саҳифаларнинг гўзал ноҳари ҳисобланади.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб боришида ҳар иккала давлат раҳбарларининг ўзаро визитлари самарали бўлаётир. Л. И. Брежневнинг 1973 йил ноябрда ва 1980 йил декабрда Ҳиндистонга, И. Гандининг 1976 йил июнда ва 1979 йил июнда СССРга қилган дўстона визитлари азалий ҳамкорлик алоқаларининг янада самарали давом этишида муҳим аҳамият касб этди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1980 йилги дўстона визити пайтида Ҳиндистон парламенти аъзолари ҳузурда сўзлаган нутқида шундай деди: «СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик — икки улус халқининг муштарак мулкидир. Бизнинг муносабатларимиз замон синовидан ўтди. Бу муносабатлар Осиёда ва бошқа қитъаларда ҳам тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилли бўлиб қолди. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг мустаҳкам негизиде ривожланиб бораётган бу муносабатлар турли социал-иқтисодий системаларга мансуб бўлган давлатларнинг тинч-товуш яшаш, тенг ҳуқуқли ва самарали ҳамкорлик қилиш принципларининг мужассам ифодаси бўлиб хизмат қилади».

Дўстлик саҳифалари бундан кейин ҳам янги-янги мазмун билан бойиб бораверсин.

Чексиз Қизилқум этакларидаги чоққина қишлоқ. Кўёш олис қирлар ортидан заррин нур сочиб, қиройли қарқлаб, юқорига оҳиста кўтарилади. Қушлар шохдан-шоҳга учиб сайрашади. Шулар билан баравар уйғонган болакайлар қалдириқлардай тизилишиб, боққа кириб келишади. Урик дарахтига ўрнатилган радиокорнайдан одатдагидай эрталабки гимнастика машқлари эшитирилади. Кичкинтойлар завқ-шавқ билан машқларни бажаришга киришадилар. Боғда кросс, турник, тош, велосипед каби спорт билан шугулланиш учун керакли жиҳозлар мавжуд.

Спорт билан чиниқаётган бу шўх ва қувноқ болалар «полвонларнинг пирин» деб ном олган 86 ёшли отахон Турсун Юсуповнинг набиралари. Отахон уларнинг ҳам ўз ўғилларидек полвон бўлишини истади.

— Ниятга етишининг сирини фақат меҳнатда,— дерди Турсун ота уларга оддийгина қилиб.— Мен уларни ҳалол тер тўкиб ишлашга, кичинчиликлардан чўчимасликка ўргатдим.

Турсун Юсуповнинг олти ўғли бор. Норқул ўзининг синфини тугатгач, Самарқанд Давлат университетига ҳужжат топширди. Спорт секцияси машғулотири, кураш мусобақаларида биринчиликни қўлдан бермай, қисқа вақтда СССР спорт мастери бўлди. Институтни тугатди. Устозлари уни Тошкент Кибарнетика институтига йўллашди. Ҳозир у маъмуриятда илмий ходим. Норқул аини пайтда илмий-тадқиқот ишларини спорт билан баравар олиб борапти.

Турсун отанинг катта ўғли Жўрақул — йирик ботаник олим. Тошкентда Ботаника илмий-текшириш институтиде лаборатория мудирин. Ҳозир у докторлик диссертациясини

бўлмас сеҳр бордай. Кураш тушаётганинда, эзуликлар ҳақида ўйлаётганинда улар сенг кузаити туради. Гўё дилингдаги юксак орузлар ҳақида қуйлайди улар. Шу сеҳрли олам билан абадий бирга бўлиш қанчалар завқли! Бу романтик туйғулар Шермухаммадин Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг ўрмончилик факультетига бошлаб келди. Спорт унинг ҳам севили машғулотига айланди. «Тошкент оқшомин» газетаси соврини учун ўтказилган мусобақада республика биринчилигини қўлга киритиб, СССР спорт мастери деган шарофат номга сазовор бўлди. Аини кунларда у Қоракўл район ўрмон хўжалиги директорининг ўринбосари вазифасида ишлаяпти. Ҳар битта куш, ҳар битта дарахт, ҳар бир чечак унга кўз қорачигидай азиз, ардоқли.



Ғалаба шохсупасида.

Музаффар ёшлигидан ирригаторлик касбини тандади. Аммо спорт ҳам унинг жони-дили эди. Уч акаси СССР спорт мастери, бир неча бор мамлакат чемпиони экани билан фахрланар, Юсуповлар хонадони аъёналарига муносиб бўлишини, эстафетани дадил давом эттиришини кўнглига тугиб юрар эди. Ниятнинг амалга ошиши эса интилишга боғлиқ. Ниҳоят, 2-курсда таҳсил кўраётганда унга ҳам омад қилиб боқди: самбочилар билан бешлашувда республика биринчилигига эришиб, СССР спорт мастери бўлди. Ҳозир у Қоракўл районида сув хўжалиги соҳасида ишлайди.

«Нега спортда бунча куч, жасурлик муҳассам! Нега ҳар гал кураш бошланганда унинг юрагиде қандайдир аланга пайдо бўлади! Нега баъзилар бу туйғудан бебаҳра айвандилар!» Шу саволларга жавоб топиш истаги Нурмухаммадин Тошкент Физкультура институтига бошлаб келди. Нурмухаммад факультетда самбо кураши секциясини тузди. Беш йил давомида самбо кураши бўйича Ўзбекистон ССР терма командасини бошқариб борди. Институтни тамомлаётганда ўқитувчилари унга аспирантурада қолишни таклиф этдилар. Лекин у ўз она қишлоғига қайтди. Бўш вақтларини тўп тегиш билан ўтказадиган ёшларни тўплаб кураш, тош кўтаришга, бокс мусобақаларига жалб этди.

Қиш яқинлашиб келарди. Аммо спорт залиндан ҳамон дарак йўқ эди. 40 га яқин спорт ишқибози Нурмухаммад бошчилигида масласхатни бир жойга қўйиб ўзларига спорт залини қуриб олишди. Шундан кейин спорт тўғрақларига қатнашаётган ёшларнинг сони 200 дан ошиб кетди. Спорт мактаби қуриб беришларини сўраб район раҳбарларига мурожаат қилишди. Орадан бир йил ўтгач, уларнинг илтимоси қондирилди. Нурмухаммад спорт мактабининг директори этиб тайинланди.

Ҳозир бу мактабда спортнинг 50 тари бўйича ўтказиладиган мусобақаларга 700 дан ортиқ ўқувчи иштирок этаётир. Қисқа муддатда улар орасидан уч СССР спорт мастери 19 СССР спорт мастерлигига номзод 36 юқори разрядли, 250 оммавий разрядли спортчи тайёрланди. Шу билан бир қаторда Нурмухаммад қишлоқда аҳолининг ёлпасига спорт билан шугулланиш мавзусида ўз тажрибалари асосида ёзган диссертациясини ҳам сирдан муваффақиятли ҳимоя қилди.

Спорт Қоракўл райони меҳнат-қашларининг севили машғулотига айланди. Районда спорт комплекси қурилиши учун шу йилнинг ўзида 100 минг сўмлик маблағ ажратилди. Эндиликда бу ерда Юсуповларнинг полвонлик тажрибалари оммалаштирилмоқда. Нурмухаммад ҳар бир оилада камиде иккитадан СССР спорт мастери бўлишини орау қилади. У спортни ривожлантириш борасида тиним билмай ишлайди.

Оқилнинг кенжаси Комилни жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев шуҳратли, маҳоратлири, қизиктириб келарди. У спорт секциясидаги машғулотларга ҳам қоникмай, деярли ҳар кун акаси Нурмухаммад тренерлик қилаётган тўғраққа қатнади. Мактабини тамомлаётганда эса Комилга олтин медаль билан бирга «СССР спорт мастерлигига номзод» нишонини ҳам тақдим этилди.

1978 йилда Бухоро шаҳри спорт чемпионларини қизгин кутиб олди. Ўзбекистон командасидан икки киши танланди — Музаффар ва Комил. Аввал жаҳонга танланган япониялик самбочи Виктор Кого билан СССР спорт мастери Музаффар гиламга чиқдилар. Уларнинг курашидан Комил хулоса чиқариб олди. Бу зийраклиги унга қўл келди. Ўзи курашга тушганда унинг ҳамладаёқ япон самбочисини Харагучи Кичининг елкасини ерга теккизди. Ҳакам мамнуният билан Комилнинг қўлини кўтарди. Шундай қилиб, Тошкент Давлат университетининг юридик факультети талабаси Комил Юсупов оилада биринчи бўлиб Халқаро классдаги СССР спорт мастери деган юксак номга сазовор бўлди.

Бу юксак ғалабадан сўнг орадан ҳар вақт ўтмай Москвада ўтказилган спорт қишлоғида Турсун Юсупов унинг олти ўғли биргалликда иштирок этишди. Улар ҳақида ҳикоя қилувчи «Пахлавонлар» фильми суратга олиниб, республикалар ҳамда марказий телевидение орқали бир неча бор намойиш этилди. Бу фильм жасур, кучли полвонлар тўғрисида тўқилган жозибали қўшиққа ўхшарди. Бу қўшиқ миллионлаб спорт ишқибозларининг қалбини забт этди.



Ғолибларга соврини.

ҳимоя қилиш арафасида. Жўрақул ҳам СССР спорт мастери, кураш бўйича республика терма командасининг аъзоси. У ҳамон мамлакат биринчилиги учун бўладиган мусобақаларда иштирок этиб келади.

Отанинг учинчи фарзанди Шермухаммад колхоз ерларига туташ ўрмонни яхши кўради. Шу абадий яшиллик бағрида, қунақ қўшиғида, майсалар, олтин яроқлар шивиринда қандайдир сўз билан ифодалаб



«АВЕСТО» ТАҚИМЛАРИ...

Қадимий Шарқ маданиятининг бизгача етиб келган обидалари орасида зардуштийликнинг муқаддас китоби — «Авесто» алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, СССР ФА муҳбир аъзоси Е. Э. Бертельс, УзФА академиги Воҳид Зоҳидов, филология фанлари докторлари Азиз Каюмов ва С. Эркиновнинг айрим тадқиқотларида «Авесто» борасида эътиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар баён этилган. УзССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Авесто» балладаси ҳам диққатга сазовор. Адабиётшунос Натан Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги, «Навоий ва халқ оғзаки ижодиёти» китобида «Авесто» ҳақида маълумотлар мавжуд. А. Маковельский, В. Абаев, В. Авдиев, И. Брагинский, К. Тревер, Е. Кузьмина каби рус адабиётшунослари «Авесто»ни тадқиқ этувчи асарлар яратганлар. Лекин авестошунослар ҳозиргача бу асарнинг қачон ва қаерда яратилганлиги ҳақида бир фикрга келиб улгурганлари йўқ. Кейинги пайтларда «Авесто»дан янги парчаларнинг таржима қилиниши, бир қатор форсий тош ёзувларнинг ўқилиши натижасида, мазкур асарнинг қачон ва қаерда яратилганлиги ҳақида батафсилроқ ва аниқроқ фикрларни ўртага ташлаш имконияти туғилди.

Шу пайтгача авторлар турли манбаларга таянган ҳолда «Авесто» шаклланган вақтни икки давр билан белгиләйдилар. Тарихий манбаларда, «Авесто»нинг Урта Осиё, Эрон ҳамда Бобинда ҳукмронлик қилган аҳмонийлар даврида шаклланилиги қайд этилади. Лекин китобнинг айрим қисмлари («Гатлар — Қўшиқлари») эрамыздан олдинги X—XI асрларда юзага келган, деган мулоҳазалар ҳам мавжуд.

Авалло, биринчи фикрга асос берган манбани ахтариб кўрайлик. Эрамыздан олдинги VI асрда (558—529 йиллар) Мидия шоҳи Кир (ҳозирги Эрон ва Озарбойжоннинг бир қисми) Астиагни енгиб, ўз юрти Аншанни истибоддан озод этади, ингилган йирик давлатнинг тахтини эгаллайди. Кир мансуб бўлган қабила парсувалар бу давлатда ҳукмрон бўлиб қолади. Кир давлатни кенгайтириш учун шарқ ва жануб сари юриш бошлайди. Кўп ўтмай, эрамыздан олдинги 539 йил 29 октябрь куну Бобилини қўлга киритади. Бобил шоҳи Набонид эса мамлакатдаги энг йирик Эсагила ва Эзида саждагоҳларидаги (олий худо Мардук ва ўғли Набуга қарашли) барча бутларнинг яшириб, қочмоқчи бўлганида қўлга олинади. Кир ўз зафарларидан мамнун бўлиб, тош ёзувда куйдагиларни қайд эттиради. «...Набонид қадимий худоларнинг бутларини (саждагоҳдан) олиб чиқиб ташлади.

У душманлик билан худоларга қилинадиган ҳар кунги қурбонликни бекор қилди. У худолар шоҳи Мардукка сажда қилишни мутлақо унутди. Худолар ўз жойларини тарк этдилар...

...Мардук, улуг ҳукмрон, ўз халқининг ҳомиёни, Курашининг¹ эзгу ишларидан мамнун бўлиб, уни ўз шаҳри Бобилга кириши учун ёрдам берди» («Хрестоматия по истории древнего Востока» Т. 2, М., 1980, стр. 19—20). Бу ёдномда Хурмузд номи тилга олинмаганлиги диққатингизни тортмоқчимиз, ҳолбуки, бу шоҳ Кир II дир. Бу ҳол эрамыздан олдинги 539 йилда ҳам парсуа шоҳлари ҳали «Авесто» худолари билан таниш бўлмаганлар, деган хулосага олиб келади. Улар Бобилга киргач, Мардук ва Набу каби маҳаллий худоларга сиринганларини ёнома ҳам тасдиқлайди. «Мардук, улуг ҳукмрон, ишларимдан мамнун, унга сингувчи менга, шоҳ Кирга, Камбизга, менинг ўғлига ва барча аскарларимга дуо йўллади» (Уша манба, 20-бет). Зотан, биз Камбиз даврида ҳам «Авесто» худолари номини учратмаймиз.

Геродот келтирган бир афсонага кўра, Кир ҳам худди Саргон I (қадимий Аккад шоҳи) ёки Рем-Ромул (Римнинг афсонавий асосчиси) каби ташландиқ гўдак бўлган, уни бир жонивор эмизиб вояга етказган. Бу афсона Кирнинг шоҳлик шахсини тотемистик (ҳайвонлар ҳомиёлиги) система асосида улуғлашга қаратилган. Бу ўринда мазкур фактдан икки хулосага келишимиз мумкин: биринчидан, Кир давридаги парсувалар дунёқарашида кўпхудолик ҳоким бўлган; иккинчидан, ўз-ўзидан маълумки, яккахудоликка асосланган оташпарастлик уларга мутлақо номмаълум бўлган. Бу хулосалар «Авесто» кейинроқ юзага келган, дейишга асос бўлмайди. Зеро, Геродотнинг тасдиқлашича, сақлар маликиси Томирис бош худо Кувш ҳомиёлигида Кирни 529 йилда мағлубиятга учратади. Кувш ва унинг муқаддас парчаси (фарзанди) оловга сириниши аънанаси сақлар орасида кенг тарқалган эди. Бу факт эса, бизни иккинчи тахминини — «Авесто»ни X—IX асрлардан бошлаб шакллана бошлагани ҳақидаги тахминни қувватлашга даъват этади.

Лекин яна бир факт: Кир мағлубиятга учрагандан кейин орадан етти йил ўтгач, тахтга чиққан Дарий I тош ёзувларида Бош худо сифатида Хурмузд улуғлангани маълум.

Хўш, Дарий I ким? Орада ўтган ош фурсат ичиде унинг давлатида нега бу қадр жиддий ўзгаришлар содир бўлди? Тарихий манбаларда, Дарий Iнинг аҳмоний шоҳларидан эканлиги айтилади. Буни, Бехистун ёзувларида Дарий Iнинг ўзи ҳам тасдиқлайди: «Мен — Дарий шоҳлар шоҳи, буюк шоҳ, Форс шоҳи, мамлакат шоҳи, Виштасп ўғли, Аршам невараси, Аҳмоний» («Хрестоматия» 24-бет). Мазкур ёзувда аҳмонийлар шажарасининг йирик вақиллари — Кир I (эрамызгача 645—600 йиллар), Камбиз (эрамыздан олдинги 600—559 йиллар), Кир II (эрамыздан олдинги

558—529 йиллар), Камбиз II (эрамыздан олдинги 529—522 йиллар) тилга олинаётгани йўқ. Ҳолбуки, Бобил ёзувларида ёхуд Кир ёдномларида аждодлар номини ҳурмат билан эслаш аънана бўлган. Масалан, Кир II тожидаги ёзувда Аншаннинг илк шоҳи Чилпиш, Кир I, Камбиз I номлари қайд этилади, улар: «ҳақиқий шоҳ уруғидан» деб таъкидланади. Шундай экан, нега Дарий бу аънанага амал қилмайди? Бехистун ёзувларининг бошқа бир қисмида Дарий I ўз отаси Виштаспни, аждодлари Аршам, Ариарамна, Чилпиш ҳамда шажарабоши Аҳмонни санаб ўтади. Бироқ бу ўринда Дарий I ўзига энг яқин бўлган шоҳлар номини экир этмайди. Лекин у ҳам бошқа аҳмонийлар қатори Чилпиш ва Аҳмонни ўз аждодининг бошловчиси сифатида кўрсатади. Шундай қилиб, тарихий манбаларни ўрганш жараёнида Чилпиш шоҳлиги даврини аниқлаш эришдик. Унинг эрамыздан олдинги 675—645 йилларда парсувалар шаҳри (мамлакат эмас) Аншанда шоҳлик қилганлиги Бобил ёзувларида ҳам эслашиб ўтилади. Лекин Аҳмоннинг шоҳлик даврини аниқлаш имконияти бўлмайди. Аммо Дарий Iнинг Бехистун ёзувларида асосланган, унда (унда Аҳмон — Чилпишнинг отаси деб берилди) у Чилпишдан олдин VIII—VII асрларда Аншанга шоҳлик қилган, дейиш мумкин. Бинобарин, бизнингча, Дарий I оташпараст аҳмоний, Кир I, Кир II ва Камбиз I, Камбиз II билан шажаранинг бошқа-бошқа шоҳларидандир. Тахминимизча, Камбиз II бэфарздан бўлиб, у вафот этгач, тахтга ворис қолмаган. Бу фикрни эрамыздан олдинги 522 йилда форс империясида содир бўлган маг Гаумат исёни тўғрисидаги хабар тасдиқлайди. Геродотнинг кўрсатишича, Дарий I форсларнинг 7 обрўли уруғ оқсоқоли (В. И. Авдиев, 546-бет, айрим манбаларда эса 6 уруғ оқсоқоли деб кўрсатилади) томонидан сайланади. Қизғин шундаки, Дарий I гача шоҳлик мерос қолар эди. Юқоридаги фактлар ҳам Дарий Iнинг отаси Виштаспнинг аҳмонийлар шажарасига боғлиқ бўлмаган, дейишга яна бир асос беради. Дарий I она томонидан аҳмоний уруғига яқин бўлиши мумкин. Шу важдан Виштасп аҳмоний шажарасидан ўрин олмаган. Биз бу фактларни шунинг учун келтирдикки, «Авесто»даги «Гатлар»да оташпарастликнинг юзага келиши ва ёйилиши бевосита Виштасп номи билан ҳам боғлиқдир («Ясна», XII боб; «Хрестоматия», 60-бет). Ҳикоя қилинишича, Зардушт ўз фолсини ёйиш учун Виштасп ҳукмронлигидаги мамлакатга қочиб ўтади ва бу шоҳ ёрдамида максдаги эришади. Агар «Авесто», айрим тадқиқотчилар айтганидек, форс-эрон генезисига эга бўлса, у ҳолда нима учун эрамыздан олдинги VIII асрдан бошлаб аҳмонийлар шажарасида Виштасп номи учрамайди. Бу факт ҳам Виштасп насоби эроний бўлмаган ва у, Е. Кузьмина уқтирганидек, Бактрия шоҳларидан бўлган, деган мулоҳазани исботлайди. Маълумки, Бактрия йирик мамлакат бўлиб, ҳозирги Афғонистондан бошланиб, то Тоғли Бадахшонгача, гарбий-шимолда қадимий Марокандан ҳам ўз ичига ол-

ган. Аму қирғоқларидаги серўт яйловлар шу мамлакатга қарашли бўлган Бактрия Кир II даврида (эрамыздан олдинги 558—529 йиллар) форслар томонидан бўйсундирилган. Бу пайтда Бактриядаги халқлар — сақлар, бактрияликлар яккахудоликка ўтган эдилар. Улар Бош худо Кувш ва унинг фарзанди ҳисобланган оловга топинардилар. Сақлар ва бошқа маҳаллий халқлар отни қувш тисмоли сифатида ардоқлар эдилар. Грек тарихчилари Геродот, Страбон асарларида бундай фактлар кўплаб учрайди. Е. Кузьмина шу фактларга асосланиб, мамлакат пойтахти «Зарисп номи «зар» — олтин, «асп» — отдан олиналганлиги қайд этади. Зеро, «Авесто»даги Митра ҳам (кувш худоси) олтин отида юради. «Авесто»даги олтин ўқлар, нурлар, арава-чалар, олтин ёли ва олтин туёли отлар бактрияликлар тасавуридан мустаҳкам ўрин олган эди. Виштасп шу мамлакат ҳокими эди. Хуллас, оташпарастлик илавлари — Бактрия туپроғига бориб тақалади. Аҳмонийлар Урта Осиёга кириб келар экан, қувшпараст сақларга қарши урушардилар, зеро, Кир II даврида уларнинг бир қисми бўйсундирилганлиги ҳақидаги хабар Суз ёдномларида, Геродот «Тарихи»да мавжуддир. Демак, ўша бир қисм сақлар бактрияликлардир. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Персеполь (Тахти Жамош) саройида, наврўз чоғларидаги байрамларда сақлар ҳам ўз отлари билан қатнашганлар, улар аҳмоний шоҳларга эччиллиги, аргумоқларининг жанговарлиги билан маъқул тушганлар. Бу — сақлар ҳам бўйсундирилган бактрияликлардандир. Виштасп шуларга ҳоким бўлган. Демак, Виштасп қувшпараст сақлардан бўлган, зеро, унинг исмидаги «асп» қушмачиси ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Шу тариқа, Виштасп қувшпараст-оташпарастликни қўллаб-қувватлаганлиги «Авесто»дан ўрин олган бўлиши мумкин.

Дарий ёзувларидаги Виштасп ана шу ҳоким эмасмикин? Юқоридаги фактлар бу фикрнинг тасдиғидек туюлади: Дарийга тахт мерос қолмаган. Геродотнинг «Тарихи», III, 84—88-бетлар) ёзишича, Гаумат исёни бостирилгач, шоҳликка сайлов ўтказилди. Обрўли оқсоқоллар бошчилигида шартлашган қуръага кўра, кимнинг оти тонготарда биринчи бўлиб киришса, от эгаси шоҳ қилиб тайинланади. Дарийнинг оти биринчи бўлиб киришди ва у шоҳ бўлди. Кейинчалик Дарий бу воқеага бағишлаб отга ёдгорлик ўрнатади ва унга қуйидаги ёзувин биттирди: «Дарий, Виштасп ўғли, форс тахтига жанговар оти туйғили эришди» (Е. Кузьмина). Агар Виштаспни ҳақиқатан Дарий Iнинг отаси деб ҳисобласак, бу шохнинг тез орада оташпарастликнинг форслар давлатида асосий дин сифатида қабул қилинишига ҳаракат этганлиги шубҳасиз бўлади. Унда оташпарастликни ёвчи Зардуштнинг, айрим манбаларда айтилганидек, Афғонистон ёки Урта Осиёда яшаганлиги ҳақидаги тахминлар бевосита эмаслиги ойдинлашади. Юқоридеги тақиқоғимиздек, Зардуштга ҳомиёлик қилган Виштасп насоби жхатидан сақ бўлиб, Бактрияда ҳоким бўлган. Иккинчидан, Е. Кузьми-

**Камфиёт,
тадқиқот,
ахборот**

¹ Кураш — Кирнинг форсий манбалардаги номи.

ТИШГА ТЕГАДИ

Луқма

Ушнинг кўрсатишича, Бақтрия шаҳри исми олдда «Кави» атамаси қўлланган (шажара нисби сифатида). Дарҳақиқат, бу сўз «Авесто» терминлари орасида учрайди. Мазкур китобда бу атама қабилалар иттифоқининг сарвари ва шаманига мансуб унвон маъносига ишлатилган. Шунга кўра, Кави Виштасп номи «Авесто»га янада яқинлашади. Учинчидан, Зардушт исми грек манбаларида «Зароастр» деб берилганлигини эътиборга олсак, ундаги «зар» қўшимчаси сак-бактрлар тилига мансуб олтинга боғланмайдими? Шунингдек, Зардуштни «...Спитама уруғидан бўлган По(у)рушасп ўғли...» («Хрестоматия», 238-бет) эканлиги, отасининг номи тўла сак-бактр тилига бўйсунishi уни Аму қирғоқларида яшаган уруғларга мансублигини тасдиқламайдими?

«Авесто»да ҳикоя қилинишича, Каршипта деган куш омонда ҳам, ерда ҳам, сувда ҳам яшай олади. У уч қават дунёни (бошқа қисмида: дунё етти қават тузилган, дейлади) боғлаб туради. Бу куш гўёки осмон худолари иродасини ерга етказувчи бўлган. Худай шу Каршипта Зардушта Хурмузданинг илоҳий вясятларини (ёки қондаларини) етказган... Кўриниб турибдики, бу ерда гап осмон худолари ҳақида кетаяпти. Хурмузд «Авестонинг қадимий бўлакларида умуман осмон худоси тисмолидир. Мазкур парча ҳам «Авестонинг энг қадимий қисмидан бўлиб, қўшпарастлиқнинг бошланғичидан дарак беради. Тарихий фактлар сакларда осмон ва Кувш худоси асосий ўрин тутганини кўрсатади. Олов улар учун иккинчи ўринда бўлиб, фақат қувш фарзанди сифатида улуғланган. Бинобарин, «Авестонинг қадимий қисмларида, [Кичик Авесто]да» оташдан кўра, асосан осмон ва қувш эътиқод марказига чиқарилганлиги, Митра [қувш худосининг] бекисъ таърифи китобнинг қувшпарастлар ўртасида юзага келганлигини эътироф этишга олиб келади. «Кичик Авестонинг» кейинги қисмларида, хусусан, «Видеадатга» қувш иккинчи планга ўтиб, оташ асосий ўринга кўтарилади. Оташ уйлари (масжидлари) юзага келади. Бу, динни мустақамлаш йўлидаги интилишлар натижасидир.

Лекин, «Авесто», албатта, Кави Виштасп ва Зардушт даврида юзага келган, деган фикрдан йироқмиз. Зеро, бунини фольклор асарларининг пайдо бўлиш тарихи рад этади. Гап, «Авестонинг» қатидига қўлдан-қўл мифларнинг қайси халқларга тегишли эканлиги тўғрисида кетаётми. Зардушт ва Виштасп сак халқларига боғланса, демак, «Авестонинг» шакллантиришда улар шу халқлар оғзаки ижодига асосланганлари табиийдир. «Авесто», асосан «Кичик Авесто» энг қадимий қисм сифатида, ундаги образлар (Митра, Арта) системаси билан ҳам саклар оғзаки ижодига яқиндир. Назаримизда, Дарийнинг отаси, Бақтрия сатрапи Кави Виштасп замонда (тахминан эраимиздан олдинги 548—529 йиллар) сак уруғига мансуб, Поурушасп ўғли Зароастр томонидан «Авестонинг» дастлабки қисмлари [асосан, «Кичик Авесто», «Гатлар» кирган 72 боблик «Ясна» қисми] маълум системаларга туша бошлаган. Уша давр аъёнасига кўра, мамлакат шох ҳам худолар қаторига қўйилган ва шу тарихда Виштасп номи «Авесто»га кириб қолган. Аъёнавий мифларнинг биллағони ва зўр кучисига бўлган Зардушт эса Виштасп ҳомилийида уларни маълум тартиб асосида оммалаштирган бўлиши мумкин. Бинобарин, «Авесто»даги Виштасп ва Зардушт муносабатини бундан бошқача изоҳлаш ҳақиқатга тўғри келмайдми. Айрим манбаларда Зардуштни афсонавий шахс деб айтадиларки, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Зеро, кўпгина олимлар Зардуштни тарихий шахс сифатида талқин қилдилар. Айтиш керакики, исми, отасининг исми, мансуб уруғ, тахминий, тўғрироғи, умумий таразда бўлса ҳам туғилган

шохнинг кўрсатишичи, унга ҳомилийи қилинган шохнинг (ҳожининг) тарихда маълумлиги шундай дейишга асос беради. Лекин, у пайғамбар бўлмаган, балки, ҳозирги бахшлар аждодининг энг машҳури ва истеъдодлиси бўлган, холос.

Энди яна бир-икки оғиз Виштасп хусусида. Ҳўп, Виштасп саклар орасида машҳур оташпараст шох экан, у ҳақда оғзаки ижода ҳеч из қолмаганмикин! Шу савол билан биз кўплаб адабиётларни кўриб чиқдик. Этнограф Г. П. Снесаревнинг Хоразм ўзбекларининг исломгача бўлган эътиқод ва маросимларига бағишланган китобида келтирилган бир афсона эътиборимизни тортди: унда ҳикоя қилинишича, Гаштасп исми бир отбоқар Жамшид меросхўрларининг бири томонидан вазир қилиб олинди. Сарой ақинидаги азим дароҳт тасанидаги тешик-ғорга хизматкорларидан бирига яширчига бунориб, ўт ёқтиради ва одамларни оташхудо номидан осишга амр этади. Шу тариқа, Гаштасп душманларини енгиб, ҳоким бўлади ва оташпарастликка асос солади, дейлади. Афсона Кўҳна Урганчдан эзиб олинган. Ҳўп, бу афсонанинг Виштаспга алоқаси бормикан? Зотан, исмларда айнанлик бор. Масалан, Дарий ёзувларида Виштасп номи Гистасп деб берилади. Гистасп билан Гаштасп бир шахс бўлмаганмикин! Шох Гаштаспнинг номи оташпарастликка боғланган ва демак, «Авесто»га янада яқинлашади. Ҳеч шубҳасиз, Гаштасп афсонасининг Хоразмда юзага келганлиги унда зикр этилган шохни Аму бўйларига ҳукм сурган тарихий Виштасп билан қондош дейишга асос беради. Гаштасп афсонаси, «Авесто»дан қай тарафда ўрин олганлигини қидлашга асос йўқ, чунки мавжуд таржималарда Виштасп ва Зардушт муносабати акс этмаган, бунинг аъёнанинг тўла таржимасига эга бўлган ҳолдагина аниқлаш мумкин. «Авесто»да Виштасп Зардуштнинг ҳомиийи сифатида намоён бўлади. Бунда эса оташпарастлик асосис сифатида кўрсатилади. Балки мазкур афсона «Авесто» мифига қариндош вариантдир ёки кейинча юзага келган китобий вариантдир. Аммо, ундаги айрим жиҳатлар [ўт-худонини қабул қилдириш тарзи бошқа халқларнинг шу туркум мифларига ўхшайди] изоҳловчи мифлар сирасига мансуб ва мустақил эканлигини тасдиқлайди. Хуллас, мазкур афсонага асосланиб айтиш мумкинки, Виштасп фақат «Авесто»дагина эмас, саклар оғзаки ижодида ҳам оташпарастликни юзага келтирган шох сифатида талқин қилинган.

Умуман олганда, мақоламизда келтирилган барча фактлар «Авестонинг» юзага келишида сак халқлари оғзаки ижоди, хусусан, мифлар муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатади. Бинобарин, кейинги вақтларда оммалашган тарихий манбаларга суняган ҳолда, шарҳсунослардан К. В. Тревернинг, тарихчи С. П. Толстовнинг «Авесто» ватани Урта Осмё, Хоразм деган тахминларида ҳаётий ҳақиқат мавжуд, деб бемелол айта оламиз. «Авестонинг» сонсийлар даврида таъхир қилинганлиги ҳақиқиди мулоҳазаларга келсак, бу ҳам ўринлидир. Аммо, бу таъхирда китобга кўп-лаб форсий халқлар ижодига таалуқли элементлар ҳам кириб қолган бўлиши мумкин. Хусусан, «Видеадатга» (Девларга қарши китоби) кўп ўринлар фикримизни тасдиқлайди. «Авесто» сўниги таъхирда қатъа ҳажмли бўлган. Айрим манбаларга қараганда, у 21 китобдан иборат бўлган. Зеро, шунча катта обидадан бошқа хелқлар (хусусан, бир йирик давлатга яшаган) ижоди ўрин олган бўлиши лозим. Хуллас, оташпарастлик ва қувш ҳомилийи асослари баён қилинган қисмлар сак халқлари маданий меросидир, деб айтиш мумкин.

Ғулом АКРАМОВ,

филология фанлари кандидати

Саккиз яшар Бахтиёрнинг туғилган кунин эди. Отаси олинанинг хурсандчилиги кунин учун магазиндан турли чил конфетлар харид қилиб келтирди. Уй бекаси Нафисахон дастурхонини безашга тушди. Ширинликларни энди дастурхонга торта бошлаган ҳам эдики, Бахтиёр билан унинг ўртоғи Даврон конфет ва керамелларга бирма-бир кўз югуртириб, ундаги ёзувларни тутилиб-тутилиб ўқий бошлади:

— Маска, Кис-кис...
— Э-э, маска...— дея ҳайратланиб онасига қаради Бахтиёр.
— Зубро-ник...— дея ўзича ҳайратланидан Даврон аазаддаги конфетлардан бирини кўлга оларкан.
— Хруст... Хруст-лшче-е...— дея қижжалаб ўқийда давом этди Бахтиёр.

Ширинликларнинг номларини ўқиймай боғларининг қайнаётганини кўрган Нафисахон ҳам таажубланганча конфет, ирис ва керамелларнинг этикеткаларига рази солди. Антракт, Маска, Усатий-полосатий, Светлячок... У ўқидан қарчади. Охида диванга чўккалаб бир зум ҳаёлга толди. Кундан-кунга янаб, фан ва маданияти туркираб гуллаётган республикамизнинг маънавий камолотига монанд тушадики, озиқ-овқат саноатимиз марказини олмага кўз-кўз қилаётган, диёримиз камолотининг рамзи бўладиган чиройли номлар наҳотки топилмасал! Шоир адибларимизнинг яшаган республикамизни қиёфасини турфа гулларга ўхшатилари, тупроғи зар қушли Ўзбекистон, яшаган гулистон, деб таъриф-таъсиф қилишлари бежиз эмаску! Диёримизда минг хил рангдор гуллар, ширин-шар мевалар ўсаяди. Атиргул, рангогул, бинарша, райхон, сафсаргул, сара... Эҳ-ҳе, яхши номларнинг чеки йўқ.

Нафисахон чидаб туролмади. Ширинликлардан бир ховучини олиб Бориб, ундаги ёзувларни қўшни хонада газета ўқиб ўтирган турмуш ўртоғи Пулатжонга кўрсатди. Пулатжон ҳам ширинлик этикеткаларидаги номларни ўқиб ҳайрон қолди. Бунинг устига шу ширинликларни ишлаб чиқарувчан корхоналарнинг номлари ҳам этикетларда турлича ёзилганди: «Янгиюльское кондитеро-дрожжевое объединение», «Производственное кондитерское объединение «Лаззат» г. Янгиюль».

— Ахир, ширинликларнинг чалакам-чатти номланишининг энг таажубли томони — тилин бузади,— деди Пулатжон ўринида қаддин роллардан.— Қайси кун озиқ-овқат маъданига кирганимда бу атамлар жуда эрчи шитилди. Харидорлардан бири «Карамель коньячявданники қилорам!» тортинг, деса, иккинчиси, «Маскадан» бир кило, «Усатий-полосатийдан» бир ярм кило бўлсин,— дейди. Уша толда еяётган ошимдан кўрмас қичиб тишимга урилгандек хис этдим ўзимни. Ахир, тилга эътибор — элга эътибор, дейдилар.

— Яхшики, шу ширинликларнинг этикеткаларини йиғиб, бирор редакцияга юборсак,— деди Нафисахон эрига маслаҳат солиб.— Редакция лозим топса, бундай ҳарганда кичик, лекин муҳим масалани жамоатчиликка ҳавола қилар.

...Пулатжоннинг редакцияга юллаган хати ва ундаги этикеткалар бизни йўлга қорлади. Янгиюль шаҳридаги «Лаззат» ширинликлар ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдик. Мазкур масала хусусида корхонанинг катта технологи Людмила Ивановна Богатирева ҳамда этикеткалар тайёрловчи литография цехининг бошлиғи Элмира Юнусова билан суҳбатлашдик. Улар ширинликларни номлашга етарли эътибор берилмаётганини, ҳатто «Дилорам», «Феруза» деб аталадиган конфетлар энди ишлаб чиқарилмаётганини, Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати министрлиги қошдаги Бадий совет аъзоларининг бу масалга ижодий ёндашмаётганликлари таъсусф билан эътироф этилди. Биз шундан сўнг Тошкент шаҳридаги «Уртоқ» ширинликлар фабрикасига йўл олдик. Бу жойда таажубли бир ҳолга дуч келдик. Фабрика дарвозасидан директор қабулхонасига телефон қилиб ичкарига киришга рухсат сўрадик. Қабулхона секретари Валентина Васильевна Чувашева (биз исми-шарифларни атагани тўлиқ ёзганмиз) «Шошмай туринг», дея ичкарига кириб чиқди-да, кейин лўнда қилиб жавоб қилди:

— Мирзёбед Ортиқович Қаримжонов мажлисалар...
— Бош инженер-чи?
— Васлий Прокофьевич ҳам қарғадир мажлисга кетганлар...

Журналист халқи синчков бўлади. Бир қорувхона бошлигининг рухсати билан учинчи қаватга кўтарилидик. Фабрика бош технологи Эльвара Бобоевани топиб, у билан бизни қизиқтирган масала хусусида гапашдик.

— Ширинликларнинг номларини,— деди у бир нуқтага тикилиб,— ҳар бир корхона технологлари тегишли лабораторияларнинг ходимлари билан бамаслаҳат, министрлик қошдаги Бадий советга тавсия этишлари лозим. Бадий совет эса уни СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ҳузуридаги Рецетуралар деустацияси советига тақдим этадилар... Совет эса бизнинг лойҳамизни тасдиқлайди.

Биз бош технолог билан ҳайрлашиб, журтга директорнинг қабулхонасига рўпара бўлдик. М. О. Қаримжонов ҳам, Бош инженер В. П. Толстов ҳам ўз кабинетиде бамайлихотир ўтиришган экан.

— Ҳалигина бу ўртоқларни мажлисда дедингиз-ку?— деб сўради Валентина Чувашевадан.

— Раҳбарларнинг одамлар билан гапашини унчалик хуш кўрмайдилар,— деди Валентина Васильевна ўзини бир оз ноқулай сезиб.

Тажжуби...
Одатда, бирор нарсанинг (масалан, кўчанинг) расмий номланиши бир томондан расмий, иккинчи томондан раъвий маънога эга бўлади. Кўпга манзур тушадиган атама ном, ибора топиш учун эса ижод қилиш, ўйлаш лозим. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги қошдаги кенгашининг Бадий совет деб аталашининг боиси ҳам шун.

Истаганимиз битта: ширинликларимизнинг номлари ҳам ширин бўлсин, ақл ишлатиб ном қўяйлик.

Шоирлар СИДДИҚОВ

«ҚУЁШ МЕҲРИГА ПАЙВАНД»



ФАЙРАТИЙ

ҚУЁШ МЕҲРИ

Инқилоб Ватанисан қуёш меҳрига пайванд,
Қуёшдай боқиб сўзлар бугун минбардан Ленин.
Уфқлар оша учар парвози юксак, баланд,
Сўзини жаҳон тингла, тинглайди рўйи замин.

Инқилоб ижодкори доно, улуғ, партия,
Кашф этдинг янги даврон, бошлаб янги асрга.
Халқлар бахти қуёшдай пойидор бўлсин дея,
Асос солдинг Коммуна деган қутлуғ қасрга.

Сен замоннинг идрокчи, ақли, оташ нафаси
Бўлдинг бўронли йиллар мазлумларга халоскор.
Авроранинг ларзадору шиддатли наъраси
Сенинг қудратинг демак, инқилоб топди қарор!

Сен бахш этган шуълалар кучоғида йўрилдик,
Яратдик жаҳон ичра фарахбахш янги жаҳон.
Етмиш ёшда ҳам ҳатто биз қайтадан туғилдик,
Фоллиб бўлди ҳақиқат ва адолат ҳукмрон.

Нур қидирганлар йўлини ёритдинг, бердинг зиб,
Кўрсатдинг бахт йўлини, меҳнаткаш қикди тўрга.
Эй, партия, ҳамиша ўзинг бўлдинг раҳнамо,
Бу ҳаёт қўшиқ каби боқий қолур умрга.



Узининг шеър ва ҳикоялари, қисса ва поэмалари билан ўзбек совет адабиётининг бойитган устодлардан бири шоир Файратий эди. У Ҳамза изидан ўзбек совет инқилобий шеърятига кириб келган авлод вакили эди. Шоир Файратий ўз ижодининг дастлабки саҳифалариданоқ янги замонни ёқлади, Улуғ Октябрь социалистик революциясини бадий тараннум қилди, янги жамият кураётган ишчи-деҳқон образини яратиш йўлида ҳормай-толмай изланди, 20-йилларда ўзбек адабиётида гоъвий мухолифларга қарши курашнинг пешқадамларидан бири сифатда майдонга чиқди. Бутуниттифоқ совет ёзувчиларининг I съездида ўзбек адиблари делегацияси составида қатнашди. Шоирнинг 20—30-йилларда яратган шеърларининг лирик қаҳрамони социализм ишига содиқ, янги ҳаёт қуришда фаол иштирок этаётган совет кишисидир.

Файратийнинг «Эрк товуши» [1927], «Яшаш тароналари» [1928], «Темп» [1932], «Олов танлар» [1932], «Қора юраклар» [1933], «Танланган асарлар» [1934], «Севги» [1939], «Олтин ёшлик» [1940] каби тўпламлари бу жанговар шоирнинг ижоди йилдан йилга камол топиб борганлигини кўрсатади. Файратий худди шу йилларда «Онамга хат» [1933] ва «Жинаста» [1935] поэмаларининг, «Дорго» [1938] балладасининг автори сифатида ҳам шухрат қозонди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Файратий «Шафқат ҳамшираси», «Юрак алангаси», «Қуилар келар» каби асарларини ёзди ва совет ватанпарварлиги мавзунинг бадий ишланишига ҳисса қўшди.

Файратий мамлакатимизда социализм қуриш тарихининг ҳамма босқичларида партия ва халқ билан бирга бўлди, совет кишиларининг ажойиб фазилатларини тараннум этди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистон ССР халқ шоири деган юксак унвонга ноил бўлди. Табиийки, барҳаёт шоирининг асарлари такрор-такрор нашр этилмоқда. Кейинги йилларда эълон қилинган икки жиллик асарлар тўплами, «Қуёш меҳри» [1980] шеърини китоби шулар жумласидандир.

Файратий ўзбек адабиётининг келажаги тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилган устодлардан бири эди. У узоқ йиллар давомида адабиёт тўғрисида раҳбарлик қилди. «Файратий тўғрисида»дан чиққан жуда кўп истеъдодли шоир ва адиблар эндиликда ўзбек адабиётининг муносиб вакиллари сифатида иззат-ҳурмат соҳибидирлар.

Халқимиз Коммунистик партиянинг, янги ҳаётнинг курашчиси ва куйчиси бўлган қалам соҳиб Файратийни асло унутмайди.

ФАСЛАР

Эй, мени бағрига тортган фаслар,
Ҳар доим ҳамроҳим, дилимга яқин.
Қуилар қарвонини бошловчи йиллар,
Йўлларим ёритдинг нур бўлиб ёлқин.

Келасан хислатга тўлиб ва тошиб,
Чиройинг ҳисларим олиб қочади.
Хўлқар жилвасига кулгим улашиб
Кетгандай, бошимдан шуъла сочади.

Баҳор бўлиб келиб, ҳолимга қўймай
Оху масканига кетасан бошлаб.
Қўлимга тутқазиб, битта ёниқ най,
Қуйла деб қалбимга лаҳча ўт ташлаб.


Қоламан гулшанда қўшиқ басталаб,
Ғазалхон қушларга бўлиб жўр овоз,
Тонг шафақ лоласини ўқиб саҳарлаб,
Қўлимдан қўймадим жўшқин олтин соз.

Ез бўлиб келасан, оташ кучоғинг
Чорлайди феруза хибронларга
Шиша кўл, ирмоқдан билиб сўроғинг,
Истайман, чопаман ва бўстонларга.

Қуёшни етаклаб ҳаёт йўлига,
Нурига ғарқ бўлиб айни саратон.
Ҳаловат билмаган инсон қўлига,
Меҳнатда бахт қуши қўнадир, инсон.

Тоғларга чиқаман, қоялар — поя,
Шалоло сочади биллур учқунлар.
Арчалар солади бошимга соя,
Ардоқлар бағрида сафоли кунлар.

Куз бўлиб келасан, олтин куз бўлиб,
Бунчалар гўзалсан, бебаҳо фасл.
Меҳнат самараси — неъматга тўлиб,
Саховат бойлигинг бизга муттасил.



Бахтиёр умримнинг ҳуснини кўз-кўз
Қиласан бепойи кумуш водийда.
Эй, меннинг гурурим, фаҳрим, олтин куз,
Яшайман беҳисоб хирмон ёнида.

Зилот сув ўрнида оққан каби бол.
Анқийди боғлардан шарбатнинг ис.
Тиланг навбахор, бағр ёзган ниҳол,
Эй, кузининг ҳаётбахш, ширин нафаси.

Зангори осмонда мезон учади,
Хавлим чулғайди, бир зум толаман.
Жанубга боғлардан қушлар кўчади,
Юрагим увишиб қараб қоламан,
Қуйла деб қалбимга лаҳча ўт ташлаб.

Қуёшга ардоқли, майин фаслсан,
Ухлатар авайлаб кўрпаси кумуш.
Фасллар ичиди тоза, аслсан,
Бойлиқнинг гарови, эй, бебаҳо қиш.

Фасллар олади сендан андоза,
Сен улар жонисан, чирой, кўркисан,
Қорқизнинг ҳуснини қилдинг овоза,
Улкам тоғларнинг садаф бўркисан.

Гўё нур қўйнига киргандай дунё,
Ҳар нарса кўрнар яшериб, порлаб.
Қорларнинг тагидан кўзимга гўё
Боққандай бўлади кўклам шивирлаб.

КЎНГИЛ ЧАРОҒБОНЛАРИ

САЛОМАТЛИК-
ТУМАН БОЙЛИК

Ташкентдаги 14-болалар касалхонаси шаҳардан ташқари пойтахт об-ласть районларидан келган беморларга ҳам хизмат кўрсатади. Ҳатто бу шифохонани республика миқёсида яхши биладилар, унинг шифокорлари ҳамда тиббий ходимларини ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки бу ерга республикамизнинг турли бурчакларидан шифо истаб келган болалар ва уларнинг ота-оналари ўз уйларига кўнгиллари чароғон бўлиб юзларига табассум қўниб қайтадилар.

Мазкур шифохонанинг халқ назарига тушиб, эътибор қозонаётгани бу ерда сидқидилдан меҳнат қилаётган даволовчи докторлар, хирурглар ва бошқа тиббий ходимлар тўғрисида. Дарҳақиқат, масканда болалар соғлиги учун курашишни ўзларининг муқаддас бурчи деб билган врачлар, тажрибали мутахассислар ишлайдилар. Бу ажойиб шифокорлар коллективига республикада хизмат кўрсатган врач Муқаррама Ёқубовна Акбарова ўн олти йилдан буён бошчилик қилиб келаётир.

14-шаҳар болалар касалхонасининг беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш шароити ва имконияти анчагина кенг. Шифохона бир йўла 320 беморни қабул қилиш ва уларни даволаш қувватига эга. Касалхонанинг етти та бўлими бор. Бу бўлимлардан ташқари яна физиотерапия, клиника ва биохимия лабораторияси (кечаю кундуз ишлайди), аптека, патологоанатомик хизмат, иккита рентгенологик хона, тиш тиббиёти ва бошқа шунга ўхшаш зарур ёрдамчи кабиңетлар мавжуд. Ҳар бир бўлим иссиқ ва совуқ сув билан, марказлашган кислород билан таъминланган, керакли тиббий аппаратуралар билан жиҳозланган. Шифохонадаги мавжуд ИВЛ, РО—5, электроэнцефалограф, электрокардиограф, электрокардиостимулятор, биокомпан-доскоп, Вальдман системаси, Микро-Астун ҳамда замонавий наркоз аппаратуралари ҳамisha беморлар хизматига ҳозир унозир. Реанимацион (оғир аҳволда олиб келинган беморлар ётадиган) бўлимда эса экспресс-лаборатория бўлиб, кечаю кундуз тинимсиз ишлаб туради. Бу бўлимнинг ҳар бир хонасига марказлашган кислород ўтказилган ва барча хонага бактерицид лампалар ўрнатилган. Шунингдек, шифохонанинг ҳар бир бўлимида беморларнинг дам олиши ва ўйнаши учун, телекўрсатуларни томоша қилиш учун махсус хоналар ажратиб қўйилган. Шифохонада ҳаммаси бўлиб 421 киши ишлайди. Шу жумладан, 45 та врач, 204 та ўрта тиббий ходим, 117 та кичик тиббий ходим беморларга хизмат кўрсатади. Утган йили 23 врач аттестациядан ўтди: 5 врач олий даражали, 18 врач биринчи да-

ражали касб эгаси бўлди. Даволовчи шифокорлар беморларнинг тезроқ тuzалиб, дарддан халос бўлишлари учун ўзларининг бутун куч ва билмаларини аямайдилар. Айниқса, I хирургия бўлими мудир, биринчи даражали врач Исҳоқ Эшназаров, шу бўлимнинг катта ординатори Нодира Қозоқбоева, ординаторлардан Лев Исакович Зватъевич ва Анжела Аветисовна Камалян сингари шифокорларнинг хизматлари таҳсинга сазовор. Эшназаров ва Қозоқбоевалар жуда катта, бой тажрибага эга шифокорлардандирлар. Уларнинг иш стажии 15 йилдан ошади. Улар ўз тажриба ва маҳоратларини ҳамisha касбдошлари билан баҳам кўрадилар.

Шифохонада социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Бўлим билан бўлим ўртасида, ҳар бир бўлимнинг ўзида врачлараро мусобақалар ташкил этилган. Утган йилги мусобақада шифохона бўйича терапия бўлими коллектив ғолибликни қўлга киритди. 14-шаҳар болалар шифохонасининг ўзи эса 5-шаҳар болалар

шифохонаси коллективи билан мусобақадош.

Биз шифохонада олиб берилаётган ишлар, болаларда учрайдиган касалликлар ва уни даволаш хусусида сўраганимизда, шифохонанинг бош врач Муқаррама Акбарова шундай деб жавоб берди:

— Албатта, биз шифокорлар касаллик кам бўлиши тарафдоримиз. Болаларимизнинг дард ва ғуборлардан холи бўлиб, ҳамisha чопқиллаб юришини истаимиз. Лекин иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деганларидек шифохонамиздаги ўринлар ҳамisha банд. Пойтахтимизнинг аҳолиси тез ўсиб бораётгани ва туғилишнинг кўплигини ҳисобга олсак, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Ҳатто баъзан белгиланганидан кўра кўпроқ бемор қабул қилишга ва ётқишига мажбурмиз. Ахир оғир аҳволда келган касал болани, жойимиз йўқ, деб қайтаролмаймиз-да. Маълумки, болалар шўх бўладилар, ота-оналарнинг ҳай-ҳайлашига қарамасдан ўзларини ўтга ҳам, сувга ҳам уравердилар, ифлос нарсалар-

га қўлларини тиқавердилар, юқули касал билан оғриган болаларни қўлидаги нарсаларни тортиб олиб ейдилар. Натижанда, болаларни ўзи ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам ташвиш тортадилар, биз шифокорлар ҳам безовта бўламиз. Шунинг учун иложии борича болаларни тегаб туриш керак. Албатта, бемор болаларни иложии борича тuzалиб кетиши учун бутун чора ва тадбирларни қўллаш ва курашиш биз шифокорларнинг бурчимиз. Муқаррама Акбарованинг ў ҳам бой тажрибага эга, ташкилот-врачлардан. У мазкур шифохонада илгари 15-шаҳар болалар касалхонасида 19 йил хизмат қилиб, у ерда ҳам бош врач сифатида жуда кўп ташкилотчилик ишларини амал оширган. Мана шундай ташкилотчилик ҳамда катта тажрибага эга бўлганлиги тўғрисида 14-шаҳар болалар шифохонаси ҳам эндиликда бош шўх шифохоналарга кўз-кўз қилиб кўрсатса бўладиган обрўли тиббий масканга айланди.

Э. МУҲАМЕДС



14-шаҳар болалар шифохонаси бош врач Муқаррама Акбарова реанимацион бўлим тиббий ходимлари билан беморни текширувдан ўтказаяптир.

Н. Шарипов фотос

«КҮЁШ»
ТЕЛЕФОН

ЧАҚАЛОҚНИ
ОВУТИШ

Қувват билан таъминлаш учун устига кўёш элементлари бириктирилган биринчи телефон кабиналари Франциядаги Труа ҳамда Шампани шаҳарларида пайдо бўлди. Вақти келиб Франциянинг бутун автомобиль йўлларида ана шундай телефонлар ўрнатилди.

Баъзан йиғлаган болани овутиш гоят қийинлигини ҳар бир ота-она ўз тажрибасидан яхши билади. Хоринжий баъзи врачларнинг фикрича, бунинг жуда осонгина бажариш мумкин — чақалоққа ўз йиғисини эшитирса, бас, гўдак дарҳол йиғидан тўхтайдими. Мутахассислар болаларнинг бир-бирига ҳиссий таъсир эти-

шига бағишланган тадқиқотлар даврида шундай хулосага келди. Врачлар бир неча чақалоқнинг даслабки йиғиларини магнитофон ленталарига ёзиб олиб, гўдакларга ёзувни қўйиб эшиттирдилар. Лен қўйилиши билан болалар йиғлаш тушдилар, бироқ ўз йиғиларини эшитган захотиёқ дарҳол йиғидан тўхтадилар. Ҳатто ёруғ дунёга келганига бир кун бўлмаган митти чақалоқлар ҳам ўнлаб бошқа овозлекиндан ўз йиғисини осонгина ажратиб олдилар, шу лаҳзадаёқ овутидилар.



Чақир- шиканак



«САРИК СИГИР»

Телеминиатюралар театри — «Гулистон» меҳмони

Яқинда Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлик» студияси редакциясига бир киши келиб, Эргаш Каримовни сўради. Унинг бандлигини айтди.

— Хусан Шариповни топиб беринг бўлмаса,— деди у.

— Эргаш билан Хусан машқ қилайтир. Миниатюралар театрининг бошқа иштирокчилари ҳам улар билан бирга,— деди.

— Миниатюра театрининг директори ни кўрсам бўладими, ундай бўлса!— дея жиддий қиёфада сўради келган киши.

— Балки сизга миниатюралар редактори керакдир?

— Директор билан редакторнинг фарқига борамиз. Умуман, менга миниатюра театри биносини кўрсатиб юборинг, керак одамларни ўзим топиб оламан...

Бундай савол-жавоблар редакциямизда тез-тез бўлиб туради. Тўғрида, ўз номи билан театр бўлгач, унинг биноси, очилиб-ёпиладиган сценаси, директори ва ҳоказолари бўлиши керак-да!

Лекин бу, ҳурматли дўстлар, телевизион театр. Бошқа театрлардан унинг фарқи ҳам шунда. Миниатюралар театрининг биноси ва сценаси бу — барча кўрсатувлар учун баробар бўлган студия, репетиция хоналари, сценга пардаси — телеэкран, томоша зали — миллионлаб томошабинларнинг хонадонлари. Кўрсатув режиссёри билан редакторни театрининг директори десак ҳам бўлаверадими...

Мана шу ўзига хос театр йигирма йилдан буён халқ хизматида. Бу — ўзбек телевидениесининг ижоди, муваффақияти. У телеатеатр ҳолига келгунга қадар анчагина мураккаб йўлни босиб ўтди. Кўрсатув ижодкорлари ва ижрочиларининг из-

ланишлари, халқимизнинг ҳажв меросини атрофлича ўрганишлари, машҳур қизиқчилар, севимли комик артистларимиздан сабоқ олишлари тўғрисида миниатюралар театри «зангори экран»нинг жозибали, томошабинларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиш кучига эга бўлган, ўзига хос телеатеатр сифатида кўрсатув программасидан муносиб ўрин эгаллади.

Телеминиатюраларнинг битта кўрсатуви қирқ минут давом этади. Унда турли мавзуларда 6—7 мустақил асар — миниатюра бўлади. Рассом унинг ҳар бирига мослаб расм — шартли декорация ишлайди. Овоз режиссёри миниатюра мазмунига мослаб музика таялади. Ижрочи актёрлар эса бир-бирига ўхшамайдиган образлар яратадилар. Бу меҳнат талаб, мураккаб иш, у ҳар бир актёрдан маҳорат талаб этади. Албатта, миниатюра сценарийсига кўп нарса боғлиқ. Қозонда бўлса, чўмичга чиқади, дейишади. Миниатюра автори ва уни ижро этувчи актёр маҳорати бир-бири билан уйғунлашиб кетса, ана шундагина томошабин қалбига бориб етадиган, уни беихтиёр қулдирадиган асар — телеминиатюра пайдо бўлади. Бу эса «Ёшлик» редакцияси олдига телеминиатюраларни гоъвий-бадий жиҳатдан янада бойитиш, унинг тематик доирасини кенгайтириш, бадий ва ижрочилик савиясини ошириш, авторлар доирасини кенгайтириш каби муҳим вазифаларни қўяди.

Халқимиз кулгини севади. Телеминиатюралар театрининг кўрсатувлари томошабинларни қанчалик қулдиради, уларга қанчалик завқ бағишласа, биз ўз ичимиздан шунчалик мамнун бўламиз.

Э. МУСАЕВ,
«Ёшлик» студиясининг бош редактори

Совчилар — Замира билан Хадича қиз кўршига келишган. Стол устида ноз-неъматлар. Қизининг онаси — Холиниса чой кўтариб киради.

Замира. Утиринг, икки оғиз гаплашайлик. Сизни жуда уринтириб қўйдик.

Холиниса. Вой уриниши бор эканми? Олинглар, еб-ичиб ўтиринглар. Садағаси кетай, нонларнинг ҳам суви қочиб қолган экан.

Замира. Биз сизни синагани келганимиз йўқ, айланай. Отингизни ҳам билмаймиш, қуда десак бўлаверармикин, эгачи?

[Шеригига қарайди.]

Хадича. Бемалол айтаверинг, қизларини сиздан ортиққа берармидилар.

Холиниса. Ҳа, айтаверинг, қудачилликка етказсин. Холиниса десангиз ҳам майли.

Замира. Узимга ўхшаган очқиқина экансиз...

Хадича. Ухшатмайин учратмас дейдилар-ку, айланай Замирахон.

Холиниса. Олинглар, чой ичинглар.

[Чой қуйиб узатади.]

Хадича. Биз «Чаманзор» маҳалласиданмиз, Холинисахон. Уғил-қизлар вояга етaversа, ота-она питирлаб қолар экан, айланай. Замирахоннинг ўғилларидан элчиликка келдик!

Холиниса. Хуш келибсизлар.

Хадича. Хушвақт бўлинг. Яхши одамлар тупканинг тағида бўлса ҳам, дарагини эшитар экансан одам. Замирахон тунов кунни қизингизни троллейбусда учратиб суки кириб қолибди. Уғиллари Сухсуржонга ҳам маъқул бўлибди.

Замира. Уғил-қиз ўсгандан кейин шу экан, айланай қудажон. Одамнинг кўзи олма кесак териб қолар экан.

Холиниса. Ҳа, ўғил-қизларнинг борига шукур. «Чаманзор» маҳалласининг қаеридансизлар?

Замира. Шундай ўзиде, катта кўчанинг бошидаги уй бизники бўлади.

Хадича. Замирахонни бутун Тошкент музофоти танийди, ўргилай Холиниса. «Чаманзор» маҳалласидеги энг обрўли хонадон қудангизники, қоқиндик. Иморатларни ҳам жуда дангиллатиб қурганлар, айланай. Бир эмас, иккита участкалари бор.

Холиниса. Уғил-қизлардан неча?

Замира. Икки ўғил, бир қизимиз бор. Катта ўғлимни уйли-жойли қилганман. Қизимни узатганман. Эндиги орзум — шу: кенжакойим Сухсуржонни уйлантириш.

Хадича. Қизингиз бахти бекам бўлади, айланай Холинисахон. Замирахон келинимга деб ҳамма нарсани олиб қўйганлар. Қўш-қўш тилла биллакузук дейсизми, дур-марварид дейсизми — ҳаммасини муҳайё қилиб қўйганлар. Сухсуржоннинг бир эмас, иккита машинаси бор!

Холиниса. Сўраганинг айби йўқ: эркак қуданинг хизматлари қаерда?

Замира. Сарик сигир соғадилар. Холиниса. Узингиз-чи?

Замира. Мен ҳам илгари сарик сигир соғардим. Катта ўғлим: «Ойжон, оёгингизни узатиб дам олинг», деб ишлатмай қўйдик.

Хадича. Бойлингиз ошиб-тошиб ётбиди. Бирор нарсга муҳтожлигингиз йўқ. Хузууржон тўғри айтибди-да, Замирахон.

Холиниса. Улгингиз ўқийдиларми?

Замира. Сухсуржон институтин битирган. У ҳам сарик сигир соғади. «Касбимни олсин», деб дадаси қўймадилар. Бир йилдан бери сарик сигир соғаяпти.

Холиниса. Ҳамманглар фермада ишлаб экансизлар-да?

Замира. Вой, йўқ, фермангиз нимаси?

Холиниса. Қанақа сигир соғасизлар бўлмаса?

Замира. Сарик сигир соғамиз.

Хадича. Ургилай Холинисахон, тушунмадингиз. Кўчаларда аравали сарик бочкаларни кўрганмисиз? Пиво дейдими? Ана шу пиво бочкаларни булар ҳазиллашиб сарик сигир дейишади. Эрталаб бир суғоришади. Кейин кун бўйи қўптиририб, повуллайтиб соғаверишади.

Холиниса. **[Кулади.]** Ҳа, ҳамма бойликларим, келинга қилган бисотларим, қўш-қўш участкалару қўш-қўш машиналар пивонинг кўпигидан денг?

Замира. Вой, бу нима деганингиз, ўргилай!

Холиниса. Кўпика ҳушимиз йўқ деганим, айланай. Хуш келибсизлар!..

Эргаш РАИМОВ



Юсупов, Замира, Махкамова, Эргаш Каримов, Роза Каримова, Шарипов, Сайдибеков

Ота. Қани ўғилнинг кундалигини текшириб кўрайлик-чи.
[Кундалик дафтарни арақлаб.] Хўш... ғзуви ёмон эмас, ҳусниҳат бўлади назаримда... Ие, ие, бу ёғи ча-тоқ-ку... «Учларни ҳисобга олмаганда, ҳаммаёқни ғажак босиб кетибди-ку!». Арифметика «икки», она тили «икки». Бу нима деган гап! Кабир, ҳо Кабир!!

[Ўғли киради.]

Ўғил. Чақирдингизми, дада?
 Ота. Чақирдингизми эмиш-а, ўтир бу ерда! Мана булар нима ўзи?
 Ўғил. Баҳо.
 Ота. Баҳолигини билман, қандай баҳо деб сўраяпман сендан?
 Ўғил. Кўришиб турибди-ку: «уч», «икки».

Ота. «Уч»-ку майли, нега «икки» олсан?
 Ўғил. Билмай қолдим-да!
 Ота. Нимани билмай қолдинг?
 Ўғил. Қайси бирини сўраяпсиз?
 Ота. Мана бунисини — арифметикани.

Ўғил. Масалани ишлай олмадим.
 Ота. Қайси масалани?
 Ўғил. 891-ни.
 Ота. Баракалла сенга! 890 тасини ишлаб, биттасига қолганда ишлай олмадингми? Нима дейилган экан ўзи?
 Ўғил. «Икки киши бир челақ олчани 10 сўмга сотиб, бўлиб олишди. Бир 4 килограмм олди, иккинчиси 6 килограмми. Уларнинг ҳар бири олча учун неча сўмдан пул тўлаган!»
 Ота. Шуну ҳам билмадингми?
 Айтмайсанми! «Қанча пул тўлаш ҳар бирининг савдолашишига боғлиқ»,

деб. Савдолашишни қотирса, 6 килограммга уч сўм тўлаши мумкин, қотира олмаса, бирни-иккига олиб кетаверади.

Ўғил. Мен ҳам шунанга деган эдим...
 Ота. Демавгансан, шундай деганингда «икки» олмас эдинг. Бунисини? Буниси ҳам арифметикадан-ку?!
 Ўғил. Доирани билмай қолдим.
 Ота. Қанақа доирани?
 Ўғил. «Доира деб нимага айтилади?» деган савол бор эди.
 Ота. Ҳа, боласи тушмагур, ғирт хомсан-да, хом, наҳотки, доирани билмаган бўлсанг?
 Ўғил. Айтдим.
 Ота. Хўш, нима дединг?
 Ўғил. Айтдим: «Доира — бу чилдирман, дедим».
 Ота. Жуда тўғри айтибсан. Доира ўзимизнинг «ғижбада ғижбанг» чала-

диган чилдирма. Мана, қўшними. Одил доирачи ҳам тўйма-тўй юриб доира чалади. Хўп, булар-ку арифметикадан экан, она тилидан нег «икки» олиб юрибсан!

Ўғил. Қўшма гапни билмадим.
 Ота. «Қўшма гапни билмадим» дейди-я! Мана сенга бир мисол. Ма салан, мен бир оз каф қилиб уйга келаман, ойинг менга тўхтовсиз га пира бошлайди, сўнг унинг гапларинг чидай олмай мен ҳам гапира бош лайман. Икковимизнинг гапимиз бир бирига қўшилиб кетади. Мана бунга қўшма гап дейилади.
 Ўғил. Раҳмат, дада, ўқитувчинг шундай гап айтман.
 Ота. Гап деган бундоқ бўлибди. Билмаганларингни мендан сўрайвер ўғлим.

ЭЛБЕК

Мастава ичаётган бир уй одам дувава ўрнидан турди. Унг обғи сал оқсоқ, бўйни билан елкаси туташ — ғўлабир домла тўрга ўтдилар. Қироат билан амри мазруф айтиб, чой куйилган пивлани қўлга олдилар-да, томоқ ҳўлладилар. Бир нафас сукутдан сўнг ўзларига алоҳида келтирилган қази-қартали қуруқ норинни паққос туширдилар. Кўп ўтмай ҳоври қўл куйдирадиган, сермурч манти тортиди. Бир косаси мириқтирмади шекилли, домла олинг-олинг билан иккинчи косага даст урдилар. Мантимисан манти бўлибди-да ўзи ҳам, нақ илик-а! Ғарқ пишган оқ шатоли егандек лиққалиққа ютिलाди-я..

Дастурхондаги ноз-неъматлар томошага қўйилмаган, буну ҳамма билади. Қанча кўп тановул этилса, уй эгасининг ҳамёнига шунча барака ўғилади! Буну домла жуда яхши тушунадилар. Тушунмасалар, кўз тағларига терчилаб, пишиллай бошлаганларига қарамай, шунча таомдан кейин бир ликобча ғалвирак бодом билан бир пивла баҳори асални эрмакка бўшатиб қўярмидилар. Устидан кулоч етмас тарвузнинг бир палласи бэзур босириқ бўлди-я, ҳай-ҳай!..

Белбоғларини пича салқилатиб, кўкрак чўнтақларидан тиш кавлагичларини эндигина олган эдиларки, кимдир уй эгаси Азмиддинхонни ялтқаниб мақтаб қолди. Бу гап домлага хуш келди чамаси, бешиктерва тардай чайқалиб сўз бошладилар:

— О, нимасини айтасиз, бегим! Ҳизр бувам қўл берган Азмиддинхонга, ҳа. Ризқ-рўзим ушбу қишлоққа сочилгандан бери ҳар рўзаи моҳи рамазонда бир, қурбон ҳайитинда бир қуйруғи жомашовдан чўнғроқ қора кўчқор сўяди бу киши, элатга нажр беради. Айниқса, фалакиёт тахтининг яккаю ягона сарвари бўлмиш парвардигорнинг ер юзиндаги табаруқ вакили Муҳаммад пайғамбаримиз туғилган кунларига атаб мавлуд қилганда, ҳай-ҳай, бирингга минг қўшилғурнинг чунонам хотамтойлиги тутиб кетадики, ҳатто биздек мўминларни банорас тўн кийдирмай эшиқдан чиқармайди. Ана жўмардлик, мана фазли камолот! Буну қаранг, куни кеча, умримнинг закоти деб, масжидимизга бир жуфт жойнамоз ҳада этди, пийсабилло ҳада этди! Бунинг савоби, ўх-ў, билсангиз, малонкалар аркидан ҳам баланс турур. Машойхлар айтганидек, бундай ҳимматли банда бу дунёю у дунё азизу мукаррамдир.

Мукаррамки, шаҳар бозорининг шунчаки бир патчаси бўлса-да, тағида қўш машина, озги тўла тилла тиш. Бундай бандаларининг юзи, қурьонда, жаннат, дейилган. Уни кўрганнинг сари дийдангиз равшан тортавереди...
 Утирганлардан таклиф имоси бўлди шекилли, домла тиловатга тушдилар. Чунонам чўздиларки, обғи бодли бир қария охири оғриққа оладмай хрраб юборди. Кўзлари ча-

ланган домла ўнг ва сўлга юз ўғирдилар-да, туришга ижозат мазмунда омин, дедилар. Худойига келганлар апил-тапил қўзағолишди. Домла эса узатган обқларини йғмай, ниманинғир тазмаю илчинда томоқ қириб, калта-калта йўталиб қўйдилар. Шу асно Азмиддинхон кўринди. Унинг қўлида қўзи ёқали малла пўстин товланиб турарди. Пўстинга кўзлари тушган домламизнинг ўйчан чеҳралари бирдан чарақлаб кетди.

Шу пайт эшик тўсатдан очилиб, Азмиддиннинг жиғи Соли чатоқ пайдо бўлди. Чатоқ эшик кесакисига суяниб, ташқарига чиқаётганларга кўз югуртирди.


— Тўхтанг, тоға,— деди у қўлини кескин кўтариб.— Кимга пўстин кий-ғизаётганинғизни билсангизми!
 — Домлани етти ёшдан етмиш ёшга ҳамма билади, наҳотки сен танимасанг!

— Таниганим учун ҳам сўраяпман-да,— тиржайди Соли чатоқ.— Наҳотки тўрт йил бирга «дам олиб» келган шишадошимни билмасам. Хой, номерд!— Домлага қўлини бигиз қилди Чатоқ.— Уша ёқда юрганда: «Уйга қайтсам, ҳалол ишлайман, фойдали меҳнат билан шуғулланаман...» деб сўз берган эдинг-ку!

Ташқарига чиқаётганлар ўртасида шивир-шивир бошланди. Азмиддинхон жиянга бир ўқрайиб қўйди-да, домлага пўстинни кийгиза бошлади...

ЯМИН ҚУРБОН

КЎЗИТЎЙМАС



Балиқчиннинг хомхаёли.

— Яхшиям сувга тушиб олганимиз, бўлмаса ёмғирда роса ивирдик-да...

Азмиддин Хужаев шахмат жасорат ва ўзига ишонч туйғуси галаба келтиришини исботлади. Александр Алёхин дебютларда кўпгина янги вариант ва системалар кашф этди, мураккаб комбинацияларни амалга оширди. Лекин шахмат жангининг моҳияти ва шахмат курашининг қонунари тўғрисидаги фалсафий таълимоти унинг энг муҳим ҳиссасидир. Чунончи, ютуққа эришишнинг асосий шартларини Алёхин аллақачонлар аниқлаб чиққан, тажриба унинг хулосалари тўғри эканлигини тасдиқлаган. У ҳеч қачон мусобақалардаги умумий натижаларни ўйналган партияларнинг сифатидан ажратмаган, зеро шахматда галаба билан ижодни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Спортнинг юксак фазилатлари билан фантазия, ижодкорлик каби тафаккур сифатларини уйғунлаштирган шахматчигина турнир ва матчларда юқори натижаларни қўлга киритиши мумкин.


«Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас,— дейди жаҳон чемпиони Анатолий Карпов «Танланган партиялар» китобига ёзган сўз бошисида.— Спорт билан ижод чамбарчас боғлиқ ҳолда боради».

Анатолий Карпов 24 ёшида жаҳоннинг 12-чемпиони бўлди. У универсал услубдаги, ижодий уфқи кенг шахматчидир. Лекин, кейинги вақтларда шахмат психологияси ҳақида гап юритиш урф бўлиб қолган бўлса ҳам, Карпов унинг ролини ошириб юбориш тарафдори эмас кўринади. У ўз изоҳларида кўпинча позиция талабларига бўйсунган ҳолда ўйнашга интилишини таъкидлайди.

Анатолий — туғма спортчи. У фақат шахмат ўйнаганда эмас, балки домино, бильярд сингари спорт ўйинларининг ҳал қилувчи пайтларида ҳам одатдагидан кўра юқориқоқ даражада маҳорат кўрсатади. Шахматга нисбатан олганда бу энг нозик вақтда эришишдан қатор галабаларга ўз аксини толган. Оқибати ноник, хира қурбонлар одатда Карповни ўзига кам тортеди. Лекин, шу билан бирга, позициянинг биринчи талаблариданоқ у «ийгитчасига» ўйнашга тайёр. Агар моҳдий мувоzanатнинг бузилишини ўзига хос шахмат хирургияси дейдиган бўлсак, у ҳолда бунда ҳам бир неча «мутатхассисликлар» мавжуд. Чунонки, 17, еб h2 ва ҳоказо хоналардаги одатий қурбонлар яқол кўриниб туради. Конкрет вариантларда нафи кўринмайдиган лиёда қурбон эса — бошқа гап. «Менинг назаримда,— дейди Карповнинг китобига каттагина кириш мақоласи ёзган жаҳон экс-чемпиони Михаил Таль — буни нейрохирургия билан бемалол таққосласа бўлади. Карпов бунақа «тажриблар»дан анчасини муваффақиятли ўтказишга улгурди...»

М. МУҲИДДИНОВ,

СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати.



ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЦИКЛОКРОССВОРДИ

1. Металла бўрттирма тасвир ишловчи уста. 2. Тасвирий санъат асари. 3. Рассом, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 4. Рассом Раҳим Аҳмедов асари. 5. Кенг қамровли картина. 6. Ислимий нақшнинг бир хили. 7. Қўтлуғ Башаровнинг «Куз» триптихига кирган асари. 8. Француз рассоми, «Устахонада нонушта» картинасининг муаллифи. 9. Асоси тўғри тўрт бурчакли тўрт томонга уланувчи нақш тақсими. 10. Кандакор Омон Азизов асари. 11. Рассом Н. Карахан картинаси. 12. М. Саидов мўйқаламига мансуб асар. 13. СССР халқ рассоми Урол Тансиқбоев асари. 14. Ислимий нақшдаги гуллар новдасининг айтилиши. 15. Француз рассоми, «Шамол хуружи» картинасининг муаллифи. 16. Элементлари маълум тартибда такрорланадиган безак. 17. Рус рассоми А. Куинджи асари. 18. Битган ёғоч ўймакорлиги асарига ишлов бериш. 19. Ўзбекистон ССР халқ рассоми. 20. В. Кайдаловнинг график асари. 21. Карикатурачи рассомлар — кукриникларнинг асари.

6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Саксовул. 3. «Тўтинома». 6. «Навбахор». 9. Акварель. 13. Кўра. 14. Руденко. 15. Нева. 18. Узук. 19. Бақа. 22. Новосибирск. 27. Айил. 28. Эфир. 31. Метр. 32. Шоколад. 33. Альп. 36. Қўрғоғин. 37. Чоршанба. 38. Маснавий. 39. «Гулистон».

Бўйга: 1. Санскрит. 2. Оҳак. 4. Ипак. 5. Альманах. 7. Вергул. 8. Овул. 10. Кокс. 11. Ереван. 12. Механизатор. 16. Суворий. 17. Фалсафа. 20. Чой. 21. Чит. 23. Шашмақом. 24. «Наштар». 25. Арслон. 26. Кейптаун. 29. Шоли. 30. Наво. 34. Ном. 35. Ишчи.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Исиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУЖАЕВ

«Гулистон» — ежемесиятнинг обществено-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33—35—20; бош редактор ўринбосари — 33—35—90; масъул секретарь — 32—58—33; иктимомий-сиёсий бўлими — 33—36—59; адабиёт ва санъат бўлими — 33—36—02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32—58—32.

Босмахонага таъширди: 22.04.1982 йил. Босишга рухсат этилди 25.06.1982 йил. Р — 07305. Қоғоз 70×108¹/₈. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 253870. Буюртма 3465. Нашр М — 105.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент ГСП, Правда Востока кўчаси 26.

Кўриб, ҳайратланасиз

Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ўзининг «Танланган партиялар» китобига ёзган сўз бошисида бундай дейди: «...Иккала томон ҳам екам-кўст ўйнаган партиялар деярли йўқ, чунки одамлар — машина мас. Фақат хатолар ҳар хил даражада бўлади...»

«Совет шахмат мактаби ўз-ўзидан ратилмаган. Бизнинг шахмат усталимиз уни Чигорин ва Алёхин радициялари асосида матонат ва асорат билан бунёд этдилар, қаттиқ турнир жанглирида синодан ўттидилар, ривожлантирдилар. Бу ақаб айниқса жаҳон биринчилиги чун ўтказилган мусобақалар жараида камол топди.

Маълумки, буюк шахматчилар — жаҳон чемпионлари турнир ва матчаларда мислсиз галабаларга эришиш билан бирга ҳамма вақт шахмат тизимига ўзларининг бирон бир янгиликларини қўшиб келганлар. Биринчи стратегия ёки тактиканинг унганча маълум бир қонунини яратган, иккинчиси маълум қондаларни бошқароқ талқин этган, учинчиси шахмат ариятининг у ёки бу соҳасини илоий борича такомиллаштирган.

Вильгельм Штейниц позициявий ураш назариясини яратди, Эмануэль аскер шахматга психология элементини олиб кирди. Хосе Капабланга маневрлар қилиш ва позицияларни соддалаштириш техникасини ариятини юксак даражага кўтарди.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: 1. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Г. Зайцев номидаги Бутуниттифок гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Давлат мукофоти лауреати Содиқ Мирзахмедов. 2. Институт кутубхонасида. 3. Селекциячи олимлар [ўнгдан чапга] А. Трибунский, Б. Страунал, В. Ефименко, А. Тишин, П. Содиқов, К. Тешабоев С-47—27 пахта навининг тола сифатини текширмоқдалар. 4. Илмий ходимлар С. Одилов [чапдан], Т. Холхўжаев, С. Мирзахмедов ва В. Ристаков пахта тола сифатини белгиламоқдалар. 5. Институт ходимлари Е. Запрудер, С. Раҳмонқулов, Т. Соколова ва А. Азизхўжаевлар чигитининг ёғдорлигини аниқламоқдалар. 6. Р. Ким [ўнгдан], М. Ортиқова ва Я. Узоқов пахана нав пахтанинг самарадорлигини ҳисоблаб чиқмоқдалар. 7. Институтнинг генофонди.


А. Кудряшов фотолари

Б. Мизрохин фототўтиди

Тўртинчи бет. Дугоналар.



Ез гашти



Кўксув

Н. Шарипов фотолари

Тошкент Қишлоқ хўжалик ирригацияси ва механизациялаш инженерлари тайёрлаш институтининг студентлари спорт билан мунтазам шугулланадилар.



